

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



МУСИҚА ТАЪЛИМИ

Мусиқа таълими фанларининг
инновацион тараққиёти ва
ривожлантириш стратегиялари

МОДУЛИ БҮЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021



Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: сан.ф.н., доц. Қ.Б.Панжиев

Тақризчи: PhD доктори Франк Лапер - Ponter de Parij №10 университети (Париж).

Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.



МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	32
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	140
V. КЕЙСЛАР	173
VI. ГЛОССАРИЙ	174
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	178

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносаб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг қўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иктисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижаат ва қатъият қўрсатишни талаб этмоқда.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, олий таълим муассасалар (ОТМ)ида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилияти моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида “Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари” ўкув модулининг ўқитилаётганлиги педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида ўқитишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиятини изчил ривожлантириб бориш кўнкима-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Айни вақтда “Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари” модули олий таълим пеагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишиларига ёрдам беради.

Ўкув модули доирасида тингловчилар Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари фанининг тараққиёт тенденциялари ва инновацияларининг моҳияти, назарий асослари, самарали шакл, метод ва воситалари билан танишади, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали тадбиқ этиш йўлларидан хабардор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиши малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиши жараённи тингловчиларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари” **модулининг мақсади:** таълим тизимининг ислоҳ қилиниши туфайли унинг мазмунини тубдан янгилашга ва таълим жараёнини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш ҳамда сифат самарадорлигини кўтариш зарур бўлиб қолди.

Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари фанларини ўқитишида билим заҳираларини яратиш жаҳон амалиёти савиясида ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда ўқитишининг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, педагогик таълим олувчи шахсда мустақил фикрловчи, билимларни мустақил равишида қидирувчи, ахборотлар тўпловчи ва улардан фойдалана олувчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш каби зарур назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини тингловчиларда шакллантириш лозим бўлади.

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари” **модулининг вазифалари:**

- замонавий фан ютуқларини амалиётга тадбиқ эта олиши, муаммони ечишга ижодий ёндашиши;

- мутахассислигининг илмий муаммоларини ечишда мустақил қарорлар қабул қила олиши ҳамда ундан касбий фаолиятида фойдалана билиши;

- фазовий, образли-сиймоли, мантикий тасаввур ва тафаккурни ривожлантириши;

- мустақиллик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик ва бошқа хислатларга эга бўлиши;
- илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ва ҳисоботлар тузишни;
- касбий-ижодий масалаларни ечишда автоматлаштирилган ва компьютерлашти-рилган моделлаш методларини эгаллаши;
- илмий асосларда илмий жамоани бошқара олиши;
- ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари ва методларини эгаллаши лозим.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **tinglovchi**:

“Машғулот турлари (лекция, амалий машғулотлар ва бошқалар) ни ўтказиш ва назорат қилишнинг фаол шаклларини”, “ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим олувчиларнинг диққатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини тўла ошириш методларини”, “талабалар билимини, кўникма ва малакасини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини”, “ўқитиш сифати ва кадрларнинг касбий тайёргарлигига таъсир этувчи факторларни”, “педагогик мулоқот асосларини”, “илмий тадқиқот ишининг асосий тушунчалари ва методларини” кабиларга оид **билимларга эга бўлиши**;

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари” фанини ўқитишда ўқув ва билим олиш фаолиятини оширишни ташкил этиш”, “Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари” фанини ўқитишда талаба ва ўқувчиларнинг билими ва мустақил таълимини бошқариш ҳамда назорат қилишнинг ташкилий ва ўқув-методик таъминоти”, “Ўқув-методик тарбия жараёнини лойиҳалаш ва амалга ошириш”, “Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари”дан топшириқлар, тарқатма карточкалар ва моделлар, кўргазмали электрон слайдлар каби ўқитиш воситалари (ўқув-методик матеариллар)ни ишлаб чиқиш”, “Янги педагогик технологиялар, уларни Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари фанини ўқитишда қўллаш кабиларга доир **кўникмаларини эгаллаши**;

- Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари фанини инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;
- Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегияларини ўқитишда инновацион фаолиятни ташкил этиш;

- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий мухитни яратиш;
- инновацион таълим технологияларини оқилона танлаб олиш;
- Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;
- инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини эгаллаши**;
- педагогик инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш;
- таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлаш;
- инновацион таълим технологиялари (инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологиялари)га асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
- тингловчиларни изланишли-ижодий фаолиятга йўналтириш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари” модулини ўқитиш жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билиш боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари” модули бўйича машғулотлар ўқув режадаги “Таълимда илғор хорижий тажрибалар”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш”, “Виртуал таълим технологияси”, “Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси”, “Педагогик тантрика ва техника”, “Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари”, “Креатив педагогика асослари” субмодуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Мусиқий таълим фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари”ни ўзлаштириш,

жорий этиш ва амалиётда қўллаш малакалари, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятга эга бўлади.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Жами аудитория соати	Жумладан	
			назарий	амалий
1.	Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари	4	2	2
2.	Методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳдил ва таснифлаш. Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари ва уларни ривожлантириш стратегиялари.	2		2
3.	Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.	4	2	2
4.	Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари. Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўкув-услубий адабиётлар яратиш, “Устоз-шогирд” мактаблари.	4	2	2
5.	Ўзбек мусиқа мероси қатламлари, фольклор ва мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари.	6	2	4
Жами		20	8	12

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.

Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.

2-мавзу. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.

Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.

3-мавзу. Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари. Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “Устоз-шогирд” мактаблари.

Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари.

Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш.

“Устоз-шогирд” мактаблари.

4-мавзу: Ўзбек мусиқа мероси қатламлари, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти, фольклор ва мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари.

1. Ўзбек халқ мусиқаси
2. Оғзаки анъанадаги касбий мусиқа
3. Достончилик ижодиёти

4. Фольклор ва мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.

Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари.

Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.

2-мавзу: Методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш. Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари ва уларни ривожлантириш стратегиялари.

Методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш.

Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари ва уларни ривожлантириш стратегиялари.

3-мавзу: Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари. Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “Устоз-шогирд” мактаблари.

Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари.

Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш.

“Устоз-шогирд” мактаблари.

4-мавзу: Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари. Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “Устоз-шогирд” мактаблари.

Таълим тизимида хорижий давлатларда мусиқа таълими мактаблар; ижрочилик санъатида артистик маҳорат ва сахна маданиятини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

5-мавзу. Ўзбек мусиқа мероси қатламлари, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти, фольклор ва мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари.

Ўзбек халқ мусиқаси

Оғзаки анъанадаги касбий мусиқа

Достончилик ижодиёти

Фольклор ва мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Бугунги кунда ўқитишнинг замонавий методлари таълим жараёнида кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўкув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишида ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиха, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методлар интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аталади. **Интерфаол методлар** деганда таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим оловчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиши-ўрганиш;
- таълим оловчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиши шиддатини таълим оловчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим оловчининг ташаббускорлиги ва масъулиягининг қўллаб-куватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.



**“Кичик гуруҳларда ишлаш”
методи**

“КИЧИК ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш хуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бирбиридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Куйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари қуийдагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлик бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим оловчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурухлар баҳоланади.

«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзалиги:

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим оловчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим оловчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим оловчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим оловчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичига ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“ДАВРА СУҲБАТИ” МЕТОДИ – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сухбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сухбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сухбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча дикқат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Куйида “Давра сухбати” методининг тузилмаси келтирилган.


Давра столи тузилмаси

Ёзма давра сухбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варакаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги

таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йифиб олинниб, таҳлил қилинади.

“Давра сұхбати” методининг босқичлари қўидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таниширади.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йифиб олинади ва таҳлил қилинади.



Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилиган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан

ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Хар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқарib бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлинни кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Куйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



Методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлади. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.



"ФСМУ" методи

“ФСМУ”-(фикр, сабаб, мисол, умумлаштириш) методи мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-мунозарали ўтказишида қўлланилади, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш, ўз фикрини бошқаларга ўтказишига, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятига ўргатади. Бу метод янги мавзуни чуқур ўрганишдан аввал тингловчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш, умумлаштириш, тингловчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини ёзма шаклда, далил ва исботлар билан ифодалашга ундейди.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнималарини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган яқуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тасвирий санъат фанидан давлат таълим стандартлари талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

1-Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ технологияси орқали таҳлил қилинг.

2-Топшириқ: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги давлат бошқарувининг асосий фарқлари?



"ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Beep) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, қўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза

машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



Иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



Машғулотнинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



Нвбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Тасвирий санъат фанидан Давлат таълим стандарти

Собиқ стандарт		Янги стандарт	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:



“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш

йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Тасвирий санъат фанларини ўқитишида “Хулосалаш” методнинг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Тасвирий санъат фанларини ўқитишида “Хулосалаш” методидан фойдаланишининг кучли томонлари	
W	Тасвирий санъат фанларини ўқитишида “Хулосалаш” методидан фойдаланишининг кучсиз томонлари	
O	Тасвирий санъат фанларини ўқитишида “Хулосалаш” методдан фойдаланишининг имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташқи)	

Намуна: Анъанавий ва замонавий таълим шаклларини “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

S	Оддий дарсда ўқитувчи, тингловчиларга кўп маълумот бера олмайди	Замонавий дарсда камроқ маълумот берилади, бироқ улар тингловчилар онгига сингдириб берилади
W	Ўқитувчи асосан аълочи, қизиқувчи тингловчилар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли тингловчилар қамраб олинади	Замонавий таълимда дарсда кўп сонли тингловчилар қамраб олинади
O	Оддий дарсда фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади	Замонавий дарсда муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туғилиши мумкин

Т	Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, тингловчи учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини ёшлишиб ўтириш мажбурияти	Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, тингловчиларни мавзудан четга буришга интилишлари
---	---	---



"Инсерт" методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот қўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот қўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Пинборд” методи

Пинборд (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув сұхбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гурухлаштириш (классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий хужумнинг бошланишини ташкил қиласи (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф қиласидилар, муҳокама қиласидилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч холосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Ўқитувчи билан биргаликда флипчарт (махсус доска ва маҳсус қофоз ёпиштириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фикрлар жамланади, классификация қилинади, муҳокамада эса оптимал ечимлар бўйича аниқланади.

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) яққол хато бўлган ёки тақоррланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қофоз ва варақларидағи) гурухларга ажратадилар;
- 5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

Маданият

моддий маданият	маънавий маданият



“Концептуал жадвал” методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер ҳисобланади. Метод тингловчиларни ўрганилаётган мавзуу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда

тингловчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияtlари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуидаги тартибда кечади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди

Тингловчилар мавзу ва методдан фойдаланиш қоидаси билан таништирилади

Тингловчилар кичик групкаларга бириткирилади

Групкалар ўзларига берилган топшириқни бажаради

Групкалар ечимни груп жамоаси ҳукмига ҳавола этади

Групкаларнинг ечимлари груп жамоасида муҳокама қилинади

Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жихатлар	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
1-жихат			
2-жихат			
...			

Намуна:

Тасвирий санъат дарсларида интерфаол таълим усулларидан фойдаланишнинг жихатлари	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1-белги (тавсиф)	2-белги (тавсиф)	3-белги (тавсиф)
“Ассесмент”			
“Инсерт”			
“Тушунчалар”			
“Брифинг”			

“Баҳс-мунозара”			
“Муаммоли вазият”			



“Тушунчалар” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод Тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустакил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- tinglovchilar mazkur tushunchalar qanday maъno anglatishi, qachon, qanday xolatlarda qoulhaniishi haqida ezmalar maʼlumot beradilar;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”.

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Перспектива		
Конструкция		
Хажмлар		
Композиция		
Шакл хажмдорлиги		
Ранг гаммаси		
Психологик портрет		
Ранг колорити		

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар хақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.
“Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишилари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. “Муаммоли вазият” методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурӯҳларга ажратади.

4. Кичик гурухлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиши сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гурух тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласдилар, уларни таҳлил қиласдилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гурухлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гурух таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.



"Т-жадвал" технология

Технология таянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солишириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда технология мавзу мазмунидаги ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

Агар улар ёзилган фикрга қўшилсалар, биринчи устунда “+“ акс ҳолда учинчи устунда “-“ белгисини қўядилар.

Изоҳ: Ўқитувчи: Янги мавзуни баён қиласди ва тингловчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

- топшириқни якка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;

- вақт тугагач тингловчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;

- барча холосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний холоса шакллантирилади.

Тингловчи: - мавзуни диққат билан тинглайди;

- ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд килиб боради;

- берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;

- якуний холосаси билан ўтирганларни таништиради;

- регламентга риоя қиласди.

Кутиладиган натижা: Тингловчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади

“Т-жадвал” технологияси

Ўрганилаётган масала (ғоя, омил)	
+ (ҳа, ижобий) афзаллиги (ютуғи)	- (йўқ, салбий) камчилиги
1.	1.
2.	2.
...	...

“Инновацион технологияларни дарсда фойдаланиш”

Афзалликлари	Камчиликлари	
“Қайтар алоқа”нинг таъминланиши мотивациянинг юқори даражада бўлиши	кўп вақт талаб этилиши тингловчиларни назорат қилиш имкониятининг пастлиги	
ўтилган материалнинг яхши эсада саклаб қолиниши мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши	объектив баҳолашнинг кийинлиги ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмасига эга бўлишининг талаб этилиши	
ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаш кўникмасининг шаклланиши	ижодий шовқин бўлиши	
мустақил	фикрлаш	қайтар алоқанинг таъминланмаслиги
ХУЛОСА		



“Блиц-ўйин технологияси”

Сана ва воқеаларни тўғри хронологик кетма-кетлика жойлаштиринг.

Саналар –асрлар.

Тасвирлашга нисбатан бўлган қизиқиши инсонларни қадимдан ўзига жалб этиб келган. Чунки у ибтидоий давр одамларига ўзаро мулоқот қилиш, сўзлашиб учун зарур бўлган. Тарихдан маълумки, тасвирларнинг аксарияти овчилик билан шуғулланиб келган қадимги одамларнинг ҳайвонларни қандай ов қилганликларига асосланган. Улар ҳайвонларнинг юрган йўлларини кузатиб, қоя ва ғорларда турли тасвир ва белгилар қолдирганлар. Вақт ўтиши билан уларнинг тасвирлаш қобилияtlари ривожланиши натижасида кейинчалик ҳар хил ов манзаралари ўзига ҳос дастлабки композиция ечимиға эга тарзда акс эта бошлаган.

Йил, сана	Содир бўлган воқелик
-----------	----------------------

--	--

“Вени диаграммаси” стратегияси

Стратегия тингловчи (тингловчи)ларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзуунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

Стратегия тингловчи (тингловчи)лар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.



“Ҳамкорликда ўқитиш” методи

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиши, ўрганишdir!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги:

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу кўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бир-бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоқи, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чукур мазмунга эгалиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилияtlар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари бетакор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўқув масалаларининг янги ечимларини топишда ижодий қобилияtlар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гуруҳ бажарган топшириқни эртага ҳар тингловчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиши учун ҳам шароитлар яратади. Машғулот ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, тингловчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаолли ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий афзалликлари:

- ҳамкорликда ўқиётган тингловчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;

- ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиласидар, гап фақат ўқиш тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;
- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топширикни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;
- ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга ҳаракат қиласидар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб қўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва кўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улшини қўшишга олиб келади;
- тингловчилар бир-бири билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зидликлар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришишга ундайди ҳамда бошқа қўп фойдали сифат ва кўникмаларни шакллантиради;
- тингловчилар яхшироқ ўқишга интилишда бир-бирига қўмаклашади. Ўқида ўртоқларига ёрдам берадиган тингловчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқиди;
- бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гурух аъзолари ўртоқларига таъсир этишнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиқлар;
- аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди;
- ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гурух аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуқлари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиш тамойиллари сифатида қўйидагиларни қўрсатиш мумкин:

- гурухга битта топшириқ;
- битта рағбат: гурух барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гурух аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йигиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гурух (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гурухнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;
- ҳамкорликдаги фаолият: гурухий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;

- муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиқкан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

Гурухда ишлаш қоидалари:

Ҳар ким ўз ҳамкаслари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;
Ҳар ким фаол, биргалиқда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;

Ҳар ким ёрдамга муҳтоҷ бўлганда уни сўраши зарур;

Ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;

Ҳар ким гуруҳ ишини натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.

Бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз!

Биз битта кемадамиз: ёки бирга сузуб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз!

Гурухда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гурух лидерини сайланг.
2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг.
3. Топшириқни бажаринг.
4. Тақдимотга тайёрланинг.
5. Тақдимот ўтказинг.
6. Гурух ишини баҳоланг.

1-босқич

Гурух иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштирилади, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гурух аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшлишлари керак, зарур ўқув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

2-Асосий босқич

1. Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш – танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади.

2. Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қиласди, таълим олувчилар билан биргалиқда уни эчиш йўли ва тартибини муҳокама қиласди, гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қиласди. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

3. Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни баажаришда қандай қўшимча материалларидан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.

Доскада гурухли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

4. Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гурухли ишни бажариш бўйича йўриқномани мухокама қиласди; ҳаммалари уни тушунгандарига ишонч ҳосил қиласди.

5. Гурухларда ўкув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўкув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қиласди; Гурух ишини назорат қиласди. Гурух ишини режалаштириш, вазифаларни гурух аъзолари ўртасида тақсимлаш, вазифани бажариш бўйича якка тартибда ишлаш, якка тартибда топилган ечимларни мухокама қилиш, гурух учун умумий ечимни ифодалаш, гурух иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баражариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга, қўнікмаларни шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбеҳ қиласди.

6. Гурух иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гурух вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

3-Назорат –якуний босқичи

Якун ясаш – натижалар текшируванин ўтказади: гурухнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; Гурух ишини таҳлил қиласди, топшириқ бажарилишининг якунини қиласди, эришилган мақсад тўғрисида хulosалар чиқаради.

Ҳамкорликда ўқитишининг самарадорлиги

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.
2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.
3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.
4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.
5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.

Режа

1. Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари.
2. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.

Таянч тушунчалар: ғоя, назария, тараққиёт тенденциялари, тамойил, концепция, қонуниятлар, тараққиёт, тарих, мусиқий тараққиёт.

1. Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий сиёсий ва маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ўзининг кўлами ва аҳамияти билан муҳим воқеа сифатида тарихда муҳирланиб қолмоқда. Айниқса, Республикализни мустақил ҳаёт кечириши, тенглар ичра тенглиги, ўзининг келажагини қуришда илдам қадам ташлаб бораётганлиги бугунги глобаллашув жараёнида ўзининг мустақил ривожланиш йўлидан сабит қадам ташлаб, бутун дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Мамлакатимизнинг 130 йил мустабид тузум исканжасидаги ҳаётидан сўнг озод давлат сифатидаги илк фаолиятида кадрлар тайёрлаш масаласига асосий эътиборини қаратди. 1992 йилда мустақил давлат сифатида “Таълим тўғрисида”ги биринчи Қонун қабул қилинди¹. Мазкур қонун Ўзбекистонда илгари эришилган ютуқларни сақлаб қолиш баробарида, эски тизимдан янгисига ўтишда кўприк вазифасини ўтаган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Қонунларни амалга киритилиши МДҲ Республикалари орасида биринчилардан бўлиб, таълим тизими ва унинг мазмун - моҳиятини бозор муносабатлари шароитидан келиб чикқан ҳолда мутлоқо янгича дунёқараш ва талабни, қолаверса, янги босқични бошлаб берди. Мазкур қонун ғоявий мавкуравий жиҳатдан миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизими даги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилганлиги

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. 2009. 128-129 б.

билин жуда қадрлидир. Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва замонавий концепциялари Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан ана шу мақсадга эришиш учун мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов раҳбарлигига янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, ижтимоий шароитларда фаолият қўрсатадиган, замонавий касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашнинг “Ўзбек модели” ҳаётга тадбиқ этилди.

Республикамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамият қурилмоқда. Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти этиб белгиланган²лиги фикримиз далилидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз барча соҳаларда кенг ислоҳотлар майдонига айланиб бормоқда. Мазкур ислоҳатлар заминида замон ва тараққиёт талабига тўла жавоб берадиган малакали кадрлар ва уларни тайёрлаш масаласи турибди. Бу ўринда олий таълими тизимининг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир. Республикализ олий таълим тизимида 2012 йилдан 6 та билим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлашнинг кенг йўлга қўйилиши бугунги кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини сифат ва самарадорлигини таъминлашда пойdevор замин яратди.

Бугунги кунда олий таълим тизимида ўқув-услубий фаолиятни ташкил этиш ва уларни самарадорлигини ошириш масаласи энг долзарб масалалардан бири хисобланади. Ўқув ва услубий фаолиятни ташкил этиш ва бу фаолиятни самараали олиб бориш ишларини янада такомиллаштириш ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва замонавий концепциялари инсон руҳий олами, нозик ҳис – тўйғулари, ички

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда.

кечинмалари унинг ижтимоий фаолиятини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Юксак руҳий қўтаринкилик, ажиб ҳис-туйғулар ички кечинмаларини мутаносиблаштиришда жозибали мусиқанинг сехри таъсири бекиёс улкандир.

Аждодларимиз асрлар давомида мусиқанинг қудратига таҳсинлар ўқиганлар, ўз муносабатларида, меҳнат фаолиятларида, ҳаётда ундан баҳраманд бўлганлар. Эзгу ниятларини амалга оширганлар.

Эндиликда мусиқанинг жозибали, хуснкор қўлами, унинг мавқеи янада кенгайди, жамиятда тутган ўрни мустаҳкамланди. Мусиқа мамлакатимизда катта тарбиявий имкониятларга эга бўлган мустақил соҳадир. Ўқув тарбия жараёнида мусиқа ёш авлодга аҳлоқий-эстетик тарбия беришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади, таълим жараёнининг бир қадар жадаллашуви самарадорлиги унга боғлиқ.

Мусиқавий жихатдан саводхонликка эга бўлишнинг аниқ мақсад ҳамда вазифалари мавжуд. Бу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда мавжуд илмий ва услубий ёндашув муайян йўналишни белгилайди. Мусиқани ўзлаштириш, тинглаш, ижро этиш ва ундан ҳаётда манфаатдор бўлиш инсоний маданийлик билан уйғунлашиб кетади.

Халқимиз яратган дурдоналарнинг бири ҳисобланган мусиқа ҳар соҳада, чунончи, таълим – тарбияда, меҳнатда ва ижтимоий муносабатда маълум даражада ўз ифодасини топади. Мурғак гўдакдан тортиб то нуроний қарияларгача, санъат неъматларидан баҳраманд бўлади, эртанги куннинг янада порлоқ бўлиши учун курашади.

Шундай экан, мусиқа онгли фаолият, самарали меҳнат, самимий муносабат ҳамда мўътадил кайфият гарови бўла олади. Мусиқа кундалик ҳаётимизга қанчалик сингиб борса, ҳаётимиз шунчалик завқли ва мазмунли ўтади.

Мустақиллик йилларида анъанавий қўшиқлар ва унинг тарихи, илдизини ўрганар эканмиз энг аввало “анъана”, анъанавийлик”, “қўшиқ”, “ашула”, “катта ашула” “анъанавий қўшиқ” тушунчаларига изоҳ бериб ўтишни жоиз.

Анъана тушунчаси “Ўзбек тилининг изоҳли луғатида”³ “наслдан наслга ўтувчи қоида”, яъни, ҳаётда қарор топган ва топаётган урф-одат, удум ва бошқа амалларни анъана тарзда такрорланиб келиши деб эътироф этилади. Анъанавийлик эса ўз-ўзидан ушбу жараённи доимий равища, йиллар мобайнида ўзига хос шаклда такрорланиб келиши демакдир. Шу нуқтаи назардан биз тадқиқ этаётган анъанавий қўшиқлар ҳам ҳаётда, кундалик турмуш тарзимизда қарор топган ва топаётган урф-одат, удум ва бошқа амалларни авлоддан-авлодга йиллар мобайнида ўтиб клиши ва бу жараённи доимий равища такрорланишидир. Яна ҳам ойдироқ айтадиган бўлсак, анъана – авлоддан-авлодга ўтиб борадиган, одамлар ва кенг

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 107 б.

жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, доимий ўтказиладиган ижтимоий ахлоқ муносабатларнинг умумлашган норма ва принципларидир. Шу ўринда қўшиқ⁴ тушунчаси кенг қўлланилган. Адабиётларда қўрсатилишича, қўшиқ атамаси “шлок”, “такшут”, “ир” (йир), “куг” каби номлар билан қадимдан аталиб келган. Дастреб, Маҳмуд Кошғарийнинг асарларида “қошуғ” - қўшиқ, қасида, шеър тарзида аталиб, сўзниң маъносини шарҳлашдаги тўртлик маъносида ишлатилади. Анъанавий қўшиқлар ҳақида гап кетганда бу иборага мутахассислар фикрига таяниб хulosса чиқариш лозим бўлади. Атоқли мусиқашунос олим Р.Юнусов қўшиқ ҳақида таъриф бериб, мусиқий атама, иборалардан фойдаланиш амалиётида тегишли нуқсонлар борлиги ҳақида фикр билдириб шундай дейди – “кундалик муомилада тез-тез учрайдиган “қўшиқ” билан “ашула”ни фарқламаслик, фарқлай олмаслик қўзга яққол ташланади⁵. Дарҳақиқат ушбу фикрлар айни ҳақиқат. Қўшиқ атамаси ҳақида маълумот бериб ўтдик. Ашула бу бир оз қўшиққа нисбатан мураккаб жанр. Қўшиқни кундалик ҳаётимиздаги турли тоифадаги одамлар ижро этишлари мумкин. Бироқ, ашула ижрочиси маълум тайёргарлиқдан ўтган бўлиши ёки устоз сабокларини олган бўлиши лозим.

Тадқиқотимизнинг ўзига хос ўрганишили лозим бўлган жиҳати сифатида шуни ҳам аълоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб топдик. Жумладан, бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизда кўп учрайдиган “анъанавий хонандалик”, “анъанавий қўшиқ”, “анъанавий ашулачилик”, “анъанавий мумтоз мусиқа” ибораларига ойдинлик киритиб, тадқиқот давомида қўллашимиз учун осон бўладиган атамани тавсиф этсак. Яъни, аслида қандай юритишимиш лозимлиги хусусида ҳам тадқиқот доирасида ўз фирк-мулоҳазаларни баён этамиш.

Юқорида “қўшиқ”, “ашула” ибораларга мутахассислар томонидан келтириб ўтилган таърифларни баён этдик. Қўшиқ жанрини ҳеч қандай мусиқий тайёргарлиги бўлмаган, оддий касб эгаси бўлган, мусиқа ва санъатга қизиқиши бўлган фуқаролар ихтиёрий равишда ижро эта олади. Чунки, қўшиқ ижро қилиш учун маҳсус тайёргарик шарт эмас. Маълум ритмга таянилган ҳолда кичик диапазонда қўйлаш мумкин. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, ашула жанрини ижро этиш учун маълум кўнишка ва малака талаб этилади. Ашула жанридаги асарларнинг жуда қўпчилиги асосан аruz вазннаги шеърий мисралардан ташкил топади ва албатта ашулани авж пардаларда қўйлаш шарт бўлади. Бу ўринда мусиқашунос олим Р.Юнусовнинг фикриларига таянамиз: - “ўзбек анъанавий мусиқасига хос ички қонуниятларнинг энг муҳим қирраларидан бири – авж масаласидир. Уни илмий жиҳатдан тўғри идрок этиб олиш кўп

⁴ “қўшиқ” сўзи мусиқашуносликда қабул қилинган икки хил маъно (1-сўз ва куйнинг бирлашувидан ҳосил бўлган айтим намуналари, 2-банд шаклли айтим жанри).

⁵ Р.Юнусов. Анъанавий ўзбек мусиқа асослари”. Маърузалар матни. Тошкент. 2000 й., 4 б.

чалкашликларни олдини олади⁶. Авж атамаси хусусида атоқли олим И.Акбаров ўзининг “Музика луғати” китобида шундай таъриф беради⁷. Авж арабча бўлиб “чўққи, мусиқа баёни ва ривожида энг юқори нуқта” деган маънони англатади деб таъриф беради. Бу ўринда яна мусиқашунос олим Р.Юнусовнинг авж атамаси хусусидаги фикрларига қайтамиз. Ўзбек миллий мусиқачилар истеъмолида бу авж сўзини асосан уч тоифага бўлиб, изоҳлайди. Биринчидан, авж – ҳар қандай мусиқа асарнинг энг баланд, чўққи пардасининг лўнда ифодаси. Бундай кенг маъноли авж атамасидан хонандалик санъатида чекланмаган миқёсда фойдаланишни айтади. Иккинчидан, ўзбек анъанавий мусиқасида ривожланган шаклнинг юқори пардаларидаги маҳсус тузилма тушунилишини ҳамда ҳажмада катта, баланд пардаларда баён этилувчи куй тузилмалари асосан бастакорлик ижодиётининг маҳсули ашала, катта ашула, сувора, мақом жарнларга холслиги ва учинчидан, бир жуфт куй авж сўзини қўшилганлиги ҳолда юритилишини, бунга мисол тариқасида “Зебо пари авж”, “Турк авжи” каби асарларни келтириб ўтади⁸. Демак, ашулада авж пардалар асосий рол ўйнайди. Ушбу тафсилотларни эътиборга олган ҳолда айтиш жоизки тадқиқотимиз мавзуси ҳисобланган анъанавий хонандалик масаласини баён этишда фақат ашула, катта ашула ижрочиларини ўрганиш масаласи ётади. Шу ўринда атоқли мусиқашунос олимлар Ф.Карамотли⁹ ва О.Иброҳимов¹⁰ тадқиқотларида ўзбек мусиқа меросини икки қатламга ажратган ҳолда тасниф этадилар ва айнан, иккинчи қисм мусиқа анъаналарига анъанавий хонандалик айтимларини ашула, катта ашула деб киритадилар.

Бастакор сўзи тожикча (“баста” - боғланган, “кор” - иш, ишловчи маъноларида) куйни ташкил этадиган унсурларни бир-бирига боғловчи – демакдир; ҳозирда “композитор” (композиция этувчи, куй яратувчи) маъносида ишлатилади.

Санъат ҳақида тушунча. Санъат – ижтимоий онг шакли, инсониятнинг маънавий бойлиги. Кўп қиррали ва оламни бадиий-эстетик англашнинг ўзига хос воситаси. Яратувчилик, англаш ва баҳолаш хусусиятлари. Эстетик аҳамиятга эга бадиий ижод. Ҳодисалар, характерларни образли англаш. Образ – санъатнинг асосий ифода воситаси. Ижодий саралаш. Типиклаштириш. Умумлаштириш. Булар асосида ижодий ғояни, ҳис-туйғуларни ифодалаш.

Санъат мутахассислиги. Бадиий англаш обьекти сифатида. Инсон – шахсий ва ижтимоий манфаатлари бирлиги сифатида. Кишилар, инсон ва табиат, инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Ҳам инсон, ҳам воқеликни бадиий-эстетик баҳолаш.

⁶ Юнусов Р. Анъанавий ўзбек мусиқа асослари”. Маъruzalар матни. Тошкент. 2000 й., 7 б.

⁷ Акбаров И. Музика луғати. Тошкент. 1987 й., 5 б.)

⁸ Юнусов Р. Анъанавий ўзбек мусиқа асослари”. Маъruzalар матни. Тошкент. 2000 й., 8 б.

⁹ Кароматов Ф. Ўзбек ҳалқи музика мероси (Йигирманчи асрда)1 том. 1-китоб. Қўшиқ. Тошкент, 1978.

¹⁰ Иброҳимов О. Ўзбек ҳалқ мусиқа ижоди (методик тавсияновма). Тошкент. 1994 йил. 1-қисм.

Санъатнинг яхлитлиги ва кўп қирралиги. Композиция ва шакл. Мазмун ва моҳият муштараклиги.

Санъат функциялари. Асосий функциялар. Ижтимоий. Маърифий. Тарбиявий. Этик. Коммуникатив. Томошавий. Эстетик. Образли фикрлаш қобилиятини ривожлантириш. Санъатнинг ғоявийлиги ва бадиийлиги. Санъатда тарихийлик ва замонавийлик масалалари.

Санъат турлари. Асосий структуравий-таснифий бирлиги. Театр ва кинода сўз, драматик конфликт ва персонажлар хатти-ҳаракати. Мусикада овоз ва оҳанг. Хореографияда ҳаракат ва ритмика. Тасвирий санъатда: рангтасвирда ранг ва нур; ҳайкалтарошлиқда пластик ечим; графикада чизик, штрих, нур ва соя ва х.к.

Санъат жанрлари. Жанр – санъат тури таркибидаги ички бўлиниши ва нисбатан барқарор, шаклланган хислатларига, ифодавий-тасвирий воситаларга эга экани.

Жанрларнинг модификацияси, трансформацияси.

Жанрлар. Мавзу бўйича – тарихий, замонавий, психологик, илмий-фантастик ва бошқа. Ғоявий-эмоциональ хусусиятлари бўйича – лирик, юмористик ва бошқа.

Тузилмаси, шакли ва ижро усулига кўра бўлиниши. Вокаль-чолғу, камер-симфоник, хор, академик, халқ, эстрада ижрочилиги ва бошқа.

Санъатда синтез. Синтез тушунчаси, тарихий илдизлари, табиати. Ички ва ташқи шакллари.

Синтез структураси, компонентлари. Компонент тушунчаси. Ифода воситаларининг уйғунлашуви.

Педагогик кадрлар тайёрлашнинг ўқув-меъёрий ҳамда услубий хужжатларини такомиллаштириш

КОНЦЕПЦИЯСИ

“Мусиқа таълими” таълим йўналиши мазмуни республикамиз умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларида мусиқа маданияти фани ўқитувчиси ва мусиқа раҳбари лавозимлари бўйича кадрлар тайёрлайди.

Мазкур Концепцияни ишлаш чиқишида:

1. Мактабгача таълим тизимида мусиқа таълим йўналишга оид мазмун “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури (2018 й.) га мувофиқ “2.5.Ижодий ривожланиш соҳаси”

2. Умумий ўрта таълим тизимида таълим йўналишига оид мазмун умумий ўрта таълим “Мусиқа маданияти” фани бўйича узлуксиз мажбурий таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар ҳамда фан дастурлари

3. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимида таълим йўналишига оид мазмунидаги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тармоқ таълим стандарти 3141001-Мусиқа ходими касби бўйича кичик мутахassisларининг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган умумий талаблар (2015 й.).

Касбий фаолият мазмуни қуйидаги икки ихтисослик бўйича амалга оширилади:

1. Мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим муассасалари мусиқа ходими.

2. Мусиқа тўгараги раҳбари ихтисосликлари малака талаблари ҳамда ўкув дастурлари таҳлили қилинди.

Мактабгача таълим тизимида мусиқа таълим йўналишга оид мазмун “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўкув дастури (2018 й.) га мувофиқ “.2.5.Ижодий ривожланиш соҳаси” сентябрдан – май ойи охирига қадар 72 та мусиқа машғулоти ўtkазиш режалаштирилган.

Умумий ўрта таълим тизимида 1-7 синфларда “Мусиқа маданияти” фани ўқитилади. Ҳафтасига 1 соат, бир йилда 34 соатни ташкил этади.

Умумий ўрта маҳсус касб-хунар коллежида касбий фаолият мазмунидаги (юқорида таъкидланганидек) икки ихтисослик бўйича амалга оширилмоқда. Ушбу ихтисосликларда 6-7 тадан мусиқий фанлар ўқитиши режалаштирилган. Уларнинг ҳеч бири Олий таълим педагогика соҳасидаги “Мусиқа таълими” йўналиши ўкув режасидаги фанларни такрорламайди.

Ушбу таҳлил юзасидан қуйидаги таклиф ва хulosаларни баён этамиз:

1. Классификаторда “5111100-Мусиқа таълими” таълим йўналиши номини “Мусиқа ўқитувчиси” деб номлаш тавсия этилади. Сабаб узлуксиз таълим тизимида битирувчи борганда битирувчиларга бюртмачи муассаса раҳбарлари “ўқитувчи” керак. Сизларни дипломларингизда “мусиқа таълими” деб ёзилган экан деган фикрни билдиримоқда.

2. 5111100-Мусиқа таълими ўкув режаси 1-Блокдаги “1.09.Математика” фан мазмунини мусиқий математик билимлар асосида соддалаштириш ва “Мусиқий математика” номи мазмунига ўзгартириш;

3. Ўкув режада “Мусиқа тўгаракларини ташкил этиш” ёки “Мусиқий тарбиявий ишлар методикаси” фанини киритиш;

4. Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат яшишини эътиборга олиб, ўкув режадаги “Чолғи ижроилиги ва ансамбли” фани номиин “Миллий чолғулар ижроилиги ансамбли” номига ўзгартириш;

Бунда ҳар бир талаба ўзи ижро этиб келган мусиқа чолғуси бўйича ансамблда ижро этиш ва маҳоратини ошириш бўйича шароит яратилади.

5. Бутун дунёда фортепианони асосий чолғуси сифатида кенг қўлланилишини эътиборга олиб, ўкув режадаги “Қўшимча чолғу” фанини “Фортепиано ва иккинчи чолғу” номига ўзгартириш;

Маълумки Республикаиздаги барча мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимида асосий чолғу сифатида фортепиано қўлланилади. Шу чолғуни жиддий ўрганиш учун мазкур фан киритиласпти. Қолаверса, фортепианони тугатган талабалар қўшимча чолғу сифатида бошқа чолғуни ижро этиш маҳоратини эгаллайди.

Ўқув режадаги қолган фанлар мактабгача таълим муассасаси, умукмий ўрта таълим мактаби ҳамда педагогика ўрта маҳсус касб-хунар коллежлари учун тайёрланаётган кадрларни касбий жиҳатдан билим, кўнікма ва тажрибасини оширишга хизмат қиласди.

2. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.

“Мусиқа таълими” таълим йўналишида таълим олаётган талабаларнинг ақлий имкониятларини ўстириш, уларда бадиий эстетик борлиқни бутун таровати ва жозибаси билан ҳис этишни тарбиялаш муҳим педагогик-психологик вазифа бўлиб, устоз-мураббийлардан тинимсиз меҳнат ва ташаббускорликни талаб этади.

Олий таълим тизимида ўқитиладиган мусиқий фанларнинг изчиллик ва мантиқийлик асосида режалаштирилган бўлиб, бакалавриат босиқичи талабаларида ақлий имкониятларни маълум тизим асосида ривожлантириб боришга йўналтирилган.

Мутахассислик фанлари қаторига кирувчи “Мақом асослари”, “Анъанавий хонандалик”, “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Ўзбек ҳалқ мусиқа ижоди”, “Хор ва хоршунослик”, “Чолғушунослик” ва қолаверса “Мусиқа назарияси”, “Гармония”, “Мусиқа асарлари таҳлили”, “Сольфеджио” каби фанлар талабаларнинг мусиқий билим ва тафаккурини, идрокини ўстиришда кенг имкониятлар эшигини очади.

Кейинги йилларда ҳалқимизнинг маданий меросини, жумладан мусиқий қадриятларни ўрганиш, тикиш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Айниқса, санъат олийгоҳлари талабалари орасида мумтоз мусиқа намуналари - мақомларни, ҳалқ ашуулалари ва куйларини ўрганиш, миллий созларимизда чалиш истаги ортиб бормоқда. Ана шулар эътиборга олиниб, Республикаизда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртларининг ўқув режаси ҳам такомиллаштирилиб, мусиқий фанларга ажратилган соатлар кўпйтирилмоқда.

Мазкур фанлар сарасига “Чолғушунослик” фанини ҳам киритиш жоиздир. Ушбу фан асосан миллий созларимизнинг пайдо бўлиши тарихи, шаклланиши, тузилиши ва уларнинг ҳозирги мусиқа ижрочилигидаги ўрни ҳақида маълумот беришга йўналтирилди.

Фан орқали талабаларда миллий чолғуларнинг анъанавий ва таъмирланган нусхалари, тузилиши ва ижро этиш маҳоратини шакллантириш, шунингдек, уларда ҳалқимизнинг бой мусиқий ижоди ҳақида билим ва тасаввурларни оширишдан иборат.

Дарслар жараёнида миллий созларнинг гурухларга бўлиниши камонли созлар, нохун билан чалинадиган, пуллаб чалинадиган ҳамда зарбли созлар ҳақида талабаларга кенг маълумот берилади. Шунингдек, гурухлардаги ҳар бир чолғу асбобининг тузилиши, парда хусусиятлари (аппликатураси)

анъанавий ва академик (таъмирланган) турларини таққослаш йўли билан уларнинг ижро хусусиятлари таҳлил этилади.

Шунингдек, миллий созларимизнинг бастакорлик ижодиёти билан ўзаро муносабати, уларни якка ва ансамбл (жамоа бўлиб) чалиш имкониятлари ҳамда чолғуларимизнинг ўтмиши ва ҳозирги замон устоз ижрочилари ижоди билан бакалаврларни таништириш қўзда тутилган. Шу билан бирга миллий созларнинг умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти дарсини ўтишдаги имкониятлари борасида ҳам кенг маълумот берилади.

Шуни айтиш жоизки, “Чолғушунослик” фани мусиқа мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларнинг касбий билимлари ва дунёқарашини бойитиш билан бирга, уларнинг миллий мусиқий меросимиз, мақомларга бўлган қизиқишлирини оширади, ўз касбларига бўлган муҳаббат ва эътиқодларини янада мустаҳкамлайди ва шу орқали тафаккур ҳамда идрокни тарбиялашга олиб келади.

Мазкур дарс жараёнида талабалар жамоа бўлиб мусиқий асарларни чаладилар ва чолғушунослик фани бўйича эгалланган назарий билимларни амалга тадбиқ этадилар.

Миллий созларимизнинг пайдо бўлиш тарихи ўзбек миллий давлатчилигининг шаклланиши тарихи билан муштаракdir. Манбалардан маълумки, миллий мусиқа чолғу асбобларимизнинг тарихи олис замонларга бориб тақалар экан, яъни, эрамиздан аввалги XIII минг йиллиқдаёқ, дастлаб урма зарбли чолғулар сўнgra шовқинли созлар пайдо бўла бошлаган. Нега айнан урма зарбли созлар илк бор кашф этилишини буюк олимлар энг қадимги меҳнат қўшиқлари - ишнинг ритмик тузилиши билан бевосита боғлиқликда юзага келганидан, дея изоҳлайдилар¹¹. Кейинроқ ҳалқ усталари томонидан қамиш ёки бамбук поясидан сурнай, най, хуштак, шақилдоқ ва чилтор (арфа) сингари чолғулар ясалади. Маълум муддатдан сўнг торли мезробли ва торли камонли мусиқа чолғулари яратилади. Кейинчалик кўп асрлик маданий тараққиёт жараёнида ўзига хос тузилиш ва жарангдорликка эга бўлган дутор, танбур, рубоб, ғижжак, чанг сингари анъанавий созлар ижод қилинган. Дунё эндиғина оҳангни кашф эта бошлаганида Турон заминида анчагина ютуқлар қўлга киритилганининг ўзиёқ мусиқий меросимизнинг шажараси жуда узоқлигига ишонч ҳосил қилиш мумкинлигини изоҳлойди.

Жамиятнинг эволюцион ривожланиши жараёнида ҳалқ чолғучилари Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари ҳалқларининг турмуши ва меҳнат фаолиятига сингиб инсон фаолиятининг ажralmas таркибий қисмига айланиб қолди ва бу чолғулардан ҳалқлар ўз миллий маросим ҳамда оиласиб байрамларида кенг фойдаланиб келишган. Шубҳасиз, бу даврда чолғу ижрочилиги санъати ҳам маълум даражада ривожланиш босқичига

¹¹ Абдуллаева С. Современные азербайджанские музыкальные инструменты. Баку. 1984 г., С.5.

кўтарилиб, халқ орасидан моҳир ва истеъдодли якканавоз созандалар етишиб чиқади. Шундан сўнг якканавозлик ижрочилиги билан бир қаторда аста-секин жўрнавозлик ижрочилиги ҳам шаклланиб омма орасида тарқала бошлади.

Умумтаълим мактаби ўкув дастурларида ҳам мақом мусиқасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб болалар онгига мақом мусиқасини сингдириш, уларда қизиқиши тарбиялашга йўналтирилган комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлодда ижодий тафаккурни шакллантиришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Ўзбек халқининг қадими мусиқа мероси ҳисобланмиш мақомлар мусиқасини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш асосида бўлажак мусиқа ўқитувчисида ижодий тафаккурни бойитиш масаласи қўп жиҳатдан олий педагогика ўкув даргоҳларининг “Мусиқа таълими” йўналишида ўқитиладиган бир қанча фанлар (“Чолғу ижрочилиги”, “Анъанавий хонандалик”, “Мусиқа тўгаракларини ташкил этиш”, “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Мусиқа тарихи”, “Мусиқа ўқитиши методикаси ва мактаб репертуари”) нинг мақсад вазифаларидан саналади.

Бу ўринда дунё халқлари мусиқа адабиёти ва тарихи, айниқса ўзбек миллий мусиқа услублари, шунингдек мусиқий назарий қонуниятларни пухта ўргатиш каби муҳим масалалар долзарб аҳамият касб этади. Миллий мусиқамиз тарихини ва мақом асарларини пухта ўзлаштириш нуқтаи-назаридан ёндашадиган бўлсак, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳали анчагинадир. Жумладан; мақомлар тарихи ва ривожланиш босқичлари, устоз-шогирд анъаналари асосида мақом асарларини ўргатишнинг методик томонлари, мақомларни ўрганишдаги замонавий технологияларнинг қўлланилиши, мақомларнинг ўзаро алоқалари ва ижро услублари, шунингдек ашула ва чолғу туркумларидан кўплаб асарларни ўз ичига оловчи маҳсус ўкув фанларини жорий қилиш, ўз навбатида уларнинг янгиланган ўкув дастурлари, қўлланмалар, дарсликлар билан таъминлаб бориши долзарб масаладир.

Шу маънода педагогика олий таълим муассасаларида “Ўзбек мақомлари” маҳсус курсини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Тақдим қилинаётган маҳсус ўкув фани тарихига қисқача назар соладиган бўлсак, 1991 йилдан аввал олий ўкув юртларининг мусиқа-педагогика факультетлари талабалари учун тузилган ўкув режа ва дастурлари асосан чет эл ҳамда рус мусиқа тарихини чуқур ўрганишга қаратилган бўлиб, қардош-иттифоқдош республикаларнинг миллий мусиқа меросини ўрганиши учун жуда кам миқдорда ўкув соатлари ажратиларди.

Мазкур фан 80-йилларда назарий фан сифатида факултатив соатлар ҳисобида 20 соат миқдорида ўқитилган бўлса, кейинчалик 26 соат маъруза

ва 34 соат амалий машғулот сифатида (VII-VIII-семестрлар) IV курс талабалари учун режалаштирилди.

Республикамизнинг ўз мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг, 80-йилларгача ҳатто ўқув режасига киритилмаган мақом синфи фанига халқимизнинг маънавий қадриятларини тиклаш, унинг чуқур илдизларини ўрганиш ва оммалаштиришнинг муҳим воситаси сифатида қаралиб, мақом синфи микдори анча кўпайтирилди. Мазкур фан мусиқа факультетларида 1999-2000-ўқув йилидан бошлаб етакчи назарий фанлар қаторига ўтиб I-курсдан IV-курсга қадар 250 соатга яқин ўтиладиган бўлди. (Шундан 26 соат маъруза ва 222 соат амалий машғулотдир). 2005-йилга келиб, “Анъанавий хонандалик” фани ўқув режага киритилиб, мақом асослари якка машғулот тарзида ўқитилиб келинди. Мақом асослари фанининг шу кунлардаги маъруза соатлари 46 соатга етказилди. 2010-йилдан эътиборан якка тартибдаги дарслар гурӯҳ дарсларига айлантирилиб, негадир “Мақом асослари” фани ўқув режадан чиқиб кетди.

Бугунги қунга келиб, мақомлар тарихи ва назарияси, чолғу ва ашула йўлларига оид асарларни ўрганиш масаласи “Мусиқа таълими” йўналишида олиб борилаётган бир қатор фанлар таркибида (“Чолғу ижрочилиги”, “Анъанавий хонандалик”, “Мусиқа тўгаракларини ташкил этиш”, “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Мусиқа тарихи”, “Мактаб репертуари”) сочилган ҳолатда назарий, амалий, лаборатория ва мустақил таълим соатларида ўргатилиб келинмоқда. Лекин, ушбу фанларнинг ўқув дастурларини таҳлил қилганда шу жиҳатга эътиборни қаратиш лозимки, мақомлар тарихи ва назарияси, Шашмақом, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг ўхшашлик ва фарқ қилувчи жиҳатлари, намудлар, ашула ва чолғу куйларини ўргатишга қаратилган мавзулар тўлалигича ўз аксини топмаган, жумладан “Чолғу ижрочилиги” фанининг ишчи дастури 1, 2 ва 3-курсларга мўлжалланган бўлиб, унда соатлар куйидагича акс этади:

Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр					
		I	II	III	IV	V	VI
Лаборатория	236	38	38	38	30	36	56
Мустақил таълим	167	28	28	28	27	22	34
Жами аудитория соатлари:	236	38	38	38	30	36	56
Умумий ўқув соати:	404	66	66	66	57	58	91

Ушбу жадвалда ўқув фанининг курслар кесимидағи машғулот мавзулари ва уларга ажратилган соатлар микдорининг умумий кўриниши ифодаланди.

№	І-курс	ІІ-курс	ІІІ-курс
	Машғулот	Машғулот мавзулари	Машғулот

	мавзулари ва уларга ажратилган соатлар		ва уларга ажратилган соатлар		мавзулари ва уларга ажратилган соатлар	
1	“Яллама-ёrim” М.Мирзаев	3	“Шухи жаноним менинг” Жўрахон Султоновкуйи	2	Шухи жаноним менинг Жўрахон Султоновкуйи	2
2	“Дўлонча” Ўзбек халқ куйи	3	Қорақалпоқ халқ куйи “Елпассаланди”	4	Қорақалпоқ халқ куйи “Елпассаланди”	2
3	Ўзбек халқ куйи “Қари наво”	3	Фарғона-ТошкентСегоҳ мақомиданНасри сегоҳ	4	Фарғона-Тошкент Сегоҳ мақомиданНасри сегоҳ	4
4	Ўзбек халқ куйи “Қашқарча”	3	Наво мақомидан “Мухаммаси баёт”	4	Наво мақомидан “Мухаммаси баёт”	4
5	М.Мирзаев Янги тановар	3	М.Мирзаев Завқим келур	4	М.Мирзаев Завқим келур	4
6	М.Мирзаев “Баҳор вальси”	3	М.Мирзаев “Баҳор вальси”	4	М.Мирзаев Баҳор вальси	4
7	Ўзбек халқ куйи “Норим-норим”	3	Ўзбек халқ куйи “Дилхирож”	4	Ўзбек халқ куйи “Дилхирож”	4
8	Н.Хасанов мус. А.Одилов қайта ишлаган. “Гилос”	3	Н.Порпора Прелюдия ва фугалар	4	Н.Порпора Прелюдия ва фугалар	4
9	Ўзбек халқ куйи “Шароб-Г”	3	Ўзбек халқ куйи “Ўзганча”	4	Ўзбек халқ куйи “Ўзганча”	4
10	М.Мирзаев musiqasi “Жанон”	3	Хоразм “Дугоҳ” мақомидан “Пешрав”	4	Хоразм “Дугоҳ” мақомидан “Пешрав”	
11	Ўзбек халқ куйи “Дилхирож”	3				
12	Ш.Рахимов қ. и. Кўнгил гулдастаси	3				
13	Қ. Қурбонов қайта ишлаган“Қаротеги ний”	2				
	Жами I-семестр	3 8	III-семестр	38	V-семестр	3 6
14	Ўзбек халқ куйи “Андижон полькаси”	3	Ўзбек халқ куйи “Norim-norim”	2	Ўзбек халқ куйи “Norim-norim”	4
15	Уйғур халқ рақси	3	Ўзбек халқ куйи	2	Ўзбек халқ куйи	4

	“Отуш”		“Фарғонача”		“Фарғонача”	
16	М.Левиев мусиқаси “Оҳангарон”	3	“Наво” мақомидан Мўғулчай наво	2	“Наво” мақомидан Мўғулчай наво	4
17	М.Левиев мусиқаси “Ғайратли қиз”	3	Фарғона-Тошкент мақомиданДутор баёти	2	Фарғона-Тошкент мақомиданДутор баёти	4
18	М.Мирзаев мусиқаси “Завқим келур”	3	Ўзбек халқ куйи “Усмония”	2	Ўзбек халқ куйи “Усмония”	4
19	М.Мирзаев мусиқаси “Интизор этма”	3	Ўзбек халқ куйи “Алиқамбар”	2	Ўзбек халқ куйи “Алиқамбар”	4
20	П. Холиқовмусиқаси “Қувноқ куй”	3	“Рост”мақомиданҚ ашқарчай савти калон	3	“Рост”мақомиданҚ ашқарчай савти калон	4
21	F. Қодиров мусиқаси “Май”	3	“Рост” мақомидан “Соқиномаи савти калон”	3	“Рост” мақомиданСоқин омаи савти калон	4
22	Ўзбек халқ куйи “Оқ теракми кўк терак”	3	А.Бобохонов мусиқаси“Хуррам”	2	А.Бобохонов мусиқаси“Хуррам”	4
23	И.Ҳамроев “Кулча нон”	3	F. Тошматов мусиқаси “Гулжамол”	2	F. Тошматов мусиқаси “Гулжамол”	4
24	Ф.Назаров мусиқаси “Пахтаой”	3	Д.Зокиров қайта ишлаган“ТановарII ”	2	Д.Зокиров қайта ишлаган“Тановар II”	4
25	С.Жалилов мусиқаси Сўзсиз қўшиқ-Азизахон	3	А.Муҳамедов қайта ишлаган “Роҳат”	2	А.Муҳамедов қайта ишлаган “Роҳат”	4
26	Т.Жалилов мусиқаси “Отмагай тонг”	2	М.Мирзаев мусиқаси “Эй гул”	2	М.Мирзаев мусиқаси “Эй гул”	4
27			Ўзбек халқ куйи “Гулбаҳор ва тановар”	2	Ўзбек халқ куйи “Гулбаҳор ва тановар”	4
	Жами II-семестр	3 8	IV-семестр	30	VI-семестр	5 6
	Жами:	7 6	Жами:	68	Жами:	9 2

Ушбу жадвалда кўриниб турганидек, чолғу асарларидан айнан мақомлар туркумига кирувчи куйлар жуда ҳам озчиликни ташкил этади. Мустақил таълим соатлари учун белгиланган асарлар лаборатория машғулотлари билан айнан бир хилда бўлганлиги сабабли ушбу дарс тури жадвалини кўриб ўтмадик. I ва II-курсда, айниқса II- ва III-курсда олиб бориладиган машғулот мавзуларига эътибор қаратадиган бўлсак, иккала курсда ҳам, баъзан учта курсда ҳам айнан бир хилдаги асарлар берилган. Олий педагогика ўқув юртида “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли” фани доирасида, иккала курсда ҳам айнан бир хилдаги асарлар икки йил мобайнида такрор ва такрор ўтилгани ҳолда миллий мусиқамиз гултожи бўлган мақомларнинг чолғу туркумига кирадиган асарлардан саноқли асарларнинг киритилишини ижобий баҳолаш мумкин эмас.

Таклифимиз: III-курсда мақомларнинг чолғу туркумига кирувчи асарларидан (Бузрук мақомидан; Таснифи бузрук, Мухаммаси Насруллоий, Сақили султон. Рост мақомидан; Гардуни рост, Сақили вазмин, Сақили раг-раг. Наво мақомидан; Таржеи наво, Гардуни наво, Нағмаи ораз. Дугоҳ мақомидан; Пешрави дугоҳ, Самои дугоҳ, Мухаммаси Ҳожи Хўжа, Сақили Ашқулло. Сегоҳ мақомидан; Ҳафифи сегоҳ, Гардуни сегоҳ, Мухаммаси ажам, Ироқ мақомидан; Мухаммаси ироқ, Сақили аввал, Сақили калон кабилар) киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Мусиқий таълим” йўналишининг “Мусиқа тарихи” фанини таҳлил қиласиз. Мазкур фанга ажратилган соатлар қўйидагича акс этади:

№	Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр	
			VI	VII
1.	Маъруза	72	40	32
2.	Семинар	56	32	24
3.	Аудитори соатлари	128	72	56
5.	Мустақил таълим	106	66	40
6.	Жами	362	212	152

Ушбу фанда мавзулар чет эл, рус ва ўзбек мусиқаси тарихи бўйича баён қилинган бўлиб, талабаларга асосан VI-VII-семестрларда маъруза, семинар ва мустақил таълим машғулотлари шаклида ўтиб борилади. Бундан 3-курсда (VI-семестр) “Чет эл мусиқа тарихи” ва “Рус мусиқаси тарихи” ўтилса, 4-курсда (VII-семестр) “Ўзбек мусиқаси тарихи” режалаштирилган. Биз эса фақат 4-курсда олиб бориладиган машғулотлар мавзуларига тўхталдик. Қўйидаги жадвалда маъруза ва мустақил таълим мавзулари баён қилинган. Семинар мавзулари маъруза машғулотида олиб бориладиган мавзулар билан бир хилда бўлганлиги сабабли унинг жадвал кўринишини келтирмадик.

Маъруза машғулоти мавзулари ва уларга ажратилган соатлар

7- Семестр		
1	Ўрта Осиёning қадимий мусиқа маданияти.	2

2	Илк ўрта асрлар санъати.	2
3	Сомонийлар даврида мусиқий ҳаёт (IX-X асрлар).	2
4	Ўзбек халқининг шаклланиш даврида мусиқа маданияти (XI-XV асрлар).	2
5	XVI-XIXасрларда ўзбек халқ мусиқа маданияти.	2
6	XIXаср охири - XXаср бошларида ўзбек мусиқа маданияти.	2
7	Ўрта осий мусиқий назарий мероси.	2
8	Мақом асослари.	2
9	Ўзбек халқ маҳаллий мусиқий услублари.	2
10	Ўзбек халқ фолклор мусиқа жанрлари.	2
11	Ўзбек композиторлар ижодида вокал мусиқа жанрлари.	2
12	Ўзбек композиторлари ижодида чолғу мусиқаси жанрлари.	2
13	Ўзбек композиторлари ижодида мусиқали драма жанри.	2
14	Ўзбек композиторлари ижодида опера жанри.	2
15	Ўзбек композиторлари ижодида балет жанри.	2
16	Ўзбек композиторлари ижодида симфония жанри.	2
Жами:		32

Мустақил таълим мавзулари баёни ва уларга ажратилган соатлар

7-семестр

1	Ўзбек ҳофизлари	4
2	Ўзбек бастакорлари	4
3	Ўзбекистон оркестрлари	2
4	В.Успенский, Р.Глиер. А.Козловский, Г.Мушел ижодий фаолиятлари. Асарларидан парчалар ижро этиш	5
5	Т.Содиков, Д.Зокиров, С.Юдаков ижодий фаолиятлари	4
6	М.Ашрафий, М.Левиев, М.Бурхонов, И.Акбаров ижодий фаолиятлари. Асарларидан парчалар ижро этиш	6
7	М.Бафоев, М.Тожиев, У.Мусаев ижодий фаолиятлари. Асарларидан парчалар ижро этиш	5
8	А.Мансуров, Н.Норхўжаев, Д.Омонуллаева. Асарларидан парчалар ижро этиш	4
9	Э.Салихов ва ўзбек эстрада юлдузлари ижодий фаолиятлари. Асарларидан парчалар ижро этиш	4
10	Ўзбекистон мусиқий фестиваллари	2
Жами:		40

Бундан кўриниб турибдики, Мусиқа тарихи фанининг маъруза машғулоти жадвалидаги мавзулар рўйхатининг 8-бандида фақатгина “Мақом асослари” номли мавзунинг 2-соат ҳажмида берилганлигига гувоҳ бўламиз. Мустақил таълим машғулотларида композиторлар ижоди асарларларидан парчалар чалиб ўрганиш кераклиги таъкидланган, лекин ўзбек мақомлари туркумiga кирадиган куй ёки ашулалар ўрин

олмаган. Бошқа мавзуларга ҳам Ўзбек мусиқаси тарихида ўрганилиши аҳамиятли эканлигини таъкидлаган ҳолда, мақомларнинг тарихига ўрганиш 2-соат маъруза соати ажратилишига қўшилмаган бўлар эдик.

Олий педагогика ўқув юртларининг “Мусиқа таълими” йўналишида ўқув режасидаги “Ўзбек халқ мусиқа ижоди” фани таҳлилига тўхталиб ўтсак:

№	Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр				
			III	IV	V	VI	VII
1	Маъруза	98	24	24	10	16	24
2	Амалий	92	20	22	14	18	18
3	Семинар	96	26	20	14	18	18
4	Мустақил таълим	244	69	69	28	28	50
5	Жами аудитория соати	286	70	66	38	52	60
6	Умумий ўқув соати	530	139	135	66	80	110

“Ўзбек халқ мусиқа ижоди” фанини ўзлаштириш шатижасида талаба қуидаги билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши кераклиги назарда тутилган:

- ўзбек халқи ҳаётининг турли тарихий даврларидаги энг муҳим мусиқий-тарихий жараёнлари;
- ранг-баранг чолғуларини, бой ижрочилик анъаналари;
- оғзаки касбий мумтоз мусиқаси ҳамда ҳозирги замон Ўзбекистон композиторлик ижодиёти;
- ўзбек анъанавий ашула ва чолғу жанрлари, нота ёзувлари;
- анъанавий мусиқани ўрганиш ўслубиятини, жанрлари ва услубий тизими;
- анъанавий мусиқани ўрганишга оид замонавий услублари;
- оғзаки касбий мумтоз мусиқа ва композиторлик ижодиёти асарларини таҳлил этиш асосий услублари;
- миллий мусиқа анъаналарининг муштарак ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;
- акустик, ритмик, оҳанг, лад, тузилиш, безак ва ижровий таҳлил қилиш малакаларига эга бўлиши кабилар.

Ўқув фанининг VI ва VII-семестрларида ўқитилиши режалаштирилган мавзуларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ушбу семестрда мақомлар масаласига маълум даражада тўхталиб ўтилган:

VI-семестр		
1	Анъана ва услуб. Ижрочилик мактаблари.	4
2	Ўзбек мумтоз мусиқасининг тарихий тараққиёти.	4
3	Мақом тушунчасининг тарифлари, унинг турли маҳаллий вариантлари	4

4	“Ўн икки мақом”тизими	
Жами		16

VII-семестр		
1.	Мақомлар. Бухоро шашмақоми.	4
2.	Хоразм мақомлари	8
3.	Фарғона-Тошкент мақом туркумлари	4
4.	Анъянавий мусиқа ижрочилиги	4
5.	Мустақиллик йилларида мумтоз мусиқа ривожи	4
Жами		24

Шуниси маълумки, бу курсда мақомларга ҳар ҳолда нисбатан кенгроқ ўрин берилган.

Амалий, семинар ва мустақил таълим учун ажратилган соатларда маъруза мавзуларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда ўзлаштириш режалаштирилган.

Ушбу фан талабаларнинг мақомларни ўрганишларига асос бўла олади. Аммо, таклифимиз шуки;

- мақомларнинг ўзаро муносабатлари,
- мақомларни ўргатишда устоз - шогирд муносабатлари,
- мақомлар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар,
- мақомлар тарғиботи масалалари,
- мақомларнинг таркибий тузилишлари,
- мақомларнинг қадимий ва замонавий ёзувлари,
- мақом асарлари асосида ёшларнинг ижодий тафаккурини юксалтириш масалалари,

- мақомларни ўргатишда замонавий метод ва технологияларни ўқув жараёнида қўллаш масаласи,

- мақом шўйбаларининг ижролари,
- мақом устозлари ва уларнинг ижро услублари каби мавзулар берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Мусиқа тўғаракларини ташкил этиш” ўқув фани ҳам педагогика олий ўқув юртларининг 2-курси (III-семестр)да ўқитилиши режалаштирилган бўлиб, фанга ажратилган соатлар ҳажмини қуйидаги жадвалда келтириб ўтдик:

Машғулот тури	Ажратилган соат	Semestr
		III
Маъруза	36	36
Амалий	40	40
Мустақил таълим	40	40
Жами аудитория соати	76	76
Умумий ўқув соати	116	116

Жами 116 умумий соатни ўз ичига олган фаннинг 76 соати аудитория машғулотларини ташкил этади. Мазкур фан бўйича талабаларга умумий ўрта таълим мактабларида ўқув жараёнидан ташқари мустақил таълим сифатида мусиқий тўгаракларни ташкил этиш ва ушбу тўгаракларда талабалар созандалик ва хонандаликдан олинган билимларини шакллантириш бўйича назарий ҳамда амалий машғулотлар олиб борилади.

Шунингдек; фаннинг вазифаларидан келиб чиқиб, талабаларга 36 соат маъруза машғулотлари жараёнида ўзбек хонандалиги, хор ижрочилиги, вокал, анъанавий хонандалик, эстрада ҳамда чолғу ижрочилиги, (санъат турлари бўйича) машғулотларини олиб бориш бўйича услубий кўрсатма ва тавсияларнинг мазмун-моҳиятини ўз ичига олган мавзуларни баён этишдан иборат. 40 соатни ўз ичига олган амалий машғулотларда эса талабаларга ҳаммаси бўлиб 7та қўшиқ ўргатилади.

№	Амалий машғулотлар мавзулари	Ажратилган соат
3- Semestr		
1	Сўлим. И.Икромов мусиқаси. F.Саотий шеъри.	4
2	Дилхирож. Муқимий ғазали.	6
3	Рост мақомидан. Қашқарчаи рост.	6
4.	Улкун жонон. Муқимий ғазали.	6
5	Дуо қилинг. Д.Қодиров мусиқаси. Н.Ҳамидова шери.	6
6	Аёл. Д.Қодиров мусиқаси. Н.Ҳолмирзаева шеъри	6
7.	Лазиз. Ҳувайдо ғазали. А.Абдурасулов мусиқаси.	6
Жами:		40

Мустақил таълим машғулоти учун ажратилган 40 соатнинг мавзулар жадвалини келтириб ўтмадик, чунки ушбу мавзулар маъруза мавзулари билан айнан бир хил, яъни тўгараклар ташкил этиш бўйича методик тавсиялар хусусида боради.

Педагогика олий таълим муассасаларида айнан мақомлар ижросини ўрганиш бўйича ҳам ўқув фани машғулоти олиб борилади. Аввалги “Мақом асослари” фани ўрнида жорий ўқув режасида “Анъанавий хонандалик” киритилган.

Ушбу фаннинг ўқув соатларини таҳлил қиласиз:

№	Mashg‘ulot turi	Ajratilgan soat	Semestr			
			IV	V	VI	VII
1	Ma’ruza	-	-	-	-	-
2	Amaliy	162	60	38	36	28
3	Mustaqil ta’lim	130	50	27	27	26
Jami auditoriya soatlari:		162	60	38	36	28
Umumiy o’quv soati:		292	110	65	63	54

Демак, ўқув фани 2; 3; 4-курсларда олиб борилади. Булардан маъруза машғулоти учун соатлар ажратилмаган, амалий ва лаборатория машғулотлари учун эса ҳар бир семестрда 27 соатдан 60 соатгача машғулотлар олиб борилиши мўлжалланган.

Куйидаги жадвал асосида ўқув фанида ўрганилиши лозим бўлган асарлар ва уларга ажратилган соатлар миқдори билан танишиб чиқсан:

№	II -курс		III-курс		IV-курс	
	Машғулот мавзулари ва уларга ажратилган соатлар		Машғулот мавзулари ва уларга ажратилган соатлар		Машғулот мавзулари ва уларга ажратилган соатлар	
1	Д.Зокиров – “Кўрмадим” А.Навоий	4	Ёр меҳри. Ўзбек халқ қўшиғи.- А.Навоий.	4	Оромижон. Бобур ғазали.	4
2	Эй сарвиравон. С.Калонов мусиқаси, Нодира ғазали	4	Шароб-1 . Бобур ғазали. Ўзбек халқ қўшиғи	6	Ўйнасин. Уйғун шеъри. Т.Жалилов мусиқаси.	6
3	Отмагай тонг. Т.Жалилов мусиқаси.	4	Ўзинг. Чокар ғазали. Ўзбек халқ қўшиғи.	4	Айлагач. А.Навоий ғазали. X.Тўхтасинов мусиқаси.	4
4	“Сарахбори Дугоҳ” тароналари	4	Мубтало бўлдим сенга. А.Навоий ғазали. К.Жабборов мусиқаси	6	Қўшчинор. А.Навоий ғазали	6
5	Салламно. Н.Ҳасанов мусиқаси. Васфий ғазали	4	Тўлқин. А.Навоий ғазали. Ўзбек халқ қўшиғи.	6	Ўзинг. Чокар ғазали. Ўзбек халқ қўшиғи.	6
6	“Сегоҳ” Хуршид ғазали	4	Баёт-2. А.Навоий ғазали. Ўзбек халқ куйи.	6	Насрулло. А.Навоий ғазали.	6
7	Сўлим. С.Ф.Соатий ижро йўли. И.Икромов мусиқаси.	4	Андижон самоси. Муқимий ғазали.	6	Гулузорим. А.Навоий А.Абдурасулов мус.	6
			Жами: V-семестр	38	Жами: VII-семестр	28
8	Эй нозанин.	4	Дугоҳ ҳусайн-4.	6		

	Ж.Султонов мусиқаси. Муқимий ғазали.		Ўзбек халқ қўниги.			
9	Кўшчинор. А.Навоий ғазали.	6	Қашқарчаи мустаҳзоди наво. Фурқат ғазали.	6	-	-
10	Улкун жонон. Муқимий ғазали.	4	Соқиномаи мустаҳзоди наво. Нишотий ғазали.	6	-	-
11	“Фаргонача жонон-2” Муқумий ғазали.	4	Ул париваш. Муқимий ғазали.	6	-	-
12	Хануз. А.Навоий ғазали.	4	Сайёра. Ҳамза ғазали.	6	-	-
13	Жудо. А.Навоий ғазали Ю.Ражабий мусиқаси.	4	Наззора қил. К.Жабборов мусиқаси. А.Навоий ғазали	8	-	-
14	“Дилхорож” – Фузулий ғазали.	6	Қўқон ушшоғи.- Ю.Сарёмий ғазали.	8	-	-
Жами: IV -семестр		60	Жами: VI – семестр	36	-	-

Асарларни танлашда ўкув фани дастури муаллифи Д.Қодиров миллий мусиқамиз асосчиларидан бири бўлган Ю.Ражабий томонидан чоп этилган “Ўзбек халқ мусиқаси” китобининг 2, 3, ва 4 томларидаги асарлардан фойдаланган. Гарчи ушбу асарларнинг баъзилари мақомлар таркибиға кирса-да, Шашмақом асарлари тўғрисида талабада тўлиқ фикр шаклланмайди. Мақомлар парда, усул ва ладларнинг ўзаро муносабатлар тизимида қарор топганини ҳисобга оладиган бўлсак, Шашмақомда, Хоразм мақомларида ҳамда Фарғона-Тошкент мақом йўлларида учрайдиган турли хилдаги усул ва ладларда келадиган мақом асарларини талабаларга ўргатиб бориши муҳимдир. Афсуски, музкур фан Шашмақом ҳамда Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан баъзи бир ашуналар (Соқиномаи мустаҳзоди наво, Сегоҳ, Баёт-2, Дугоҳ ҳусайн, Қарқарчаи мустаҳзоди наво, Сарахбори дугоҳ) ни ўз ичига олган ва қолган барча ашуналар бастакорлар томонидан мақомлар асосида яратилган асарлар бўлиб, уларнинг барчаси Фарғона – Тошкент услубида ишлангандир. 2та асарни Бухоро Шашмақомидан эканлигини инобатга оламиз, холос. Бундай фикр юритишимизга сабаб шуки, Шашмақом таркибида чолғу йўллари билан қўшиб ҳисоблаганда 250 дан зиёд бир-биридан гўзал ўлмас асарлар мавжуд. Шулардан айттайлик 20та асардастурга киритилганда ҳам талабаларда мақомлар тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлмайди. Хоразм мақомлари ёки шу услубда ишланган асарлардан ҳам намуналар йўқ.

Ўсиб келаётган ёшларга Ватанимиз худудлариға мансуб бўлган анъанавий мумтоз асарларимиз, “Шашмақом”даги ладлар ва усулларнинг фарқли хусусиятларини намоён этувчи асарлардан дастурга киритмасак уларда қандай қилиб мусиқий-эстетик қобилиятни ёки мустақил ижодий тафаккурни шакллантирамиз?

Талабаларнинг мусиқий тафаккури ва идрокини юксалтиришнинг ахборот технологиялари яна бир воситадир. Миллий қадриятлар, айниқса мумтоз мусиқа асосида олий мусиқа таълимида таҳсил олаётган бакалаврларнинг ақлий имкониятларини, уларда мусиқий тафаккур ва идрокни юксалтириш учун барча мавжуд иш усулларини қўллаш тақозо этилмоқда. Шу жумладан, ҳозирги шароитда таълим соҳасига илгор ахборот ва педагогик технологияларнинг жадал кириб келаётгандиги сабабли, мақомларнинг жозибали, мафтункор, ўзига жалб этувчи, тингловчининг ҳиссиётларига таъсир этиб, унда турли кайфият ва кечинмаларни уйғотовучи кучини бакалаврларга ушбу воситалар орқали яққол қўрсатиш, уларда мумтоз мусиқамизга нисбатан меҳр-муҳаббатни уйғотиш ўта муҳимдир.

Мусиқа таълими тизимида талабалар билан ишлаб, уларда мусиқий тафаккур ва идрокни юксалтириш учун инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш мумкин.

Яқин вақтларгача ўқув машғулотларида қўлланиб келинган аудио ва видеотехника воситалари фақатгина берилган мусиқий материал: мақом шўйбалари ҳамда турли мусиқа жанрларига хос асарларни эшилтириш ва қўрсатиш имконига эга, холос. Бироқ, бугунги кунда ушбу воситалар изланувчан ўқитувчи ва талабаларни қониқтирумайди.

Бугунги кун талаби даражасида ёндашиб, олий мусиқа таълимида мусиқий фанларни амалий машғулотини ўқитиши жараёнида талабалар билан ишлаш фаолиятини олиб кўрадиган бўлсак, фан доирасида берилган мақом асарининг нота матнини таҳлилий ўрганиш, ноталарни номлари билан аниқ интонацияда куйлаш, асарда учрайдиган турли интерваллар, динамика ва ижро суръатини аниқ тасаввур этган ҳолда куйлаш, шунингдек, ноталарни сольфеджио қилиб куйлаш талаб этилади.

Бундан ташқари, асарда учрайдиган мураккаб парчаларни алоҳида машқ қилиш, асарлар ва уларнинг парчаларини таҳлилий тинглаб ўз хулосасини чиқариш вазифаси қўйилади. Бу кўпқиррали бадиий мусиқий фаолиятни юқори савияда бажариш учун нота ижросини кузатиш, тинглаш ва кўриш, яъни аудиовизуал идрок этиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу таълимий вазифаларнинг барчасини юқори савияда амалга оширишда энг охирги компьютер дастурлари қўл келади. Мазкур замонавий компьютер дастурлари сирасига ҳозирги кунда дунё мусиқа амалиётида кенг тарқалган ва қўлланилаётган “Финал” (“Finale”) ҳамда “Сибелиус” (“Sibelius”) нота матн мухаррири дастурининг 1 – 6 версияларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу компьютер дастурлари замонавий мусиқа амалиётини унинг назарий асосларига таянган ҳолда амалий тарзда акс эттириш имконига эгадир.

Жумладан, “*Sibelius 4*” нота матн мухаррири дастури воситасида:

- нота йўлига нотани ёзиш;
- уни таҳрир қилиш;
- тинглаш жараёнида қайси нота ижро этилаётганлигини реал тарзда кузатиб бориш;
- мусиқа асарини бошқа тоналликка транспозиция қилиш;
- мусиқа асарини олдинги тоналлигига қайтариш;
- маълум нота матнини нусхалаш;
- тингланган мусиқа асарининг нотасини автоматик тарзда экранда намойиш этиш ва зарур бўлганда қоғозда босиб чиқариш ҳамда бошқа қўпгина операцияларни бажариш мумкин.

Хулосалар ва таклифлар

1. Кейинги йилларда мусиқа таълими йўналиши талабаларида маънавий юксалиш яққол кўзга ташланмоқда. Бунинг замирида ўзбек халқининг миллий ва тарихий маданий тараққиёти, юқори даражадаги маънавияти, миллий қадриятларимиз, мусиқага нисбатан шаклланган юксак ҳурмат-эҳтиром ва гўзал анъаналарнинг таъсири бор.

2. Мусиқа ижрочилигига талабанинг ўзи предмет фаолияти, яъни субъект эмас, балки обьект сифатида иштирок этади. Демак, факат бошқа кишилар (профессор-ўқитувчи, мураббий, мусиқа раҳбари, ўртоқлари) эмас, ўзи учун ҳам тадқиқот обьекти ҳисобланади.

3. Талабаларда тафаккур ва идрок шаклланишини тарбиялашда уни жисмоний ва психологик жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйиш вазифаларини тўғри ҳал этиш зарур.

4. Анъанавий хонандалик ва мусиқа тарихи машғулотларида Шарқ алломаларининг мумтоз мусиқаси ва унинг тарихий тараққиёти босқичлари борасидаги фикр, ғоя ва қарашларидан кенг фойдаланиш - талаба-ёшларнинг умумий касбий ўсиши, камолотга эришуви ҳамда миллий маданий меросимизга ижобий муносабати шаклланиши учун кенг имконият яратади.

5. Мумтоз мусиқани тинглаш ва куйлаш бакалаврдан жисмоний ва психологик кучланишни талаб қиласидиган фаолият соҳасидир.

6. Мусиқа ижрочилиги фаолиятининг якуний натижасини бакалавр онгида мусиқа борасида шаклланган фикр ва тасаввурлар, қолаверса, мусиқа ижрочилиги кўрик-танловлари, концертлар ташкил этади. Ушбу жамоавий бадиий фаолият турлари талабаларнинг ҳар томонлама такомиллашган, баркамол, ақлан етук бўлиб этишишларига ёрдам беради.

Айниқса, мусиқани чуқур ва пухта ўзлаштириш талабаларнинг тафаккур ва идрокини такомиллаштириши ҳамда уларда касбий етукликни таъминлашда юқори натижаларга олиб келиши муқаррар.

Илмий амалий тавсиялар

Олиб борилган мазкур илмий тадқиқот натижаси асосида кузатиш ва ўрганишлардан келиб чиқиб, куйидаги илмий хуносалар баён этилади:

- Талабаларга мусиқа мусиқаси ҳақида маълумот беришда ўтмиш алломаларимизнинг мусиқа ҳамда унинг инсон рухиятига ижобий таъсири борасида маълумотлар беришни босқичма-босқич амалга ошириб бориш;
- Талабаларда мумтоз мусиқани ўрганиш билан боғлиқ учрайдиган объектив ва субъектив қийинчиликларни бартараф этиш;
- Мунтазам амалга ошириладиган мусиқа шўъбалари ижроси жараёнида иродавий чиниқишини тарбиялаш;
- Олий таълим муассасаларининг мусиқа таълими йўналишида “Мақом асослари”, “Анъанавий хонандалик” ва “Мусиқа тарихи”, “Ўзбек халқ мусиқа ижоди” каби фанларини ўқитиш сифатини замонавий мультимедия воситалари ёрдамида амалга ошириш;
- олий ўқув юртлари бакалаврлари ўртасида мусиқа ижрочилиги бўйича кўрик - танловлар сонини кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатига эътиборни қаратиш;
- педагогика олий ўқув юртларида мумтоз мусиқаси бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш, яъни таниқли, эл севган хонанда ва созандалар, бастакорлар, мақомдон устозлар билан суҳбат ва кечаларни мунтазам ташкил қилиш;
- Педагогика олий ўқув юртлари кафедраларининг профессор - ўқитувчилари томонидан ота-оналар ва талабалар ўртасида мумтоз мусиқаси ва унинг инсон камолотида тутган ўрни мавзусига оид суҳбат, дебат, мунозара ва диспутлар ташкил қилиш;
- Олий ўқув юрти талабалари учун профессор-ўқитувчилар томонидан мусиқа бўйича суҳбат, маъруза-концертлар, кўргазмали чиқишлиар ташкил қилиш ва ўтказиш;

Юқоридаги илмий-услубий ва ташкилий тадбирлар маълум меъёр, мавжуд талаблар доирасида бажарилса, бакалаврларда мусиқий тафаккур ва идрокни шакллантириш имкониятлари янада кенгаяди.

?

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Санъат ҳақида тушунча.
2. Қандай санъат турлари мавжуд.
3. Жанр тушунчаси
4. Вокаль-чолғу, камер-симфоник, хор, академик, халқ, эстрада ижрочилиги ва бошқа.
5. Санъатда синтез.

6. Синтез тушунчаси, тарихий илдизлари, табиати. Ички ва ташки шакллари.
7. Синтез структураси, компонентлари.
8. Компонент тушунчаси.
9. Ифода воситаларининг уйғулашуви.
10. Овозлар классификацияси ҳақида гапириб беринг.
11. Жаҳон операси юлдузларини санаб беринг.
12. Л.Паваротти, Ш.Миллс, Т.Хемпсон, П.Бурчуладзе кабилардан қайси бири замонамизнинг энг атоқли тенори хисобланади?
13. “Шашмақом” ашула бўлими таркиби айтинг.
14. Ўзбекистон эстрада қўшиқчилигидаги стилистик йўналишлар
15. “Этно-жаз” услуги нимага таянади?
16. Н.Абдуллаева, Ф.Зокиров, К.Раззоковаларнинг ижодидаги ижро услуги?

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т.1997
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.1997
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси . Т.: Шарқ 1998 й-182 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон овози 28.01.2010 й 1-3 бетлар.
5. Алимов Ф. Ўзбек халқ чолғу оркестри. Тошкент, «Мусиқа», 2004.
6. Дадамухамедов А. Рубоб прима дарслиги. Тошкент, 2004.
7. Эргашев F. Афғон рубоби дарслиги. Тошкент, 2004.
8. Нурматов X. Қашқар рубоби. Тошкент, 2003.
9. Тоиров М., Петросянц А. Мусиқа асбоблари - «Най». Тошкент, 2002.
10. Одилов А., Лутфуллаев А. Мусиқа асбоблари – «Чанг». Тошкент, 2002
11. Қосимов Р. Мусиқа асбоблари – «Уд». Тошкент, 2002.
12. Қосимов Р. Анъанавий танбур ижрочилиги. Тошкент, 2002.
13. Икромов И. Дойра дарслиги. Тошкент, 1997.
14. Тошмухамедов М. Ғижжак дарслиги. Тошкент, 1996.
15. Петросянц А. Инструментоведение «Узбекские народные инструменты». Т., «Изд. им. Г.Гуляма». 1990.
16. М.Асилов, Ф.Василев. Тошкент, Дугтор дарслиги. 1987.
17. Варелас С. Партитура ўқиши курси. Т., “Ўқитувчи”. 1984.
18. Гиенко Б. Инструментовка (для оркестра узбекских народных инструментов). Ташкент, 1970.
19. Абдукаримов М. “Чолғушунослик” Тошкент 2005 й
20. Лутфуллаев А . Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи.-Т.: Мусиқа.

2-мавзу. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.

Режа

1.Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари.

2.Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.

Таянч иборалар: мусиқа ўқитувчиси, замонавий талаб, илмий-тадқиқот, профессиограмма, мутахассислик модели.

1.Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётининг янги истиқболларини очиб берди. Инсониятнинг давлат ва жамият қурилишига доир асрий тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илғор ёндашувларнинг қарор топтирилишига олиб келди. Мазкур ёндашувларнинг моҳияти сўнгги йилларда умумий тарзда “модернизациялаш” тушунчаси ёрдамида ифодаланиб келинмоқда. Бироқ, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологияларнинг ривожи туфайли жамият ҳам ривожланишининг муайян босқичидан янада такомиллашган босқичга ўтади. Фалсафий талқинда ифода этганда миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига айланади. Ўрта асрларда аграр характер касб этган жамият илм-фан, техника, санъат ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан индустрисал жамиятга айланди. Ижтимоий жамиятнинг ижтимоий тизимдан очиқ фуқаролик жамиятига айланишини англатади. Ушбу турдаги негизида жамиятнинг ижтимоий қатламларида умумий ёки хусусий характердаги янгиланишлар содир бўлади. Жумладан, таълим соҳадаги янгиланишлар ҳам шулар жумласидандир. Таълим тизимини янгилаш – жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, унинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш, таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилишини талаб қиласди. Мазкур инновацион жараён шахсни ўқитиш ва тарбиялашга оид энг яхши анъаналарни сақлаб қолган ва бойитган ҳолда мажмуавий характер касб этиб, таълим тизимининг барча соҳаларини тўла қамраб олади ва жамиятда қарор топган малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги эҳтиёжни қондиришга хизмат қиласди. Таълим тизимининг инновацион таълим жараёнида қўйидаги устувор вазифалар ҳал қилинади:

- ҳар бир мусиқа касбидаги шахснинг тўлақонли таълим олишида бошқалар билан teng хуқуқлилиги ва таълим олишнинг очиқлигини

таъминлаш; - узлуксиз таълим тизимида янги сифат кўрсаткичларига эришиш;

- янги таълим ресурсларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш асосида узлуксиз таълим тизимида самарали меъёрий-хуқукий ва ташкилий-иктисодий механизмларни шакллантириш;

- давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватлаши негизида таълим тизими ходимларининг ижтимоий мақоми ва касбий компетентлигини ривожлантириш;

- мусиқа таълим тизимининг давлат ва жамоатчилик бошқарувига асосланганлик тамойилига мувофиқ таълим жараёни иштирокчилари – талабалар, педагоглар, ота-оналар ва таълим муассасаларининг ролини ошириш.

Барча давлатларда бўлгани каби Ўзбекистон шароитида ҳам таълим тизимини модернизациялашда давлат, жамият, маҳаллий ва ижтимоий ташкилотлар, юқори ҳамда қўйи бошқарув органларининг ўрни ва роли, улар ўртасидаги ўзаро бирлик, ҳамкорлик мухим аҳамиятга эга. Замонавий шароитда таълим тизимини инновацилон таълим ресурслари асосида қайта қуришда, унинг устувор йўналишлари қўйидагилар саналади:

- электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш;
- ўқитишининг мавжуд ва янги технологик шаклларини ўзаро мувофиқлаштириш;
- мусиқа санъатининг ўқув ҳамда мутахассислик фанлари асосларининг талабалар томонидан мустақиллик ўзлаштирилиши учун қулай педагогик ва технологик шарт- шароитларни вужудга келтириш.

Мусиқа таълимининг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонларини қўйидаги қўринишда тасавур этиш мумкин. Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг қўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, холосалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мусиқа таълими-тарбияси жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қиласди. Аввалам бор технология (юнон. “techne” – маҳорат, санъат, “logos” – тушунча, таълимот) – муайян (ишлаб чиқариш, ижтимоий, иқтисодий ва б.) жараёнларнинг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши Таълим технологияси (ингл. “an educational technology”) – таълим (ўқитиши) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш Таълим методи – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга

йўналтирилган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишининг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизими. Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасини пухта ишлаб чиқишидан фарқли ўлароқ, таълим технологияси талабалар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у талабаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қиласи. Мусиқа таълими технологиясининг марказий муаммоси – таълим олувчи шахсини янада ривожлантириш, касбий (ижодий) қобилиятни ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Мусиқий педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан “педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни “амалиётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси” дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратади. Мусиқий педагогик технология – таълим шаклларини такомиллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва бошқаларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги харакатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва аниқлашнинг изчил методи (ЮНЕСКО). Ўз моҳиятига кўра мусиқий педагогик технология вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизимни ифодалайди. Мусиқ таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Фарбий Европа ва АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт-шароитни яратиш борасидаги ижтимоий ҳаракат юзага келган даврда илк бора ўртага ташланди. Мазкур ғоя 30-йилларда таълим жараёнига “педагогик техника” (“таълим техникаси”) тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланди. Ушбу даврларда яратилган маҳсус адабиётларда “педагогик (таълим) техника(си)” тушунчаси “ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси” тарзида талқин этилди ҳамда ўқув жараёнига ўқув ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан самарали, унумли фойдаланиш, материал мазмунини кўрсатмали қуроллар ёрдамида тушунтириш каби ҳолатлар таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллардир дея баҳоланди. XX асрнинг 50-йилларида таълим жараёнида техник воситаларни қўллаш “таълим технологияси” йўналишини белгилаб берувчи омил дея эътироф этилди, асосий эътибор талабалар аудиториясини кенгайтириш техник воситалардан фойдаланиш эвазига амалга оширилиши, техник воситаларнинг имкониятларини янада такомиллаштириш, уларнинг ахборот сифимини

кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштириш каби масалаларга қаратилди. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг обьекти, таянч нуктаси сифатида техник воситалар имкониятлари, уларни такомиллаштириш жараёни қабул қилинди, шунингдек, ўқув жараёнини “технологиялаштириш”нинг ташкилий жиҳатларини ўрганишга алоҳида урғу берилди. 60-йилларнинг бошларида таълимни дастурлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш “технология” тушунчасининг моҳиятини очиб берувчи омил сифатида кўрила бошланди. Дастурий таълим талабаларга муайян билимларни алоҳида қисм ҳолида эмас, балки изчил, яхлит тарзда берилишини назарда тутади. Таълим жараёнини яхлит, мақбул дастурга мувофиқ ташкил этиш таклифи илк бора АҚШда фаолият юрита бошлаган “Дастурий таълим ва ўргатувчи машиналар бўйича бирлашган Кўмита” томонидан илгари сурилган. Дастурий таълим ўзида таълим мақсадлари, уларни ўзгартириш ва баҳолашнинг мос равишдаги мезонлари ҳамда таълим мұхитининг аниқ тавсифини қамраб олади. Бу эса ўзгартириш мажмуасини тўлалигича қайта ташкил этиш тушунчasi мазмунига мос келади.

Мусиқа таълимида назарий асослари, ғоялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари бир неча жиҳатни ўзида акс эттиради:

Биринчиси, мусиқа таълими ва тарбияси ҳамда юксак ижрочилик маҳоратига эга шахс камолоти (тараққиёти) бирлиги;

иккинчиси мусиқий педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги, “тизимлилик” тушунчаси бу ўринда ҳам маълум мусиқий фанини ўқитиши жараёнига, ҳам умумий таълим жараёнига хослиги;

учинчидан, асослилик (фундаментлик) тамойилили фанларнинг ўрганиш обьекти, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналиш (модул)ларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади.

Ўқув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзida туркумлаштирилган. Ҳар бир ўқув фани унинг учун “ядро”, “ўзак” саналувчи ахборотларга эга бўлиб, ушбу ахборотлар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, ўзлаштирилган билимларни кенгайтириб бориш йўлида таянч тушунчалар бўлиб хизмат қиласи. Бундай ёндашув маълум йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнida фанлараро алоқадорлик хусусиятидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Ўқув фанларининг муайян йўналишлар тарзда бириктирилиши шахс хотирасига нисбатан зўриқиши камайтиради, шунингдек, фикрлаш қувватини оширади, тафаккурнинг юзага келишини таъминлайди. XX асрнинг 80-йилларида таълим жараёнини ташкил этиш таълим олувчиларга мавжуд фанлар соҳалари бўйича оз-оздан маълумот (билим) беришдан иборат деб талқин этилган бўлса, 90-йилларда ушбу жараённинг ташкил этилиши ўзлаштирилган билимлар негизида муайян, аниқ фан бўйича янги маълумот (билим)ларга эга бўлиш учун қулай шароитни яратиш жараёни сифатида эътироф этилди.

Мусиқа маданиятни англаш (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили немис педагоги А.Дистервег томонидан XIX асрда истеъмолга киритилган бўлиб, бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мусиқа маданиятни англаш тамойили талабаларга ижтимоий жамиятнинг маданий тараққиёти даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутади. Ўтган асрда таълим самарадорлигини таъминловчи етакчи омил сифатида педагогнинг билим даражаси ва маҳорати эътироф этилган бўлса, бугунги кунда ўқитувчининг билими, салоҳияти ҳамда маҳоратининг юқори даражада бўлиши билангина муваффақиятларни қўлга киритиб бўлмаслиги барчага аён. Мазкур ўринда замонавий фан ва техника имкониятлари, хусусан, компьютер, мультимедия воситалари, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда мутахассислар “соҳа (ёки йўналиш)ларнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борадаги назарий ва амалий билимларни чуқур билишлари, муайян фаолиятларни бажара олишлари, белгиланган муддатда аниқ вазифаларни ҳал этишга улгуришлари ҳамда маълум ютуқларга эриша олишлари” ғояси етакчи ўрин тутувчи бозор муносабатлари шароитига пухта тайёрланиши лозим.

Мусиқа таълими мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили. Тилга олинган ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан (юонон. “*Humanus*” – инсонийлик, “*humanitas*” – инсоният), бир ўзакка эга бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъноларни ифодалайди. Инсонпарварлаштириш таълим муассасаларида ўрганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанлар (тарих, маданиятшунослик, социология, психология, филология ва бошқалар)нинг киритилишини, инсонийлаштириш тушунчаси эса шахс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни англатади. Мусиқа санъати воситасида эса инсонпарварлаштириш – инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг қадр-қиммати, шаъни, орномуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланувчи фаолиятни ташкил этиш жараёни бўлса, инсонийлаштириш “барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараққиёти) учун” деган ғоясида ташкил этилувчи фаолият жараёни саналади.

Мусиқа таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ҳар бир ўқитувчи ушбу тамойилга қатъий амал қилиши лозим ёки ўз мутахассислигига оид муаммоларни ҳал этишда уни жамият манфаатлари билан уйғун бўлишига эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. Эндиликда педагог талабалар фаолиятини авторитар (якка ҳокимлик) тарзида бошқармай, балки таълимий ҳамкорлик ғояларига содиклик асосида таълим жараёнини инсонийлаштиради ёки бошқача айтсақ, таълимни инсонийлаштириш тамойилига амал қилинишини таъминлайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Ўрганиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойил қуидаги икки жиҳатни ёритишга хизмат қиласди: 1) таълим муассасаларининг хар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига талабаларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим; 2) ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синааб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқиқ этади. Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўқитувчининг касбий ҳамда педагогик маҳоратини ошириб боришига ва талабаларни бўлажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрлаш учун замин яратади.

Мусиқа таълимининг узлуксизлиги тамойили таълим олувчиларнинг касбий сифатларга эга бўлишлари, мавжуд сифатларнинг ҳаётий фаолият давомида такомиллашиб боришини назарда тутади. Шахсга унинг бутун умри учун аскотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, зеро, мавжуд билимлар ҳар беш-үн йил мобайнида ўзгариб, мазмунан бойиб боради. Демак, мазкур тамойил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан талабаларнинг мустақил билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришни ифодалайди.

Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси қуидаги икки хил маънода изоҳланади: а) таълим олувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар; б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараённида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар. Билимлар фаолият жараённида мустаҳкамланади, шу сабабли талабаларда назарий билимларни амалда қўллай олиш иқтидорини тарбиялаш лозим. Амалиётдаги тадбиқига эга бўлмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади. Мусиқий таълим жараённида педагогик технологиялардан фойдаланишининг самарадорлигини баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Педагогик технологияларнинг имкониятидан келиб чиқсан ҳолда уларни амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлигини бир қатор мезонлар билан аниқлаш мумкин. Улар қуидагилардир:

- таълим, тарбия ва шахсни ривожлантириш вазифаларининг ўзида яхлит ас эттира олиши;
- ўзида замонавий фан ва техника даражаларини ифодалай олиши;
- ғоявий жиҳатдан талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятларига мос келиши;
- ўқув материалиининг зарур ахборотлар билан тўлиқ таъминланганлиги;
- ўқитиш жараённида ранг-баранг метод ва воситаларни қўллаш имкониятини таъминлаганлиги;
- таълимнинг кўргазмалилиги ва барча учун очиқлигини таъминлаш тамойилига эгалиги;

- кўп функцияли таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни осон эксплуатация қилиш имкониятининг мавжулиги;
- педагогнинг талабаларга мустақил ишларни самарали ташкил этишга кўмалалишиш даражаси Ўқитиш тизимида педагогик технологияларни самарали қўллаш педагогнинг касбий компетентлигига ҳам боғлиқ. Шу сабабли педагогик технологияларнинг самарадорлигини педагог томонидан уларнинг қўлланилишига кўра ҳам баҳолаш мумкин. Бунда қуйидаги мезонлар муҳим аҳамиятга эга:
 - педагогнинг технологик маданиятга эгалиги;
 - педагогнинг педагогик технологияларни қўллаш борасида тажрибага эгалиги;
 - педагог томонидан педагогик технологияларга “ижодий” ўзгаришлар киритилиши ва уларнинг қайта шакллантирилиши;
 - педагогик технологияларни таълим амалиётига татбиқ этишда ўқитиувчи ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик негизида муваффақиятли вазиятларнинг қарор топганлиги;
 - педагогик технологияларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик;
 - педагогик технологияларнинг талабалар ва педагогларнинг касбий ривожланишини таъминлашдаги имкониятларга эгалиги;
 - талабалар ўқув-билиш фаолиятининг ижобий аҳамият касб этиши Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотнинг муҳим йўналиши сифатида таълим жараёнини технологиялаштиришдан эътироф этилди. Бу жараённинг самарадорлиги ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларини таълим амалиётида фаол қўлланилиши, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатлар таълими амалиётида қўлланилаётган замонавий технологиялардан хабардор бўлишқўйидаги шартлар асосида таъминланди.

2.Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар.

Ўзбекистон Республикасида 2017 йилдан барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам ривожланишнинг янги босқичига қўтарилиши бошланди. Таълим тизимида олиб борилаётган кенг ислоҳотлар ўқитувчининг ўз устида ишлаши, янгилик ва инновацияларга бўлган талабни бир қадар оширди. Ҳар бир ўқитувчининг шахсий, табиий ва индивидуал хусусиятлари бўлиб, ҳозирги замон ўқитувчиси мутахассислиги моделини лойиҳалаштириш лозим. Ўқитувчи мутахассислиги моделини умумий ва ягона ҳолда тузиш, энг муҳими унинг ўз хусусиятларини ривожлантириши, ўзига хослигини сақлаб қолиши, ўз қизиқишлирга мувофиқ ҳолда илгариги интилишига имкон бериш зарур. Мазкур масалада кўп йиллардан буён илмий изланишлар олиб борилмоқда, лекин мусиқа

ўқитувчиси мутахассиси моделини яратиш ва уни амалда қўллаш бўйича олиб борилган ишлар ҳали етарли эмас деб ҳисоблаймиз, чунки давр, замон, тараққиёт ўзгариши мусиқа ўқитувчиси мутахассислигининг замонавий модели ва профессиограммасига қўйиладиган талабларни ўзгартиришни ва такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Мазкур мавзунинг асосий мақсади ҳам худди ана шундадир. Ушбу жарёнлар мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талабларни белгилаб берди десак муболаға бўлмайди. 2018-2019 ўқув йилидан Республикаиздаги 15 та ОТМда санъатшунослик факультети ташкил этилиб, уларда мусиқа таълимдан ташқари “Чолғу ижрочилиги” (турлари бўйича), ва вокал ижрочилиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Мутахассис модели бу – аниқ бир касб бўйича мутахассиснинг умумлашган образли тузилмаси бўлиб, у муайян таркибий қисмлардан иборат бўлади¹². Узлуксиз таълим тизимининг мазмуни ва унинг илмий-назарий асоси бўлган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлари ўқитувчининг умумий, касбий, илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлик даражасини замон талабларига мос бўлишини тақозо этади¹³. Шуни аълоҳида эътиборга олган ҳолда таъкидлаш жоизки узлуксиз таълим тизими ўқитувчининг мутахассислик модели сингари айни пайтда умумий ўрта таълим мактаби мусиқа маданияти фани ўқитувчининг мутахассислик моделини тузиш бугунги замонавий фан ўқитувчининг барча хусусиятларини кўз олдимизга келтириш имконини яратади. шу жумладан мусиқа ўқитувчиси модел асосини педагогга қўйиладиган талаблар ташкил этиб, у ўзида шахснинг энг юксак фазилатларини, педагогик маҳоратини, мутахассислик нуқтаи назардан ўз билими, илмий дунёқараши, соҳаси бўйича малака ва тажрибага эгалиги, ўқувчиларни фан нуқтаи назардан ўқита олиш, тарбия бериш ва таълим олувчилар билимлариниadolatli баҳолай олиш ва назорат қила олиш каби бир қатор таркибий қисмларни мужассамлаштиради.

Ушбу масала йирик педагог олим Ж.Ф.Йўлдошев ўз тадқиқотларида республика ўқитувчилари шахсининг касб учун аҳамиятли хусусиятлари сифатида киришимлилик, ҳиссий барқарорлик, етакчилик, ижтимоий етуклик, ишонувчанлик, ижтимоий жасорат, дадиллик, мустақиллик, ўз-ўзини назорат қилиш, қўзғалувчанлик, таранглик каби жиҳатларни белгилаб берган¹⁴.

Назаримизда, ўқитувчининг педагогик фаолиятига ёрдам берадиган фазилатларига илмга чанқоқлик, киришимлилик, камтаринлик, меҳнатсеварлик, интизомлилик, фидойилик, маҳрибонлик, бағрикенглик,

¹²www.Humanities.edu.ru/db/msg/.

¹³ Жўраев Р. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуруни амалга оширишдаги умумий ўрта таълим вазифалари // Педагогик маҳорат журнали. 2/2001., 2-10 бетлар.

¹⁴ Йўлдошев Ж.Ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари: (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?). - Т.: “Ўқитувчи”, 1998.- 208 б.

одамохунлик, хушмуомалалик¹⁵ каби бир қатор ижобий шахс фазилатларини киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир, чунки юқорида таъкидланган моделнинг тарбиялай олиш қисмига юқори даражали маданият ва маърифат, шахсий одоб намунаси, нуфузи, ватанпарварлик ва бурч ҳислари, гуманитар ва гуманистик тайёргарлик, ўқув тарбиявий ишларнинг ташкили киритилган. Мазкур талабларни шакллантиришда узлуксиз таълим тизими олдидағи давлат ва ижтимоий буюртмалар ҳисобга олининиши ва аниқ белгиланини керак эди.

Бу ишда янгилик сифатида ўқитувчининг умумлаштирилган моделида педагогнинг ўқита билиш ва тарбиялай олиш вазифаларининг ажратилиши аслида ҳали кўп илмий йўналишларга асос бўлади, чунки бу икки фаолият ягона таълим ва тарбия жараённада амалга ошириладиган, Шарқ педагогикасида¹⁶ бир бутун ҳолда қўлланиладиган фаолият тури ҳисобланади. Шунингдек мусиқа ўқитувчисининг мутахассислик модели, гарчан бир неча бор тавсия этилаётган бўлсада, ундаги талаблар ўқитувчининг мутахассислик ихтисослашган моделини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Моделнинг таълим олувчилар билимини адолатли баҳолай олиш ва назорат қила олиш тарқибий қисмига талабаларнинг стандартланган тестларни ишлаб чиқиш ва қўллай олиш киритилган. Шуни қайд этиш керакки, мусиқа ўқитувчисининг мутахассислик моделида таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўнирма ва тажрибаларни назорат қилиш ва баҳолаш, ўқув-тарбия жараённдан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва мазкур жараённинг боришига тегишли ўзгартиришлар киритиш каби яна бир муҳим вазифаси киритилган бўлиб, у таълим-тарбия жараённининг ажралмас ва энг муҳим зарурий қисми саналади. Шу сабабли, педагогнинг ушбу тайёргарлигини унинг методик тайёргарлигидан ажратиш мумкин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, эндилиқда мусиқа ўқитувчиси моделида мақом санъати сирларини эгаллаш, унинг структура (тарқибий) унсури сифатида ўрин олиши шарт бўлиб қолди.

Бу жараёнда санъатшунослик, мусиқашунослик, фольклоршунослик, педагогика, психология соҳасидаги адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш, педагогик кузатиш, илфор иш тажрибаларни ўрганиш, қиёслаш, умумлаштириш тажриба-синов ва математик статистика усулларидан кенг фойдаланилди. Республикаизда тайёrlанган педагогларнинг умумлаштирилган моделининг таҳлили ва унинг бугунги кун талабидан келиб чиқкан ҳолда яна бир қатор вазифаларни қўйилиши бежиз эмас. Чунки бутун дунё таълим тизимида бўлгани каби, узлуксиз таълим тизими олдига қўйилган талаблар давр ва замон ўзгаришлари билан

¹⁵ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: “Ўқитувчи”, 1992. -1606.

¹⁶ Миллий истиқбол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Ўзбекистон файласуфлар жамияти). - Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 45-49 б.

такомиллаштирилиб, янги-янги инновацион ғояларни асосида ривожлантирилиб, кам меҳнат сарфлаб, кўпроқ натижа олиш учун ҳаракат қилинib борилади. Бу ҳолат бевосита мусиқа таълими ўқитувчисининг мутахассислик модели хусусиятларига ҳам тааллуклидир. Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятидаги асосий масалаларни киритиш ва илмий-педагогик нуқтаи-назаридан қайта ишлаш лозимлигини кўрсатди. Шу сабабли Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ҳар бир фан ўқитувчи, шу жумладан, мусиқа ўқитувчи мутахассислигининг педагогик фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда замонавий модели ва унга мос ҳолда профессиограмма тузиш заруратини келтириб чиқаради.

Мазкур моделнинг асосини мусиқа ўқитувчи ташкил қилиб, у шахс сифатида:

- юксак маънавиятли ва маданиятли;
- узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш учун истиқбол режаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир;
- ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил хулоса қила оладиган ва ундан амалиётда тўғри фойдаланадиган;
- ўзида миллий истиқлол мағкураси ва ғояларини сингдирган;
- жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган;

шунингдек, юқори малакали рақобатбардош педагогик кадр сифатида:

- ижодий ва ижтимоий фаол;
- ғоявий ва маънавий-ахлоқийетук бўлиши;
- мумтоз мусиқани тушуниш учун ижодий тафаккури бўлиши;
- ўзбек мусиқа меросининг сарчашмаси ҳисобланган мақом асарлари ҳақида етарлича билимга эга бўлиш ва уни амалиётда қўллай олиш даражасини эгаллаганлиги;
- юқори даражадаги илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий методик, ташкилий услубий жиҳатдан тайёргарлик орқали юксак касб-хунар маданиятига эга бўлиши назарда тутилди.

Мусиқа ўқитувчисининг мутахассислик моделини тузишда қуйидагилар концептуал асос сифатида қабул қилинди:

- ❖ мусиқа ўқитувчи юқори даражадаги илмий-назарий, педагогик-психологик ва илмий-методик тайёргарлик орқали юксак касбий маданиятга эга бўлади;
- ❖ мусиқа ўқитувчини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида уларнинг касбий тайёргарлигини орттиришда илмий-назарий, педагогик-психологик таркибий қисмлар билан узвий равишда илмий-методик тайёргарликни амалга оширилади;
- ❖ ўқитувчининг педагогика олий таълим муассасаларида ўзлаштирган барча билим, малака ва кўникумлари педагогик фаолиятда хусусий методик даражада, яъни мусиқани ўқитиш жараёнида қўлланилади.

Шу боис ўқитувчининг касбий тайёргарлигининг таркибий қисмлари ичидаги методик тайёргарлик асосий ўринни эгаллади.

Мусиқа ўқитувчиси моделининг 1-расмда чизмасини беришга ҳаракат қиласиз ва бу чизмани яратишда педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Талипованинг “Биология ўқитувчининг илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти” мавзусидаги тадқиқот ишларига асосландик. Мусиқа ўқитувчининг замонавий модели таркибий қисмлари ва уларнинг шаклланиши йиллар давомида тўпланган тажрибалар ҳамда инновацион ғоялардан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириб борилиши мумкин. Мазкур модельнинг таркибий қисмлари ва уларнинг шаклланишини таъминловчи билим, кўникма ва тажрибаларнинг мажмуаси яна бир қўлланиладиган термин – профессиограмма деб юритилади.

1-расм.

Мусиқа ўқитувчиси мутахассислигининг

замонавий модели



Бу расмда, умуман, ўқитувчи модели акс этган, мусиқа асарларини эгаллаш, шу жумладан, янги талаб – мақом назарияси ва амалиётини эгаллаган шахс ҳам акс эттирилиши керак.

Профессиограмма – бу мутахассиснинг шахсий сифатлари ва касбий фаолият турларига кирадиган касбий талаблар ва меъёрларнинг илмий асосланган ҳолдаги тавсифи¹⁷.

Профессиограмма ўзида модельнинг таркибий қисмлари ва уларни шакллантиришга асос бўладиган билим, кўникма ва малакаларни ўзида мужассамлаштиради¹⁸. Шу сабабли профессиограмма муайян педагогик фаолиятни амалга ошириш учун ўқитувчидан амалий ва назарий фикр

¹⁷ Йўлдошев Ж.Ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари: (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?). - Т.: “Ўқитувчи”, 1998. - 208 б.

¹⁸ Йўлдошев Ж.Ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари: (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?). - Т.: “Ўқитувчи”, 1998. 102 -136 б.

юритишни, ушбу жараённи амалга ошириш учун муайян билим, кўнкма ва тажрибаларни, малакаларни ўзлаштиришни талаб этади.

Назарий фикр юритиш таълим-тарбия жараёнидаги умумий қонуниятлар, яъни педагогик вазифаларни ҳал этишининг принциплари ва усулларини ишлаб чиқиши, педагогик жараёнларни кузатиш, кузатиш натижаларини умумлаштириш, хулоса ясаш, ўз фаолияти билан таққослаш ва ўзи учун зарур қоидаларнинг келиб чиқишига замин тайёрлайди¹⁹.

Амалий фикр юритиш асосан мусиқани ўқитишнинг хусусий вазифаларини ҳал этишга қаратилган. Бу муайян вазиятларни таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, ва муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш каби кўникмаларни ўз ичига олади. Ўқитувчининг педагогик фаолияти ва маҳорати даражасини, амалий педагогик вазифаларни ҳал этиш жараёнининг илмий-назарий жиҳатдан тўғри асосланганлиги билан белгилаш зарур.

Мусиқа фани ўқитувчиси ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилиб, илмий-назарий асослаб, ўзига маълум педагогик принципларни ва уни амалга ошириш қоидаларини ишлаб чиқади. Педагогнинг ўз фаолиятини таҳлил қилиш, умумлашган ва педагогик таъсир кўрсатишнинг мантиқий кетма-кетлигини ишлаб чиқиши, унинг педагогик маҳорат чўққисини эгаллаганлигини кўрсатади. Педагогик вазифаларни ҳал этиш, педагогик вазифаларни таҳлил қилиш, яъни ўқитувчилардан ақлий фаолият усуллари – танқидий-таҳлилий, мантиқий фикр юритишни талаб этади.

Мазкур педагогик фаолият таълим-тарбия жараёнини асосий бўғинларга ажратиш ва истиқболдаги вазифаларни лойиҳалаш кўникмаларига асосланади. Ўқитувчининг педагогик вазифаларни яхши ўзлаштирганлиги, ўз касбдошларининг иш тажрибаларини тинмай ўрганиши, ўз педагогик фаолияти натижасини умулаштириш ва мунтазам таҳлил ўтказиш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга, таълим мазмуни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали восита, метод ва шаклларини танлашга имкон яратади.

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги таҳлил қилинганда, унинг илмий-назарий, психологик педагогик, методик тайёргарлиги назарда тутилди²⁰.

Куйида мусиқа ўқитувчисининг профессиограммасини таркибий қисмлари ва уларга мансуб билим, кўнкма ва малакаларни келтириб ўтамиш:

I. Мусиқа ўқитувчисининг илмий-назарий тайёргарлигига асос бўладиган билим, кўнкма ва малакалар мажмуаси:

- мусиқа фанини илмий назарий жиҳатдан чуқур ўзлаштирган ҳолда унинг назариялари, ғоялари, қонуниятларининг мазмун-моҳиятини билиши,

¹⁹ И smoилов Н. Миллий менталитетнинг туб илдизи //“Мулокот” журнали, 4/2001. - 29 б.

²⁰ Баротов Ш.Р. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. - Т.: “Ўқитувчи”, 1995. – 58-61 бетлар.

фаннинг ривожланиши, фанда эришилган ютуклар, янгиликлар, муаммолар, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда изланишлар натижаларидан хабардор бўлиб бориши;

- умумий мусиқий ва хусусий тушунчаларни ажратса олиши, уларнинг мусиқий таълимда тутган ўрнини, ўқувчиларда шакллантириш йўлларини тасаввур қилиши;

мусиқа илмининг умумназарий ва амалий жиҳатдан шаклланишида улкан ҳисса қўшган мутафаккирларнинг илмий-назарий, маънавий-маърифий, маданий мерослари ҳамда мусиқа, мусиқа таълими фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини билиши ва улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш малакасига эга бўлиши.

Мусиқа ўқитувчисининг психолого-педагогик тайёргарлигига асос бўладиган билим, қўникма ва малакалар мажмуаси:

дидактика ва тарбия назарияси ғоялари, ўқитиш қонуниятлари, принциплари, ўқитиш мазмуни, методлари, воситалари ва шаклларининг уйғунлиги, узвийлиги, уларнинг узвийлигини таъминлаш йўллари билиши ва таҳлил қила олиши;

ўқитишнинг турли техник-дидактик, аудио, видео, мультимедия, Он-Лайн, презентацион воситалари, мавжуд дарслеклар, ўқув қўлланмалари, ўқув-методик адабиётларни таҳлил қила билиши, уларнинг бир-биридан фарқи ва афзаликларини билиши;

педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи усуллардан хабардорлиги ва ўқув машғулотларида улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;

ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва таҳсил олишини ташкил этишнинг ташкилий ва услубий таъминланишини билиши;

- ўз касбий тайёргарлиги ва малакасини мунтазам ва мустақил равища оширишнинг усул ва шаклларини билиши ва эгаллаши;

- ўқувчиларнинг ёш ва психолого-хусусиятлари, диққат, хотира, тафаккур, темперамент, характер, қобилиятларини аниқлай олиши, ўқувчилар билан мулоқотга киришиш кўникмаларини эгаллаган бўлиши;

- ўқувчиларда мантиқий ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш, мантиқий операциялардан ўқув жараёнида фойдаланиш;

- синф раҳбари ишининг мазмун ва мундарижасини, ўқувчилар онгига ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг мазмуни, шакли ва усулларини билиши ва самарали ташкил этиш малакасига эга бўлиши²¹;

- иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, саралаш ва уларга табақалашган таълим бериш йўллари, шакллари ҳамда усулларини билиши, амалиётда қўллай олиш кўникмасига эга бўлиши;

²¹ Баротов Ш.Р. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. - Т.: "Ўқитувчи", 1995. – 28-32 бетлар.

II. Мусиқа ўқитувчисининг методик тайёргарлигига асос бўладиган меъёрий ҳужжатлар билим, кўникма ва малакалар мажмуаси:

- таълим-тарбия жараёнининг яхлитлиги, таълим мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлигини тасаввур қилиши;
- мусиқа бўйича дарсдан, синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларининг мазмуни, шакллари ва мазкур машғулотларни ташкил қилиш йўлларини;
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълимнинг давлат таълим стандартларини;
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида илмий-услубий, тажриба-синов ишларини олиб бориш тартиб-қоидаларини билишни;
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчиларни касбга йўллаш ишларининг тартиби, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумотга эга бўлиши, мусиқа йўналишида касбга йўллаш ишларини олиб боришни;
- мусиқани чуқур ўзлаштиришга ихтисослашган мактаб ёки синфларда қўлланилаётган дастурнинг, таълимий ва тарбиявий ишларнинг мазмун-мундарижаси, ДТС, мазкур таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга қўйиладиган дидактик талаблар²², шакл ва усулларини;
- мусиқани ўқитиши жараёнида ўқувчиларни хукуқий, иқтисодий, экологик, санитария-гигиеник тарбиялашнинг мазмуни, методлари ва шаклларини билиши ва амалиётга қўллай олишни;
- мусиқани ўқитиши жараёнида ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, мустақиллик принциплари ва Она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашнинг мазмуни, методлари ва шаклларини билиши ва амалиётга қўллай олишни;
- мусиқадан ўқув дастури, ДТС, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни таҳлил қилишни;
- мусиқани ўқитиши концепцияси, методик ёндашувлар асосида ўқув жараёнини ташкил эта олишни;
- мусиқа маданияти фанининг асосий ғоялари, мақсади ва вазифалари, шунингдек, боблар, мавзуларнинг мақсади ва вазифаларини аниқлай олишни;
- мусиқани ўқитишида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллай олиш;
- ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий усулларини билиши ва олинган натижаларни таҳлил қила олиши, баҳолаш тизимини мужкаммал билиш ва қўллай олишни²³;

²² Жўраев Р. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги умумий ўрта таълим вазифалари // “Педагогик маҳорат” журнали. 2/2001., 2-10 бетлар.

²³ Педагогика тарихи. Ҳасанбоева О. ва бошқалар. (Ўқув қўлланма). - Т.: “Ўқитувчи”, 1997. – 124-165 б.

- мусиқа дарсларига қўйиладиган дидактик талаблардан хабардор бўлиши, уларни кузатиш ва таҳлил қилиш малакасини ўзлаштиришни;
- мусиқа ўқитувчиларининг илғор иш тажрибаларини аниқлаши ва уларни ўзлаштира олиши ҳамда амалиётга қўллаш малакасига эга бўлиши;
- мусиқа ўқув хоналари, лабораторияларини намунавий жиҳозлаш, тегишли меъёрий хужжатларни билиши, жиҳоз, кўргазмали восита, дидактак ва тарқатма материалларни тайёрлаш, сақлаш, бутлаш ва бойитиш йўлларини билиши, улардан самарали фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Мусиқа таълими мусиқий билим, малака ва қўникмаларни эгаллаш жараёни ҳамда натижаси бўлиб, таҳлилий-назарий жиҳатдан мусиқий ҳодисалар ўзлаштирилишини кўзда тутади. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси жамиятда тўпланган мусиқий тажриба намуналарини ўзлаштириш, ривожлантириш ҳамда ёш авлодга етказиш вазифасининг ижтимоий моҳиятини чуқур англаши муҳимдир.

Мусиқа таълимида бўлажак мусиқа ўқитувчиларини мусиқа билан “ошно қилиш” вазифаси ўзгарди, энди ҳар бир ўқувчига ўз бадиий имкониятларини кенгайтириш, мусиқа асарларини танлаб тинглаш, улар борасида таҳлилий фикр билдира олиш учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш вазифаси қўйилмоқда. Бу ўринда, асосан икки хил ўқувчи билан ишлаш лозимлигини ўқитувчи яхши ажратиб олиши керак, яъни 1) мусиқа туйғуси мавжуд бўлган ўқувчилар; 2) мусиқага қизиқмайдиган ўқувчилар. Уларга нисбатан хусусий ва умумий талаблар ҳозирги ДТС лар ва дастурларда қайта қўриб чиқилиши керак. Бу педагогик мақсадни амалга ошириш мусиқа ўқитувчисига, унинг маънавий-ижодий фаолиятига янада катта масъулият юклайди.

Мусиқа ўқитувчисини касбий тайёрлашда асосий эътибор педагогик ишнинг натижасига қаратилади. Дарсда эгалланган назарий билимлар амалиётда, яъни ўқувчилар мусиқий-эстетик фаолиятининг турли кўринишларида намоён этилади ва ранг-баранг иш шакллари, методлари орқали таълим олувчиларнинг мусиқий билимлари ошишига, уларда бадиий-эстетик диднинг шаклланиб боришига қаратилади.

?

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Мусиқий фанларнинг пайдо бўлиши ва ўқитилиши.
2. Мусиқий фанларнинг ривожланиш тарихи.
3. Мустақиллик даври мусиқий фанларнинг ривожланиши.
4. Мусиқа ўқитувчисининг бугунги кун талаби даражасида тайёрлашда қандай талаблар қўйилади.

5. Республикадаги педагогика соҳасида 5111100-Мусиқа таълим йўналиши ДТС ва малакала талаблари қандай меъёрий ҳужжат ҳисобланади.
6. Мусиқий дасрларни ташкил этишда концермейстер фаолияти қандай
7. ОТМларда ўқув-услубий фаолиятни самарадорлигини ошириш йўллари
8. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
9. Узлуксиз таълим тизимида мусиқий фанларини ўқитишида инновациялар.
10. Миллий созларимизнинг пайдо бўлиш тарихи.
11. Талабаларнинг мусиқий тафаккури ва идрокини юксалтиришнинг ахборот технолгиялари восита сифатида.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т.1997
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.1997
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси . Т.: Шарқ 1998 й-182 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон овози 28.01.2010 й 1-3 бетлар.
5. Алимов Ф. Ўзбек халқ чолғу оркестри. Тошкент, «Мусиқа», 2004.
6. Дадамухамедов А. Рубоб прима дарслиги. Тошкент, 2004.
7. Эргашев F. Афғон рубоби дарслиги. Тошкент, 2004.
8. Нурматов X. Қашқар рубоби. Тошкент, 2003.
9. Тоиров М., Петросянц А. Мусиқа асбоблари - «Най». Тошкент, 2002.
10. Одилов А., Лутфуллаев А. Мусиқа асбоблари – «Чанг». Тошкент, 2002
11. Қосимов Р. Мусиқа асбоблари – «Уд». Тошкент, 2002.
12. Қосимов Р. Анъанавий танбур ижрочилиги. Тошкент, 2002.
13. Икромов И. Дойра дарслиги. Тошкент, 1997.
14. Тошмухамедов М. Ғижжак дарслиги. Тошкент, 1996.
15. Петросянц А. Инструментоведение «Узбекские народные инструменты». Т., «Изд. им. Г.Гуляма». 1990.
16. М.Асилов, Ф.Василев. Тошкент, Дутор дарслиги. 1987.
17. Варелас С. Партитура ўқиши курси. Т., “Ўқитувчи”. 1984.
18. Гиенко Б. Инструментовка (для оркестра узбекских народных инструментов). Ташкент, 1970.
19. Абдукаримов М. “Чолғушунослик” Тошкент 2005 й
20. Лутфуллаев А . Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи.-Т.: Мусиқа.

З-мавзу: Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари. Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўкув-услубий адабиётлар яратиш, “Устоз-шогирд” мактаблари.

Режа

1. Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари.
2. Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўкув-услубий адабиётлар яратиш.
3. “Устоз-шогирд” мактаблари.

1. Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари.

Республикамизнинг бир қатор ОТМларида бакалавриатнинг педагогика соҳаси 5111100-“Мусиқа таълими” таълим йўналишида умумтаълим мактабларининг “Мусиқа маданияти” фани бўйича, шунингдек, педагогика касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат академик-лицейлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун “Мусиқа таълими” касби берувчи кадрлар тайёрланиб келинмоқда ва уларга Давлат намунасидаги дипломга “Мусиқа таълими йўналиши” касби берилмоқда.

Мусиқа ўқитувчисининг бугунги кун талаби даражасида тайёрлашда, ўкув режасидаги фанларни ўқитишида, таълим йўналиши номида бир қатор муаммолар борки, уларни бартараф этмай туриб, сифатли кадрлар тайёрлаб бўлмайди, қолаверса, қуи таълим муассасаларида ўкувчиларни ўқитиши учун тайёрлаётган ўқитувчиларимиз синфларга кириб дарс ўтишда етарлича билимга эга бўлмайдилар. Жумладан булар қуидагилар:

Биринчи муаммо: Бакалаврит босқичида “Мусиқа таълими” номи билан тайёрлаб келинаётган кадрлар ўқитувчилик фаолияти билан тўлақонли шуғулдана олмайдилар. Чунки, улар бакалавриат босқичида 4 йил ўкиш даврида хонандалиқ, чолғу асбобни чалиш малакасини ҳамда мусиқа назарияси бўйича билим ва малакаларни тўла эгалай олмайдилар. Бунга асосий сабаб, талаба билан яккама-якка ҳолда дарс ёки кичик-кичик гуруҳларда дарс ўтиш шаклидан воз кечилганлигидир.

Республика бўйича педагогика соҳаси “Мусиқа таълими” йўналишида таҳсил олаётган бакалаврит босқичи талabalari Болалар мусиқа ва санъат мактабларида, мусиқа ва санъат ихтисослаштирилган академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида **7 ва 10** йил давомида ўрганган чолғуси (рубоб, дутор, ғижжак, фортопиано, скрипка ва ҳоказо)ни ОТМларига келиб, “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли” фанида гуруҳда фақатгина дутор ёки рубобни ўрганишга мажбур бўлмоқда. Чунки, гуруҳли дарсда ўзлари эгаллаган асбобни аълоҳида-аълоҳида ёки кичик-кичик гуруҳларда ўрганиш

имкони йўқ (бунга фанни “амалий” шаклда ўтилиши сабаб). Худди шундай, ўқувчи (бўлажак абитуриент) опера, вокал, эстрада, анъанавий хонандалик, мақом ижрочиси маҳоратини **7-10** йил давомида қуи таълим муассасаларида эгаллайдида, талаба бўлиб, ОТМга ўқиш даврида бир гурухга бирлаштириб, ўзи эгаллаган жанр (соҳа) бўйича ўқишни давом эттира олмайди. Бундан ташқари рус гурухларда миллий чолғуларни ўқитишида ҳам жуда катта муаммо ва талабаларнинг эътиrozли норизоликлари ҳам мавжуд. Бунга ҳам асосий сабаб амалий дарсларни “турухли” шаклда олиб борилишидир. Чунки, фортепиано, скрипка, гитара, чалиб келган талабани қўлига дутор ёки рубоб ушлатиб қўймоқдамиз. Бу ҳолат вокал хонандаларига ҳам тааллуқли. Опера ижрочиси анъанавий хонанда айтимларини ижро этиш жараёнида аввал эгаллаган ўзидаги бор маҳоратини йўқотиб қўяди. Тўғрироғи, ўзидаги етарлича билим бўлмаган ушбу битиравчи кадр эртанги қунда синфга кириб, дарс ўта олмайди.

Иккинчи муаммо: “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Анъанавий ва хонандалик”, “Мусиқа назарияси”, Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Хор ва хоршунослик”, “Болалар мусиқа адабиёти”, “Мусиқа ўқитиши методикаси ва мактаб репертуари” ва бошқа шу каби катор таянч мусиқий фанлар ўқитувчи ва жўрнавоз (концертмейстер) ҳамроҳлигига мусиқий чолғулар билан жиҳозланган аудиторияларда ўтилиши имконият етарли эмас. Чунки, юқоридаги фанларни тўлақонли ўтилишида “концертмейстер” дастурдаги асарларни фортепиано ёки ансамбл шаклида бошқа миллий чолғуларда жўрнавоз сифатида чалиб, унга мусиқий жўрнавозлик қилиб туриши шарт.

Учинчи муаммо: “Мусиқа таълими” йўналиши ўқув режасидаги умумий **7344** соатнинг **3340** (мустақил таълим соати билан биргаликда) (45,5%) соати (биринчи, иккинчи ва қўшимча фанлар блоки) гуманитар ва ижтимоий-сиёсий, математика ва табиий-илмий, мусиқага тааллуқли бўлмаган қўшимча фанларни ташкил этиб келган. Мазкур йўналишларда кўп соат ажратилганлиги ҳам малкали мутахассис кадр тайёрлашда салбий таъсир кўрсатмоқда эди, ушбу масала бир қатор ижобий ҳал этиш учун илк қадамлар қўйилди.

Тўртинчи муаммо: 5111100-“Мусиқа таълими” таълим йўналиши номига “ўқитувчи” сўзи қўшилмаганлиги учун кўпгина қуи таълим муассасаларида мазкур йўналиш битиравчиларини ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилишда тушунмовчилик ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Бешинчи муаммо: “5111100-Мусиқа таълими” таълим йўналишини доимий равишда мусиқий чолғулар билан таъминлаб бориш лозим.

Республикамизнинг педагогика соҳаси мусиқа таълим йўналишида тайёрлаётган кадрлар яъни, бўлажак “Мусиқа таълими” қасби берилаётган мусиқа ўқитувчиси қуидаги учта асосий йўналишни яъни “Мусиқа назарияси” “Чолғу ижрочилиги” “Хонандалик” маҳоратини мукаммал эгалласа, у тўлақонли ўқитувчилик фаолияти билан шуғуллана олади ҳамда “Мусиқа маданияти” фанини дастур асосида ўқитади.

Юқорида таъкидланганидек, кейинги бир неча йилдан буён педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишида тайёрланаётган кадрлар жойларда ўқитувчилик касби билан фаолиятини давом эттира олмаяпти. Бунинг биринчи сабаби, улар “Мусиқа назарияси” фанини “худди алфавитни кўриб, ўқиб, тушунгандай” нота ёзув ва унинг элементар назариясини чуқур ўргана олмаяпти. Мазкур фанни лаборатория машғулоти сифатида кичик гуруҳлар (10-12) рафарга бўлиб, ўқитиш зарур. Қолаверса, “Мусиқа назарияси” ўз таркибида “Сольфеджио”, “Гармония” ва “Мусиқа асарлари таҳлили” каби фанларни қамраб олади. “Мусиқа назарияси” фанини талаба мукамал эгаллаши учун қуйидаги билимларни эгаллаган бўлиши шарт. Жумладан, мусиқий тизим, товуш, лад, тоналлик, интервал, аккорд, алтерация, хроматизм, модуляция, куй, халқ ладлари, турли хил мажор ва минор гаммалар, кварта – квинта доираси, интерваллар, аккордлар, транспозиция, тоналликлар поғонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модуляция ва оғишма, мусиқа безаклари, гармониянинг асосий қонун қоидаларини, аккордлар имкониятларини, стилистик хусусиятларини билишлари, мусиқа асарларини гармоник таҳлил усуллари, мусиқа шаклининг энг муҳим асосларини, мусиқий шаклининг муҳим элементларини, мусиқанинг асосий ривожлантириш принциплари, шаклининг қисмлари функцияси, баён этиш турлари ва ҳар бир шаклининг тузилиш қонун-қоидалари, бир ва икки овозлик куйларни соф интонациялаш, мусиқий диктант ёзиш, мусиқа элементларини эшишиб аниқлаш, куйга аккомпанимент тузиш қонун-қоидаларини, мажор ва минорларнинг табиий, гармоник, мелодик гаммаларини, товушдан ва тоналликда интервалларни, аккордларни ечимларини, ҳар хил товушлардан халқ мусиқа ладлари товушқаторларини, берилган тоналликда интерваллар ва аккордлар кетма-кетлигини, диатоник секвенцияларни, мажор ва минор хроматик гаммаларини ёзма равища тузиш ва фортепианода чалиш, ўтилган аккордларни тўрт овозли тузилмада турли хил тоналликларда тузиш ва ечиб бериш, аккордларни қўшища қонун-қоидага биноан амал қилиш, берилган аккордлар белгиланишларига қараб аккордлар кетма-кетлигини тузиш ва фортепианода ижро этиб бериш, мусиқий асар шаклининг қисмларни аниқлаш, унинг куй, гармония, ритмларни ўзаро алоқадорлигини кўрсатиш, мусиқа шаклида ривожлантириш принципларини билиб, таҳлил қилинаётган асарда уларнинг аҳамиятини кўрсатиб, ҳар хил типдаги шаклларнинг ўзига хос хусусиятлар усулларини ажратиш, интерваллар, аккордлар, гаммалар тузиш, унча катта бўлмаган мусиқа асарларининг лади, тоналлиги, образлар характеристини аниқлаб таҳлил қилиш, берилган куй ёки басни гармониялаш, гармоник кетма-кетликларни даврия шаклида чалиб бериш, оддий шаклдаги асарни ёки асар парчасини гармоник таҳлил қилиш, берилган мусиқий асарда шаклининг тури, баён тури, шаклдаги йирик белгиларнинг рақамли схемаси ҳар-бир асосий қисмнинг таҳлили ва уларнинг бир-бирига умумий боғланишини таҳлил қилиши, мусиқий мавзулар таркиби, уларнинг бир хиллиги ёки

қарама-қаршилиги, характеристики ва мазкур характеристикага эришиш воситаларидан фойдаланиш, сольфеджионинг назарий ва амалий аҳамияти, турли хил мажор ва минор гаммалар, кварта-квинта доираси, интерваллар, аккордлар, халқ ладлари, транспозиция, тонналликлар погонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модуляция ва оғишина, куйни айрим элементлар ўзаро муносабатларини малакаларини кичик гурухларда ўтиладиган дарслар орқали эгаллаши мумкин.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиси мутахассис кадр сифатида бирор бир чолғу асбобни ижро этишни (нота ёзуви асосида) мукаммал эгаллаган бўлиши шарт. Дарҳақиқат, Болалар мусиқа ва санъат мактабларида, мусиқа ва санъат ихтисослаштирилган академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида **7** ва **10** йил давомида рубоб, дутор, фижжак, фортопиано, скрипка ва ҳоказо чолғуни ўрганади, университетга келиб, “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли” фанида гурухда фақатгина дутор ёки рубобни ўрганишга мажбур бўлади. Уларни ҳар бирини ўзлари эгаллаган чолғулари бўйича ўқитиш учун бир семестрга ажратилган **38** соат етмайди.

Аслида, талаба ОТМга киргунга қадар қайси чолғуни чалишни ўргангандан бўлса, ОТМда ўқиши даврида ўша чолғуни сир-синоатларини ўрганишни давом эттириб, қўшимча чолғу сифатида фортепианода чалиш маҳоратини эгаллаган бўлиши шарт. Чолғу ижрочилиги ва ансамбли” фани ўқитишни якка тартибда ҳеч бўлмаса лаборатория машғулоти сифатида кичик гурух (4-6)ларда ўқитилса малакли кадрлар тайёрлашда сифат ва самарадорликка эришиш мумкин.

Республикадаги Педагогика соҳаси “Мусиқа таълими” йўналишида тайёрланаётган кадрлар мусиқа ва санъат соҳасида тайёрланаётган кадрлардан тубдан фарқ қиласи. Жумладан, Ўзбекистон давлат консерваториясида тайёрланаётган мутахассислар ё қўшиқчи – хонанда бўлади ёки бирор мусиқа чолғусини мукаммал чалишни ўрганади. Шунинг учун ҳам улар умумтаълим мактабларида “Мусиқа маданияти” фанини ўқита олмайдилар. Чунки, ёш кадр мактабга ўқитувчилик қила олмайди. Ўқитувчилик қилиши учун “Чолғу ижрочилиги”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Анъанавий ва хонандалик”, “Мусиқа назарияси”, “Хор ва хоршунослик”, “Болалар мусиқа адабиёти”, “Мусиқа ўқитиш методикаси” фанларини мукаммал эгаллаган бўлиши лозим. Бўлажак мусиқа ўқитувчиси фортепиано (ёки ўзбек халқ чолғуларининг бири) ёрдамида дастур асосида ўрганилаётган асарни бемалол чолғуда чалиб, уни матнини куйлай олмаса, дирижёрлик қилиб, болаларга ўргата олмаса албатта синфга кириб дарс ўта олмайди. Ўқитувчи сифатида юқорида тилга олинган фанларни ўқитишни якка тартибда ҳеч бўлмаса лаборатория машғулоти сифатида кичик гурух (10-12)ларда ўқитилиши шарт.

“Хор ва хоршунослик” ва “Дирижёрлик” фани ўқитувчиси: Юқориди таъкидланган билан бир қаторда мусиқа ўқитувчиси хонанда ва дирижёр сифатида ҳам тўлиқ шаклланган бўлиши лозим. Бўлажак мусиқа ўқитувчисини хонанда ва дирежёр (мактаб ўкувчилари хор жамоасини

ташкил этади) сифатида тўлиқ шаклланишида хонандалик ва дирижёрлик, хор ижрочиси малакаларини эгалаши шарт. Акс холда синфга кириб ўқувчиларга қўшиқ ўргата олмайди ёки хор асарларини дирижёрлик қилиб ўргата олмайди, умуман олганда хонандаликнинг сир-синоатларини, қолаверса, инсон овози билан боғлиқ хусусиятларни билмай ўсиб келаётган ёш авлод овоз аппарати билан ишлай олмайди. “Дирижёрлик” фанини ўқитиши якка тартибда ҳеч бўлмаса лаборатория машғулоти сифатида кичик гурух (4-6)ларда ўқитилиши керак.

Бутун дунёда “Чолғу ижрочилиги”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Хонандалик” фанлари якка тартибда, “Мусиқа назарияси” фани кичик-кичик гурухларда ўқитилади. Чунки, ҳар бир инсоннинг табиий физиологик ривожланиш жараёни турли тарзда амалга ошади, ҳар бир инсон мусиқани ўз ички дунёси ва ҳиссий кечинмалари ёрдамида турлича қабул қиласи ва уни ўзига хос ифодавий воситалар ёрдамида ижрочига етказиб бериш учун устоз ва талаба (яккана-якка) ижодий машғулот ёрдамида талабани етук мутахассис бўлиб, компетенциясини ривожлантиради. “Мусиқа таълими” соҳасида кадрлар тайёрлаётган Республикализнинг барча Олий таълим муассасаларида бир пайтлар таянч мусиқий фанлар ҳисобланган “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа”, “Анъанавий хонандалик” фанлари якка тартибда (ҳар бир талаба билан яккана якка ҳолда), “Мусиқа назарияси” фани кичик-кичик гурухларда ўқитилган. Улар орасидан Республика ва Халқаро танлов ғолиблари чиқкан ёки ўша даврда ўқиган битирувчилар жойларда совриндор ўқувчиларни чиқишига хизмат қилган. Мухтарам Юргашимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 феврал куни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари эълон қилинди. Ана шу даватга мос, сифатли кадрлар тайёрлаш эндилиқдаги бурчимиз ҳисобланади.

Республикадаги педагогика соҳасида 5111100-Мусиқа таълим йўналиши бўйича умумтаълим мактабларида “Мусиқа маданияти” фани ўқитувчиси, қолаверса, педагогика касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат академик-лицейлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа ўқитувчиси касби берувчи кадрлар тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида тайёрлананаётган кадрлар асосан маълум чолғу ёки хонандалик бўйича ихтисослашиб, хонанда ёки бирор бир чолғу ижрочиси бўлиб этишади.

Республикада таянч олий таълим муассасаси ҳисобланган нафақат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети балки, Республикаизда педагогика соҳаси мусиқа таълим йўналишларида тайёрлаётган кадрлар яъни, бўлажак мусиқа ўқитувчиси қўйидаги **учта асосий йўналишни** мукаммал эгалласа, у тўлақонли ўқитувчилик фаолияти билан шуғуллана олади.

Биринчи йўналиш, педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишида тайёрланаётган бўлажак мусиқа фани ўқитувчиси “Мусиқа назарияси” фанини мукаммал эгаллаган бўлиши шарт. Мазкур фан ўз таркибида “Сольфеджио”, “Гармония” ва “Мусиқа асарлари таҳлили” каби фанларни қамраб олган бўлиб, бунда дастур асосида ўтилаётган машғулотларни талаба ҳар томонлама чукур билиши, ўрганиши учун машғулотларда концертмейстер (жўрнавоз) ўтилаётган материалларни мусиқий чолғу асосида изоҳлаб туради. Шунда талабаларни мазкур фанда мусиқий ифодалиликка нисбатан онгли тафаккурини тарбиялаш ва уларни идрок этиш қобилиятини ҳосил қилиш, талабаларнинг мусиқий дунёқарашини, идрокини шакллантириш ва ривожлантириш, мусиқий-эстетик дидини тўғри йўналтириш ва бойитиш, ижодий қобилиятларини ўстириш, уларни мусиқа ўқитувчиси сифатида амалий фаолиятга тайёрлашдан иборат бўлади.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиси концерместер (жўрнавоз) ёрдамида мазкур фанда мусиқий тизим, товуш, лад, тоналлик, интервал, аккорд, альтерация, хроматизм, модуляция, куй, халқ ладлари, турли хил мажор ва минор гаммалар, квarta – квинта доираси, интерваллар, аккордлар, транспозиция, тоналликлар погонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модуляция ва оғишма, мусиқа безаклари, гармониянинг асосий қонун қоидаларини, аккордлар имкониятларини, стилистик хусусиятларини билишлари, мусиқа асарларини гармоник таҳлил усуллари, мусиқа шаклининг энг муҳим асослари, мусиқий шаклининг муҳим элементлари, мусиқанинг асосий ривожлантириш принциплари, шаклининг қисмлари функцияси, баён этиш турлари ва ҳар бир шаклининг тузилиш қонун-қоидалари, гамма, интервал, аккорд, бир ва икки овозлик куйларни соф интонациялаш, мусиқий диктант ёзиш, мусиқа элементларини эшитиб аниқлаш, куйга аккомпанимент тузиш қонун-қоидалари, мажор ва минорларнинг табиий, гармоник, мелодик гаммаларини, товушдан ва тоналликда интервалларни, аккордларни ечимларини, ҳар хил товушлардан халқ мусиқа ладлари товушқаторларини, берилган тоналликда интерваллар ва аккордлар кетма-кетлигини, диатоник секвенцияларни, мажор ва минор хроматик гаммаларини ёзма равишида тузиш ва фортепианода чалиш, ўтилган аккордларни тўрт овозли тузилмада турли хил тоналликларда тузиш ва ечиб бериш, аккордларни қўшишда қонун-қоидага биноан амал қилиш, берилган аккордлар белгиланишларига қараб аккордлар кетма-кетлигини тузиш ва фортепианода ижро этиб бериш, мусиқий асар шаклининг қисмларни аниқлаш, унинг куй, гармония, ритмларни ўзаро алокадорлигини кўрсатиш, мусиқа шаклида ривожлантириш принципларини билиб, таҳлил қилинаётган асарда уларнинг аҳамиятини кўрсатиб, ҳар хил типдаги шаклларнинг ўзига хос хусусиятлар усулларини ажратиш, интерваллар, аккордлар, гаммалар тузиш, унча катта бўлмаган мусиқа асарларининг лади, тоналлиги, образлар характеристини аниқлаб таҳлил қилиш, берилган куй ёки басни гармониялаш, гармоник кетма-кетликларни даврия шаклида чалиб бериш, оддий шаклдаги

асарни ёки асар парчасини гармоник таҳлил қилиш, берилган мусиқий асарда шаклнинг тури, баён тури, шаклдаги йирик белгиларнинг рақамли схемаси ҳар-бир асосий қисмнинг таҳлили ва уларнинг бир-бирига умумий боғланишини таҳлил қилиши, мусиқий мавзулар таркиби, уларнинг бир хиллиги ёки қарама-қаршилиги, характеристи ва мазкур характеристерга эришиш воситаларидан фойдаланиш, сольфеджионинг назарий ва амалий аҳамияти, турли хил мажор ва минор гаммалар, кварта-квинта доираси, интерваллар, аккордлар, ҳалқ ладлари, транспозиция, тонналликлар поғонадошлиги, хроматизм, хроматик гамма, модуляция ва оғишма, куйни айрим элементлар ўзаро муносабатларини малакаларини эгаллайди.

Иккинчидан, педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишида тайёрланаётган мутахассис бирор бир чолғуда ижро этишни (нота ёзуви асосида) мукаммал эгаллаган бўлишлари шарт. У фортециано (шунингдек, ўзбек ҳалқ чолғуларидан бирини) концермейстер (жўрнавоз) ёрдамида чолғучилик сир-синоатларини мукаммал ўрганади;

Учинчидан, педагогика соҳаси мусиқа таълими йўналишида тайёрланаётган мутахассис хонанда ва дирижёр сифатида ҳам тўлик шаклланиши лозим. Бўлажак мусиқа ўқитувчисини хонанда ва дирижёр (мактаб ўқувчилари хор жамоасини ташкил этади) сифатида тўлик шаклланишида концермейстер (жўрнавоз)лар жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, талаба хонандалик, вокал, хор, дирижёрлик малакаларини эгаллашларида ўқитувчи талаба билан овозни, дирижерлик ишоралари(жест) ни ишласа, концермейстер (жўрнавоз) унга мусиқа чолғусида ўрганилаётган асарга жўрнавозлик қиласи. Одатда, бундай ҳолларда концермейстер (жўрнавоз)лар ансамбл бўлиб жўрнавозлик қилиши талаб этилади.

Шундай бир шарафли ва мураккаб ишни амалга ошириш йўлида профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда концертмейстер (жўрнавоз)лар фаолият кўрсатади. Умумтаълим мактабларида “Мусиқа маданияти” фани ўқитувчиси, педагогика касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат академик-лицейлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа ўқитувчиси, мактабгача таълим муассасаларида мусиқа тарбиячилари касбга йўналтирувчи мутахассислик фанларини мукаммал эгаллаши лозим.

Юқорида тилга олинган ушбу учта асосий жиҳатларни эгаллаган бўлажак мусиқа ўқитувчиси тўлақонли ўқитувчи бўлиб шаклланади ва у таълим муассасаларида дарс машғулотларини тўлақонли олиб бора олади. Бунда концермейстер (жўрнавоз) ўқитувчи билан бир қаторда меҳнат қиласи.

Бутун дунё мусиқа санъати таълими тизимида ўқув машғулотлари концертмейстер жўрлигига ўтилади. Ўқитувчи дастур асосида ўтилаётган ҳар қандай машғулотда ўқувчи, талаба-ёшларнинг ижро қўникмасини шакллантирса, концертмейстер ўша асарни асосан ёддан (баъзан нота ёрдамида) чалиб беради ва биргаликда мукаммал ижрога эришилади.

Концермейстер (жўрнавоз)лар меҳнат фаолияти ўқув, концерт ижрочилик, маънавий-маърифий, ижтимоий-жамоатчилик жараёнларидан иборат бўлади. Уларнинг меҳнати жуда оғир. Чунки, у ўқитувчи раҳбарлигига талабалар томонидан ўрганиладиган асарни талабалардан олдин мукаммал ўрганиши, чолғу жўрлигига куйлаш қўникмаларини шакллантирган бўлиши ёки хонандалик асосида ижро этишда оҳангни тоза, соғ пардаларни аниқ ва сўзларни равон ижро эта олиши, фортепиано (бошқа анъанавий чолғуларни чалиш)да нотага қараб бирданига чалиб кетиши учун ишдан бўш вақтларида (хатто уйда ҳам) ўз устида тинимсиз ишлаши лозим.

Үкүв жараёнида талабаларга дарс машғулотларида профессор-үқитувчини тоширигини бажариши, үқитувчи ва талабаларни доимий эшитиши ва үкүв машғулотини самарали ўтишини таъминлайди. Фортепиано чолғусида жўрнавозлик қилаётган концертмейстерларни қўл ва асаб касалликларига тез чалиниш ҳолатлари учрайди. Шу сабабли ҳам 60 ёшдан ошган концертмейстерларга фортепианода чалиш таъкиқланади.

Бундан кўриниб турибдик мусиқа ва санъат таълими йўналишларида меҳнат қилаётган концермейстер (жўрнавоз)ларнинг ойлик маошини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолни ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2002 йил 2 октябрь №12/2948-сонли “Концертмейстерларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги шартини киритиш тўғрисида”ги меъёрий ҳужжатига кўра, концертмейстер лавозимидағи мутахассис ОТМдаги асистент-ўқитувчи лавозими меҳнатига ҳақ тўлаш ойлик маоши бўйича, олий тоифали концертмейстер эса катта ўқитувчи лавозими меҳнатига ҳақ тўлаш ойлик маоши бўйича белгиланган.

Түрткінчидан. Кредит-модул тизимида құшимча фанлар блокидан фойдаланышни хали тулик үзләтирлган әмас.

4. 00 .		Қўшимча фанлар	300	5,6	124	60	64				17 6
	1	Эстрада хонанда ижрочиси									
	1	Анъанавий хонанда ижрочиси	130		50	20	30				80
	2	Академик хонандалик ижрочиси									
	2	Фольклор жамоаси хонандаси ижрочиси	66		30	20	10				36
	3	Анъанавий чолғу созандаси									
	3	Халқ чолғу созандаси	104		44	20	24				60

		ЖАМИ	4	10	240	59	82	74	23	3	25
			980	0	0	2	4	8	6	ки	80

Бешинчидан. Диплом берәётганимизда “таълим йўналиши” деб “мавхум” бўлган касб берилаяпти. Бу масалани шошилинч тарзда хал этиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мусиқий маълумотга эга бўлган кадрларни тайёрлашда концертмейстер (жўрнавоз)ларнинг фаолиятидан унумли фойдаланиш масаласи ўта муҳимдир.

биринчидан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар даврида олий таълим тизимида ўқув-услубий фаолиятни давр ва замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш, талабаларни ҳар томонлама билим, кўнишка ва малакаларини ошириш учун етарлича шартшароитлар яратиб бериш зарурияти асослаб берилди;

иккинчидан, олий таълим тизимида таълим сифатини назоратини тартибга солишига қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари асослантирилди;

учинчидан, олий таълим тизимида ўқув-услубий фаолиятни тартибга солишига қаратилган норматив - хукуқий ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги очиб берилди.

тўртингчидан, Республика педагогика соҳаси “Мусиқа таълими” йўналишида амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, олий таълим тизимида ўқув-услубий фаолиятни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммолар тахлил этилди.

бешинчидан, кредит-модул тизимида қўшимча фанлар блокини ўқитишида тўғри фойдаланган ҳолда ҳар бир талабанинг базавий ихтисосдлигидан келиб чиқсан ҳолда иккинчи ихтисосликни бериш.

олтинчидан, диплом берәётганимизда “музиқа ўқитувчиси” таълим йўналиш эмас, ихтисослик деб касб берилаяпти.

ОТМларда ўқув-услубий фаолиятни самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин.

1. Фикримизча, олий ўқув юртлари педагог-ходимларининг касб даражаси ва малакасини муттасил бевосита ва билвосита ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ муунтазам қайта тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ва хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим муассасаларида стажировкадан ўtkазишнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш мумкин бўлади.

2. Мусиқа таълими йўналишида бир профессор-ўқитувчига тўғри келадиган талабалар нисбатини мусиқа ва санъат таълим йўналишларига белгиланган меъёrlардан келиб чиқсан ҳолда белгилаш лозим.

3. Талабаларга табақалаштирилмаган бир хил 0,5 стипендия тайинлаш тизимиға ўтиш (табақалаштирилган (0,5; 0,75; 1,0) стипендия тайинлаш тизимидан воз кечиш лозим).

4. ОТМлари бакалавриатида малака амалиётларини ташкил этишда амалиёт даврида талаба бажарадиган функционал вазифаларни аниқ белгилаш, амалиёт ўтадиган обьектларда талабани қабул қилиш буйруғини чиқариш, талабалар томонидан ҳисоботлар тайёрлашни электрон шаклда ташкил этиш лозим.

5. Бакалавриат босқичида тайёрланаётган 5111100-“Мусиқа таълим” йўналиши номини 5111100-“Мусиқа таълими (Педагогик фаолият)” деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. “Чолғу ижрочилиги ва ансамбли”, “Дирижёрлик”, “Вокал ва замонавий мусиқа” ҳамда “Анъянавий ва хонандалик” фанларини якка тартибда ёки (лаборатория машғулоти сифатида кичик гурӯҳ (8-10 нафар)ларда), “Мусиқа назарияси” фанини ўқитилиши (10-12) нафар)да ўқитишини йўлга қўйиш ҳар томонлама малакали мусиқа ўқитувчиси кадрларини тайёрлашда пойдевор бўлиб хизмат қиласди.

7. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда бугунги кунда ички (жорий, оралиқ ва якуний) назоратларни ўтказиш жараёнлари барча ОТМларда лозим даражада қониқарли даражада ташкил этилмаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири талабаларни олиши лозим бўлган билим кўникма ва малакаларини аниқлаш масалалари ўз холига ташлаб қўйилганлиги.

Биринчидан, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш механизmlарини амалга оширишда педагог ходимлар, кафедра мудирлари ва факультет деканларининг функционал мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилмаган.

Иккинчидан, профессор-ўқитувчилар томонидан баҳолаш мезонларини фанларнинг ўзига хусусиятларини эътиборга тўлиқ олинмаган ҳолда ишлаб чиқилиши, яъни, баҳолашда 0,1; 0,5; 0,9; 2,5 ва ҳоказо ноаниқ рақамлар билан баҳоланиши, ҳисоблашда чалкашликларга дуч келиш, бир дарсда 25 ва ундан ортиқ бўлган талабаларни сунъий баҳолаши каби ҳолатларни бартараф этиш лозим.


8. 5111100-“Мусиқа таълими” таълим йўналишини доимий равиша мусиқий чолғулар билан таъминлаб ҳамда янгилаб бориш лозим.

2. Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш.

Мусиқа ўқитиши ва тарбиялаш методлари — ўқув-тарбиявий жараён иштирокчилари орасидаги ўзаро ҳаракатни ташкил этиб, мусиқий фаолият орқали талабада билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилиши ҳамда мусиқий-эстетик сифатлар ривожлантирилишига олиб келиши лозим. Мусиқа ўқитиши ва тарбиялаш методлари ўқув-тарбиявий жараённинг яхлит ижодий характеристини акс эттиради.

Мусиқа ўқитувчисининг синф жамоасига нисбатан муносабат услублари фанда ажратиб кўрсатилади. Ўқитувчининг барқарор-ижобий услуги ўқувчиларга нисбатан ғамхўрлик қилишда, қийинчилик пайтида ёрдам беришда, ўкув иши ва хулқ-атворда намоён бўладиган камчиликларга нисбатан ишчан позитив реакцияда, болалар билан мулоқотда ўзини хотиржам тутишда намоён бўлади. Бу гуруҳга мансуб ўқитувчи ёрқин педагогик иқтидор, болаларни ардоқлаш хусусиятлари билан намоён бўлади ва юқори педагогик самарадорликка, ижровий натижаларга эришиши мумкин.

Пассив-ижобий педагогик услугга мансуб ўқитувчи болаларга нисбатан муносабатда ноаниқ эмоционал-ижобий установка билан намоён бўлади. Бундай ўқитувчи жамоавий ижрода ҳар бир ўқувчининг ижроси сифатини таҳлил этмаслик, камчиликларни тузатишга, аъло даражада ижро этаётган ўқувчиларни рағбатлантиришга ҳаракат қилмаслик билан намоён бўлиши мумкин (расмга қаралсин).



Ўқитувчидаги болаларга нисбатан муносабатдаги бекарор услуг вазиятга боғлиқлик ва умумий ҳиссий мойиллик билан намоён бўлади. Бу гуруҳга мансуб ўқитувчилар баъзан ўзларининг кайфият ва кечинмаларига боғланиб қоладиган ҳолатлар учрайди. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида педагогик мулоқотни барқарор ижобий услугда амалга ошириш тавсия этилади.

Мусиқа тили бу ҳиссиётлар тили бўлганлиги боис, кечинма ва ҳолатларни айнан ифодалаш, ўқувчиларни мусиқа оҳангларининг сирли оламига олиб кириш, ўрганиладиган, тингланадиган ёки таҳлил этиладиган асарнинг бадиий ғоясини уларга етказиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, педагогик техника ўқитувчига ўқувчилар билан мулоқотда бўлишда тўғри муомала тарзини танлаш имконини беради. Муомала тарзи, ўқувчилар билан муносабат услуги, дикция, мимика, имо-ишорани тўғри танлаш, буларнинг барчаси педагогик техниканинг таркибига киради.

Мусиқа дарсларидаги мuloқот жараёнини қуидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

1. Мусиқий асарларни мазмун моҳиятини тушунтиришда уларда билим ва кўникмани мослашувчанлигини таъминлаш. Бунда синф жамоаси билан ижро фаолиятини амалга оширганда ўқувчилар жамоасига тез мослашиб кета олиш имконияти тушунилади. Зеро, ушбу имконият интерактив мусиқий фаолият муваффақиятини таъминловчи муҳим омилдир.

2. Мусиқа асарларини мазмун-моҳияти нуқтаи назардан ҳиссий (эмоционал) жиҳатдан муросали бўлиш. Дарс жараённида танланган мусиқа асарлари турли психологик, ҳиссий вазиятларни юзага келтириш мумкин. Баъзан кайфиятни туширадиган(салбий ҳолатлар учраганда), агар улар анча сезиларсиз бўлса, кўрмасликка олиш, агар каттароқ бўлса, босиқлик билан ушбу масалани ҳал қилиб, тезда асар мавзуси таҳлилига ўтиш талаб этилади.

3. Ҳамдардлик. Мусиқа дарсини муваффақиятли ташкил этишда ўқувчиларнинг кайфияти муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун дарсни бошлишдан олдин ва дарс жараённида ҳар бир ўқувчининг кайфиятини назорат қилиб бориш ва зарур бўлса, уларни қўллаб–куватлаш, ҳамдардлик кўрсатиш катта таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир.

4. Мусиқий асар репертуарини танлашда турли муаммоли вазиятларга дуч келиш мумкин. Чунки, асар характеристи, мазмуни, ёшта хос хусусиятлари ўқувчиларнинг ўзаро мuloқотини самарали ташкил этишда турли вазиятларга дуч келиш мумкин. Бу каби муаммоли вазиятлар учраганда, аввалам бор уни енгил ҳал қилиш йўлларини ахтариш ва энг муҳими ўқувчилар фойдасига ҳал этмоқ даркор.

5. Мuloқотда субъект-субъект усулида иш юритиши.

Таълим стандарти ва ўқитиши концепциясида миллий мусиқа намуналари умумбашарий мусиқа санъати билан биргаликда ўқувчиларда мусиқий эстетик тарбияни шакллантириш воситаси бўлиши қайд этилган.

Ёш авлодда комил инсон фазилатларини таркиб топтиришни назарда тутиб, кейинги йилларда оғзаки анъанадаги қасбий мусиқа жанрларидан намуналар танлаб, ўқувчиларни дарс ва синфдан ташқари тўгарак машғулотларида улар билан таниширишда анъанавий усувлар каторида янги ноанъанавий усувлардан фойдаланиш хам назарда тутилган. Ўтмишда асосан оғзаки усуlda ўрганилган, маданий ҳаётда кенг ўрин тутган мумтоз мусиқий меросимиз борасида қомусий олимларимиздан бири Абу Наср ал-Форобий “Кимки феълу атвори мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартиба келтирадиган, камол топмаганларни камолга етказадиган ва мувозанатда бўлганларнинг мувозанатини сақлайдиган восита сифатида мусиқа тананинг соғлиги учун фойдалидир”, деган эди.

Мусиқа таълимининг ўзига хос хусусиятлари қуидагиларда кўринади:

- мақомлар ва қасбий мусиқанинг бошқа жанрлари (мумтоз куй ва ашула, катта ашула, достон номалари)га хос назарий маълумотлар ва амалий ижро хусусиятлари билан танишиш;

- қасбий мусиқанинг етук ижрочилари ҳамда уларнинг ижро йўлларини таққослаб, таҳлил қилиш;
- хусусан мақомларнинг туркумлилиги, тузилиш хусусиятлари (чолғуда хона, бозгўй, ашулада даромад, миёнхат, дунаср, намуд, авж, фуровард ва ҳанглар)ни ижро давомида бир-биридан ажрата олишни ўрганиш;
- мақомларнинг нота ёзувларини ўзлаштириш ва нотада ўз аксини топа олмаган ижродаги нозик нуқталарини толиб, уларни жонли ижродаги ҳолатини таъминлаш;
- аудио ва видео ёзувлардаги мақом нумуналарини тинглаш;
- мақом ва бошқа қасбий мусиқа жанрларидан айрим асарларни мунтазам равишда юқорида кўрсатилган усуллар асосида ўрганиб бориш ва ўз ижросини такомиллаштиришга интилиш;
- айрим тадбир ва концертларда ижро чиқишлиарини амалга ошириш;

Республикада таянч ОТМ ҳисобланган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида мусиқа таълими бўйича 1950 йилдан буён узлуксиз таълим тизими (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ҳамда мактабдан ташқари таълим – Болалар мусиқа ва санъат мактаблари) учун мусиқа фани ўқитувчиши кадрлари тайёраниб, Республикадаги барча педагогика соҳасидаги мусиқа таълимига оид меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиши бўйича таянч база ҳисобланган. 2009 йилларга қадар университет Санъат факультетида мусиқий-назарий фанлар бўйича 5 та (“Мусиқа ўқитиш методикаси”, “Чолғу ижрочилиги”, “Дирижёрлик”, “Мусиқа назарияси”, “Вокал ижрочилиги”) кафедралари фаолият кўрсатган.

Хорижий олий таълим муассасалари Будапешт давлат университетида “Миллий мусиқа таълими” факультети (**Венгрия**), Фрайбург университети Мусиқа педагогикаси (**Германия**), Баку педагогика университетида Мусиқа факультети (**Озарбайжон**), Хельсинки университетида санъат факультети (**Финландия**), Гнесинлар номидаги Москва давлат мусиқа педагогика институти, Жанубий Қозогистон давлат педагогика институтида Санъат ва таълим факультети (**Қозогистон**)да мусиқа таълими бўйича алоҳида факультет бўлиб, уларда бир неча ихтисосликларда узлуксиз таълим учун мусиқа ўқитувчиши кадрлари тайёрланиб келинмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентиниг айнан таълим тизимини тубдан ислоҳи қилиш, Республика Иқтисодиёти эҳтиёжлари бўйича мусиқа ва санъат соҳасида кадрлар тайёрлашни тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор ижодий ишлар амалга оширилди.

Мусиқа таълимини ташкил этиш шарт-шароитлари:

Ўзбекистон Республикасида Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича харакатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берган бўлса, 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўрисида”ги ПҚ-3391-сонли қарори, 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сонли фармонига асосан Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилиши ва қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 86-сонли Баёни айнан фикримиз далилидир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги “Республика олий таълим муассасларида Санъатшунослик факультетини ташкил этиш“ бўйича 404-сонли буйруғига асосан Республигадаги 15 та ОТМсида Санъатшунослик факультети ташкил этилган бўлиб, “Вокал хонандалиги (турлари бўйича)”, “Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича) ихтисослигига кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 86-сонли Баёни, 24-банди ижросига асосан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида “Мусиқа маданияти” факультетини ташкил этиш таклифини қўллаб – қувватлаган ҳолда унинг таркибида дастлаб, 2 та (Мусиқа назарияси ва методикаси кафедраси (9 штат), Ижрочилик маҳорати ва маданияти кафедраси (9 штат) фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мусиқа таълими фаолиятини такомиллаштириш ва мусиқа таълими соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимин ривожлантириш бўйича таклифлар:

1. 5111100-Мусиқа таълими таълим йўналиши номини “5111100-Мусиқа ўқитувчиси” деб классификаторга ўзгартириш киритиш;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги “Республика олий таълим муассасларида Санъатшунослик факультетини ташкил этиш“ бўйича 404-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида университетда “Вокал хонандалиги (турлари бўйича)”, “Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича) таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
3. Республигадаги Болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун кадрлар этишмовчилигини эътиборга олиб, мусиқа ўқитувчи (соҳалари бўйича), кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
4. Бакалавриат босқичининг ўқиши муддати 3 йил бўлган кредит-модул тизимида кадрлар тайёрлашни даврида хонандалик, чолғу асбобни чалиш малакасини ҳамда мусиқа назарияси бўйича билим ва малакаларни тўла эгалай олишларини таъминлаш учун “Фортепиано ва қўшимча чолғу”,

“Вокал ва замонавий мусиқа”, “Мактаб репертуари”, “Анъанавий хонандалик” фанларини якка тартибда, “Дирижёрлик” фанини 4-6 нафардан иборат кичик гурухда, таянч мусиқий фанлар (“Чолғу ижрочилиги ва ансамбли”, “Мусиқа назарияси”, “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Хор ва хоршунослик”, “Болалар мусиқа адабиёти”, “Мусиқа ўқитиш методикаси ва мактаб репертуари”, “Мактабгача таълим муассасаларида мусиқа ўқитиш методикаси” ва бошқа мусиқий фанлар)ни амалий (лаборатория) машғулот шаклида ўқитиш;

5. Якка тартибда, кичик гурухларда, ҳамда лаборатория машғулот сифатида ўқитиладиган фанларни ўқитишда сарфланадиган маблағлар тўлов-шартнома асосида таҳсил оладиган талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини ошириш ҳисобидан қопаш;

6. Ўқув режадаги якка, лаборатория, амалий машғулотлари бор бўлган таянч мусиқий фанларни ўқитишда 100% “концертмейстер” жўрнавозлигини таъминлаш.

7. Мусиқий фанларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мослаштирилган шунингдек, мусиқий чолғу асбоблар, нота ёзувли электрон доскалар билан тўлиқ таъминланган ва жиҳозланган аудиторияларда ўқитишни ташкил этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрь “Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўtkазиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3389-сонли қарорининг 1-банди, учинчи хат бошисида “... абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилишни кириш тест синовларисиз, ижодий имтиҳонлар орқали амалга ошириш...” деб белгилаб қўйилган. Шундай экан, алоҳида иқтидор талаб этадиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, мусиқий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 июлдаги 588-сон қарори билан тасдиқланган “Алоҳида иқтидор талаб этиладиган бакалавриат таълим йўналишларига кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширишни доимий таъминлаш.

9. Мусиқа санъатини жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида “ҳаёт-мамот” масаласи эканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда умумтаълим мактабларида “Мусиқа маданияти” фанини 1-4 синфгача ҳафтасига уч соат, 5-8 синфгача ҳафтасига икки соат, 9-11-синфларда ҳафтасига бир соатдан ўқитиш ташкил этиш чораларини кўриш бўйича таклифлар киритиш;

10. Республикадаги умумтаълим мактаблари “Мусиқа маданияти” фани бўйича 2007 йилдан буён “қайта нашр” этилиб келининаётган 1-7-синф мусиқа дарсликларини мусиқа таълими соҳасида кадрлар тайёрлаётган ОТМлардан ҳамда умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчи-педагоглардан муаллифлар гурухини шакллантириш ва болаларни ёшига хос ҳамда уларни қабул қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда дарсликларни яратишни таъминлаш;

11. “Мусиқа таълимининг сифат ва самарадорлигини ошириш: муаммо ва ечимлар” мавзусида илмий-тадқиқот ишларини мунтазам ташкил этиш.

12. Мазкур таклифларни эътиборга олган ҳолда ОТМ Пў вақт меъёрларига тегишли қўшимча ўзгартиришлар киритиши.

3. “Устоз-шогирд” мактаблари.

Ўрта аср мусиқа ижроилиги маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шунда эдики, “Устоз-шогирд” мактабларининг кенг миқёсда ривожланиши бўлди. Чолғу ижроилиари нафақат бир неча турдаги мусиқа асбобларини чала олган, балки ўзлари ҳам мусиқа басталаганлар. Чолғучилар ўз даврининг етук мусиқачилари ва шоирлари ҳам бўлишган. Ўрта аср шароитида мусиқий асарлари ҳам кўпайди. Бу ерда устоз-шогирд анъаналари қарор топди ва ривожланди. Айни шу пайтда ансамбл ижроилиги такомиллашди, мусиқа санъатининг асосий кўринишлари шаклланиб чолғу асбобларининг янги намуналари кашф этилди.

Шарқ олимларининг назарий қарашлари мавжуд ижроилик санъати тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, улар ўз рисолаларида мусиқанинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳакида атрофлича маълумот берганлар.

Форобийнинг (873-950) "Катта мусиқа китоби" ("Китоб ал-музиқа ал-кабр"), Абу Али ибн Синонинг (980-1037) "Даволаш китоби" ("Китоби ушшифо") қомусидаги "Мусиқа ҳақидаги рисола", ал-Хоразмийнинг (Х аср) "Билимлар калити", Сайфуддин Урмовийнинг (1216-1294) "Олижаноблик ҳақида китоби" ёки "Шарофия китоби", Жомийнинг (1414-1492) "Мусиқа ҳақидаги рисола" китобларида мусиқа ижроилиги ва халқ чолғулари ҳақида муҳим маълумотлар баён этилган.

Сайфуддин Урмавий истеъодли уд чолғу ижроиси, хонанда, машҳур созанда сифатида танилган. У Озарбайжоннинг Урмавия шахрида туғилган. Сайфуддиннинг энг катта ютуғи лад (модиус)ларнинг мукаммал системасини ишлаб чиққанлигидадир.

Ибн Зайлийнинг (1044 йилда вафот этган) "Мусиқа ҳақидаги тўлиқ китоб"и ("Китоб ул-кабир фил-музиқий") унинг мусиқа илмидаги ягона ва бебаҳо китобидир. У янги усулни – мусиқада ладларни харфлар билан ифодалаш усулини ишлаб чиқди.

Абдуқодир Марофий (XV аср), Абдуқодир ибн-Ройибий (Марофий) Озарбайжоннинг Мароф шахрида туғилган, лекин ҳаётининг иккинчи ярми Амир Темур саройида - Самарқандда ўтган ва Ҳиротда вафот этган. "Мусиқа илмida оҳанглар тўплами" ("Жами ал-алҳан фи-илм ал-музиқий")

рисоласида мусиқа ҳақидаги таълимотни-камонча, етти торли ғижжак каби бир турдаги мусиқа чолғуси борлиги ҳақидаги маълумотлар билан бойитди.

Ал-Хусайннинг (XV аср) “Мусиқий канонлар” рисоласида асосан Ўрта Осиё ҳалқлари орасида кенг тарқалган икки торли мусиқа чолғуси-дутор ҳақида бир қатор мусиқий чолғулар хусусида жуда қимматли маълумотларни келтириб ўтган.

Кутбиддин аш-Шерозий (1236-1310) эронлик мусиқа назариётчisi сифатида танилган бўлиб, ўз рисоласида камончали танбур ҳақида гапириб, инсон овозини мусиқа асбоблари ичида энг ёқимлиси деб ҳисоблаган. XVII асрда яшаган Бухоролик мусиқашунос Дарвиш Али ўз рисоласида танбур, чанг, қонун, рубоб, қўбиз, ғижжак каби мусиқа чолғулари ҳақида батафсил маълумотлар берган.

Буюк Шарқ мутафаккирларининг мероси ҳалқ чолғуларини ўрганиш соҳасида ҳам тарихий қийматга эга. Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг машҳур асари “Китоб ал – мусиқа ал -қабир” (“Мусиқа ҳақида катта китоб”) улкан аҳамиятга эгалиги билан ҳам ажralиб туради. Ўрта аср олими ўзининг ушбу машҳур китобида икки хил мусиқа ижрочилиги: оҳангни инсон овози (қўшиқ санъати) ва чолғулар воситаларида қайта тиклашга ажратади. Форобий моҳир ижрочи сифатида мусиқа чолғуларининг жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганишга аҳамият беради ва у: “... Жангур - жадалларда, рақсларда, тўй - томошаларда, кўнгил очар базмларда ҳамда ишқ - муҳаббат қўшиқларини куйлашда чалинадиган ўзига хос чолғулар бор” деб ёзади.

Форобийнинг юқоридаги фикри чолғуларнинг нафақат сарой ахёнлари, балки шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, чорводору-дехконлар, ҳунурмандлар орасида шунингдек, мусиқа маданияти соҳасида етакчи ўрин эгаллаган.

Китобнинг иккинчи қисми бошдан-охир ўша давр мусиқа чолғуларига бағишланган. Унда лютня, танбур, най, рубоб, чанг, қонун ва бошқа мусиқа чолғулари изчил ва батафсил таҳрифланади. Форобий торли, мизробли лютняни ўша даврда энг кенг тарқалган чолғу ҳисоблаган. Лютня ўзига хос мизроб (чертма) воситасида чалинган, дастасида эса лигатура (лад)лар жойлашган. IX-X асрларда лютня арабча уд номини олади. Бу чолғу қўпгина Шарқ мамлакатларида, Кавказ орти ҳалқлари орасида ҳозирги қунгача сақланиб келмоқда. Замонавий уд намуналари ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясининг миллий чолғу лабораторияси музейида сақланиб келинмоқда.

“Мусиқа ҳақидаги катта китоб”да Форобий яна бир чолғу асбоби-танбурни ҳам таҳрифлайди. Олимнинг фикрича, танбур (дилни тирнаш) удга энг яқин турдаги чолғулардан бири деб ҳисоблайди.

Устоз-шргирд анъаналарини ривожлантириш масаласига мустақиллик йилларида янада қўпроқ эътибор қаратилди. Бугунги кунда Ўзбекисонда мақомотнинг уч тури – Бухоро мақомлари, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига доир ижрочилик **анъаналарининг** ҳаёти. Академик Ю.Ражабий номидаги Мақом ансамбли фаолияти. Ансамбл

репертуарида Шашмақом ва Фарғона-Тошкент мақом йўллари асосий ўрин тутиши ҳамда улар ижросида Ю.Ражабий ва Ф.Содиковларнинг бадиий **анъаналари** ижодий давом эттирилаётгани. Хоразм мақомларига хос кўхна бадиий **анъаналар** Хоразм вилоятининг Ҳожихон Болтаев номидаги мақом ансамбли томонидан қайта тикланганлиги. Шунингдек, Фарғона-Тошкент мақом ижро йўлларига доир **анъаналар** «Тавойис», «Анор», «Сарвигул», «Мерос» каби ансамбллар фаолиятида давом эттирилаётганлиги. Мақом ижро чиларининг Республика танловларининг аҳамияти.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг емирилиши ҳамда Бухоро Халқ Совет республикаси (1920 й.), Хоразм Халқ Совет Республикаси (1920 й.), улар негизида Узбекистон Совет Социалистик Республикаси (1924 й.), сунгра Тожикистон Совет Социалистик Республикаси (1929 й.)нинг таркиб топиши минтакада янги турмуш тарзи, урф-одатлар, жумладан мусикий удумларнинг жорий этилишида бурилиш нуктасини белгилайди. Айнан шу вактда асрлар қаҳридан келаётган класик мусика анъаналарида узгача карашлар содир була бошлади. Янги сиёсий булинишлар натижасида маком санъатининг қадимий учоклари булмиш Бухоро, Хоразм, Фарғона ва Тошкент Узбекистон адудига кирганлиги муносабати билан Бухоро, Хоразм ва Фарғона-Тошкент услублари умумлаштирилиб, муштарак анъана сифатида курила бошланди. Шунинг учун А.Фитратнинг 1927 йилда ЧОП этилган китоби "Узбек класик мусикаси ва унинг тарихи" деб номланиши ҳам бежиз эмас. Узбекистоннинг маркази дастлаб Самарканд булди. Пойтахтга хос бўлган барча маданий муассасалар ҳам шу шакарда жойлашди: марказий концерт, театр ташкилотлари, республика радиоси ва ўкув муассасалари. Санъат соҳасидаги биринчи ва илмий даргоҳ, - Мусика ва хореография институти ҳам 1928 йилда Самарканда очилди. Бу институтда укув ва илмий-тадқикот ишлари баробарига олиб борилди. Укув дастурлари анъанавий ҳамда европа йуналишларида амалга оширилган. Миллий мусикадан таълим беришда тарихий шаклланган учала маком мактаби ҳам назарда туғилган. Фарғона йулидан Абдуқодир Исмоилов, Хоразм услубидан Матюсуф Харратов, Бухоро Шашмакомидан Домла Халим Ибодов, Абдураҳмон Умаров каби етук устозлар даре бериш учун жалб этилган. Европа мусика саводидан Н.Н.Миронов ўқитган. Айни чокда у институт директори лавозимида бўлиб, ўзбек ва тожик мусиқасига оид илмий изланишлар ҳам олиб борган (109). Узбекистон пойтахти Тошкентга кучирилиши муносабати билан мазкур институт 1932 йилдан илмий тадқикотлар маркази сифатида шу ерда фаолият курсатди. Тез орада бу шахар бутун Марказий Осиёning йирик маъмурий ва маданий бўйоғига айланса бошлади. Айни пайтда 30-йиллар машҳум социалистик маданий курилишнинг фаол босқичига ўтилганлиги билан белгиланади. Бутун расмий сиёсат янги театр ва концерт хаётини жорий этиш ҳамда миллий анъаналар асосида европача маданиятни ўзлаштиришга қаратилган эди. Ушбу интилишлар байробги остида анъанавий мусика, макомлар ўтмиш

сарқити сифатида қурила бошланди. Қадимий мусиқий анъаналар турли важлар билан аста-секин четга чиқарилишига қарамасдан, унинг иштирокисиз янги мураккаб жараёнларнинг ривожланишини тасаввур килиш қийин эди, албатта. Мусиқа маданияти қурилишининг барча соҳаларида хизмат қилаётган санъаткорлар хам ана шу анъанавий мухитда тарбия топган вакиллардан иборат бўлди. Шу тўлкинда Фарғона водийси, Бухоро, Самарканд ва бошқа жойлардан етишиб чиқсан эътиборли ашулачи ва созандалар пойтахтга караб интила бошладилар. Хоразмдан Матюсуф Харротов, Мадраҳим Ёкубов, Бухородан Домла Халим, Абдураҳмон Умаров, Фарғона водийсидан Ахмаджон Умрзоков, Абдукодир Исмоилов, Журахон Султонов хамда уларга эргашган баркамол авлод ашулачи ва созандалар Тошкентда яшаб ижод этдилар. Тошкент классик мусиқанинг йирик марказларидан бирига айланди. Концерт томошалари ва радио орқали эшиттирилаётган куй хамда ашуулаларнинг аксарияти хам шу анъанавий классик мусиқа бисотидан олинди. Хуллас, кўп асрлик тарихга эга бўлган қўхна мақом санъати расман қўллаб-кувватланмаса хам, тарих сахнасида таъсирини кўрсатишни давом эттириди. 1946 йилда Тожикистон радиоси қошида Бобокул Файзуллаев раҳбарлигида “Шашмаком” ансамбли ташкил этилди. Бу ишни йўлга қўйиш ва тараққий топтиришда ўша пайтларда республика раҳбари бўлган тарихчи олим Бобожон Рофуровнинг хизматлари катта бўлди. Академик Б.Рофуров тарих ва маданий меросни ўрганиш борасида қизгин фаолият бошлаб, тожик халкининг узоқ ўтмишидан янги даврларгача бўлган тарихини акс этгирувчи тадқидот яратишга киришди. Пойтахт Душанбеда Шашмакомнинг туркум тарзидаги ижроларини йулга қўйиш билан бир қаторда, унинг янги нота матнларини яратишга хам киришилди. Бу тадбир Бобокул Файзуллаев, Шоназар Сохибов, Фазлиддин Шахобовлар томонидан амалга оширилди. Уларнинг хаммаси аслида Бухорода мактаб курган ва Шашмакомнинг туб илдизларидан баҳраманд бўлган етук созандалар эди. Бундан ташкири Ш.Сохибов ва Ф.Шахобовлар, аввало, Бухорода А.Фитрат ташкил этган Шарқ мусика мактабида, кейинчалик Москва Консерваториясининг маҳсус курслари (рабфак)да билимларини оширганлар.

Ш.Сохибов Узбекистон радиосида миллий ансамбль раҳбари, Ф.Шахобов эса Узбекистон филармонияси қошидаги қушиқ ва ракс ансамблининг бадиий раҳбари вазифаларида ишлаган. Шундай килиб, кўпчиликнинг сай-харакатлари билан Шашмақомнинг беш жилдлик тўплами яратилган. Бу китоблар 1951-1969 йиллар давомида профессор В.М.Беляев таҳрири остида Москвада чоп этилган. Б.Файзуллаев, Ш.Сохибов, Ф.Шахобовлар ўзлари биладиган куй ва ашуулаларни нотага туширганлар. Улар Шашмақомнинг мавжуд ижро вариантларини қамраб олувчи тўлиқ хамда танқидий матнларини яратишни мақсад қилмаганлар. Бошқача айтганда, бу - номлари зикр этилган уч устоз хотирасидаги “Шашмақом” эди. Шундай бўлишига қарамасдан, Б.Файзуллаев, Ш.Сохибов, Ф.Шахобов ёзувлари мухим тарихий ахамият касб этди. Бу

вокеанинг ўзи Шашмақомни миллий мерос сифатида ўрганишга қаратилган бурилишнинг бошланиши бўлди. Б.Файзуллаевдан кейин Душанбе “Шашмаком” ансамбли Ш.Соҳибов (1965-72), Алижон Солиев (1972-74), Ахмад Бобокулов (1974-84), Аслиддин Низомов (1989-90), Мастона Эргашева (1998), эндиликда эса Абдували Абдурашидов раҳбарлигида фаолият курсатмоқда.:Мазкур гурӯҳда узоқ йиллар самарали ижод қилган йирик созандва хоғизлар Нерё Аминов, Нисон Шоулов, Барно Исҳокова, Шарифжон Бобоколонов, Фарида Сайдуллаева, Боймуҳаммад Ниёзовлар Шашмақомнинг Тожикистон андозасини пайдо қилишга хисса қушдилар. Шашмақомнинг ижроларини тиклаш ва уларни нотага олиш ишлари Узбекистонда 50-йилларнинг охиридан янгидан авж ола бошлади. Авваллари мақом ижроси Тошкент радиоси қошидаги миллий ансамбль зиммасида бўлган эди. Унда классик куй ва ашуалар республиканинг турли жойларидан тўпланган атоқди устозлар, шунингдек, янги авлод хоғиз ва созандалари ижросида эфирга узатилиб турилган. Мазкур даврда мақом санъатини мунтазам ривожлантириш ва нотага олиш биринчи навбатда Юнус Ражабий номи билан боғлик. Унинг мақомшунослик фаолиятида бирбирига узвий боғланган икки йуналиш етакчи ўрин эгаллайди. Бир тарафдан Шашмақомнинг нота матнларини, иккинчи томондан, уларга мувоғик овоз ёзувларини яратиш амалга оширилди. Нота китоблари аввало “Узбек халқ мусиқаси” тўпламларида эълон қилинди. Тўпламнинг Ю.Ражабий томонидан ёзилган дастлабки беш жилди 1951-59 йилларда айнан шу ном билан чоп этилди. Улардан 1-4- китоблар умуман ўзбек халқ мусиқаси намуналари, жумладан, мақом йулларини хам ўз ичига олади. “Бухоро мақомлари” деб номланувчи 5-китоб эса тўлалигича Шашмақомга бағишлианди. 1958 йилда Узбекистон Радио ва телевидениеси давлат қўмитаси қошида Ю.Ражабий раҳбарлигида маҳсус мақом ансамбли ташкил этилди. Жамоанинг дастлабки мақсади, Олти мақом туркумини тўлалигича радионинг овоз фонди учун ёзиб олиш эди. Бу иш олдин Коғозга туширилган нота ёзувларини амалда синааб кўриш учун хам ўзига хос ижодий лаборатория вазифасини бажарди ва бир бутун илмий-амалий жараёнда матнлар ва ижро даражаси такомиллашиб борди. Натижада мақом йуллари кайтадан нотага олиниб, “Шашмаком” номи билан олти китоб холига келтирилди (180). “Шашмаком” китобларидаги матнларга мос ижролар пайдо бўлди ва улар йигирмата пластинкадан иборат аудио ёзувлар тарзида чоп этилди. Ю.Ражабий ишлари ўзининг кенг кулами туфайли Шашмақом тараққиётининг маълум даврини белгиловчи мухим тарихий хужжатга айланди (181). Ю.Ражабийдан кейин мақом ансамблига турли санъаткорлар бошчилик қилди. Дастлабки ворис - узок йиллар давомида Ю.Ражабий ёнида мусика раҳбари вазифасида турган Фахриддин Содиков бўлди. Ундан кейин ансамблни Ю.Ражабий мактабида вояга етган хоғиз Ориф Алимахсумов бошқарди. Сўнгра консерваторияда таълим олган созандаларнинг янги авлод вакиллари: Шавкат Мирзаев (Мухаммедов), Абдулоҳим Исмоилов, Исройлжон Вахобов ва яна Абдулоҳим Исмоилов

рахбарлигига Ю.Ражабий номидаги мақом ансамбли фаолият кўрсатиб келмоқда.

?

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Халқ чолғу асбобларининг такомиллашув жараёни қайси даврларни ўз ичига олади
2. Қонун мусиқа чолғуси.
3. Уд мусиқа чолғуси.
4. Танбур ва сато мусиқа чолғуси.
5. Дутор мусиқа чолғуси.
6. Най мусиқа чолғуси.
7. Фижжак мусиқа чолғуси ҳақида турли манъбаларда қандай маълумотлар берилган.
8. Қандай рубоб турлари бор
9. Рубоб мусиқа чолғусини моҳир ижрочилиари
10. Дойра мусиқа чолғуси бутун Шарқ халқларида қандай номлар билан аталади.
11. Машхур дойрачилар Уста Олим Комилов, Қаҳрамон Даҳаев, Талат Сайфиддинов

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т.1997
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.1997
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси . Т.: Шарқ 1998 й-182 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли
5. фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон овози 28.01.2010 й 1-3 бетлар.
6. Алимов Ф. Ўзбек халқ чолғу оркестри. Тошкент, «Мусиқа», 2004.
7. Дадамухамедов А. Рубоб прима дарслиги. Тошкент, 2004.
8. Эргашев F. Афғон рубоби дарслиги. Тошкент, 2004.
9. Нурматов X. Қашқар рубоби. Тошкент, 2003.
10. Тоиров М., Петросянц А. Мусиқа асбоблари - «Най». Тошкент, 2002.
11. Одилов А., Лутфуллаев А. Мусиқа асбоблари – «Чанг». Тошкент, 2002
12. Қосимов Р. Мусиқа асбоблари – «Уд». Тошкент, 2002.
13. Қосимов Р. Анъянавий танбур ижрочилиги. Тошкент, 2002.
14. Икромов И. Дойра дарслиги. Тошкент, 1997.
15. Тошмухамедов М. Фижжак дарслиги. Тошкент, 1996.

16. Петросянц А. Инструментоведение «Узбекские народные инструменты». Т., «Изд. им. Г.Гуляма». 1990.
17. Ю.Ражабий. «Ўзбек халқ мусиқаси I, II, III, IV, V». – Т., 1958.
18. Турли муаллифлар. Нота адабиётлари. 1956-2008.
19. Раззоқова М.Қ. Академик хонандалик асосларига кириш. – Тошкент: 2014, Шарқ. – Б. 200.
20. Д.Амануллаева. «Эстрада хонандалиги». Магистрлар учун дарслар (қўлёзма). – Т., 2014.
21. Д.Амануллаева. Вокализлар (қўлёзма). – Т., 2014.
22. А.Мансуров. “Мусиқа санъати (турлари бўйича)” йўналиши “Мусиқа санъатида замонавий тенденциялар” модули. Тошкент. 2016 й.

4-мавзу: Ўзбек мусиқа мероси қатламлари, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти, фольклор ва мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари.

Режа:

1. Ўзбек халқ мусиқаси
2. Оғзаки анъанадаги касбий мусиқа
- 3.Достончилик ижодиёти
- 4.Фольклор ва мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари

Таянч иборалар: қўшиқ, терма, ялла, лапар, ашула, катта ашула, достон, мақом, оғзаки анъана, қадимги мусиқа, фалсафа, куй-қўшиқ.

1. Ўзбек халқ мусиқаси

Мусиқашунос олимлар ўзбек халқ мусиқа ижоди намуналарини ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва бажараётган вазифаларига кўра қуидаги икки асосий гурухга тасниф этадилар:

- а) Ижро этилиши маълум шароит ва вазиятлар билан шартланган куй-қўшиқлар (оилавий, мавсумий, меҳнат);
- б) Исталган “вазият” ёки эркин мавзули куй – қўшиқлар (қўшиқ, терма, лапар, ялла) (2.43; 2.49; 2.51; 2.54).

Бунда биринчи гурух мазмунини меҳнат жараёнига боғлиқ айтимлар, оилавий маросим, мавсумий маросим ва меҳнат қўшиқлари ташкил этса, иккинчи гурух таркиби ўз ичига қўшиқ, терма, лапар, ялла, ашула каби айтимларни олади.

Шундай қилиб, ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти маҳсулини илмий жиҳатдан тизимлаштириш масаласида мусиқашунос олимларимиз

томонидан ишлаб чиқилган ушбу таснифот пойдевор асос сифатида эътироф этилади. Шунга мувофиқ тадқиқ қилинаётган қўшиқлар икки йирик бўлимга ажратилиб, улардан бири “маълум вазият билан шартланган қўшиқлар (ёки қисқароқ қилиб “маълум вазият айтимлари”), иккинчиси эса “турли мавзули қўшиқлар” каби ибораларда тасниф этилади.

Таснифимиздан жой олган ҳар бир айтим намунасида жамият тараққиётининг маълум босқичига хос ижтимоий ҳаёт, урф – одат, анъана, маънавий қараш ва қадриятлар ўта бадиий акс этган. Демак-ки, халқ қўшиқларида муайян муҳит инъикосини, турлича вазият ва шароитларга бевосита ёки билвосита боғлиқлигини кўрамиз. Бу каби ҳолатларни атрофлича англаш мақсадида таснифимизда қайд этилган ҳар иккала бўлимни алоҳида–алоҳида тасниф этиш мақсадга мувофиқдир. Халқ қўшиқлари кўпқатламли, пурмаъно, сержило, оҳанграбодир.

Маълум вазият айтимлари:

Оилавий маросим айтимлари - “Алла”, “Ёр-ёр”, “Ўлан”, “Келин салом”, “Тўйлар муборак”, “Бешик тўйи”, “Мучал тўйи”, “Тўйлар муборак”, “Тўйдир бугун ёр – ёр”, “Тўй бугун”, “Мучал тўйинг муборак”, “Бешик тўйинг муборат”, “Омонлик – эсонлик”, “Исириқ”, “Хуш келибсиз болажон”, “Бешик боғи”, “Элимда тўйлар бўлсин”, “Келин нидоси”, “Ўйнанг момо ўйнанг”, “Йўқлов”, “Йифи”, “Садр”, “Айрилик”, “Мотам”.

Мехнат қўшиқлари - соғим қўшиқлари (“Чирей-чирей”, “Тўрай-тўрай”, “Хўш-хўш”), “Арпа буғдой пишибди”, “Ёзи”, “Обло барака”, “Оқ шоли кўк шоли”, “Хўп майда”, “Майда – майда”, “Гуппи”, “Тоба тошим”, “Шох мойлар”, “Дон септи”, “Ҳаввор”, “Арпа буғдой пишибди-я оғажон”, “Ўроқчилар қўшиғи”, “Отбоқар қўшиғи”, “Урчуғим”, “Ошпаз қўшиғи”, “Аранжи”, “Ўрмак қурдим”, “Ўрмак”, “Кигизим”, “Темир бобом ўтови”, “Кигизим”, “Қамиш қўлим кесмасин”, “Ёрим тўни”, “Жун тароқни тарайман”, “Дўппи”, “Белбоғ”, “Тегирмон”

Мавсумий қўшиқлар - “Жарчилар қўшиғи”, “Наврўз”, “Наврўз экан”, “Хой бобо”, “Лолажон”, “Лолачага ишим бор”, “Лолай сайли”, “Сумалак”, “Ўйна лола”, “Дўст бўламиз лолача”, “Бойчечак чиқибди”, “Бойчечак”, “Турна келди”, “Муборакбод”, “Йил боши”, “Ҳамал”, “Ҳалинчак”, “Лайлак келди ёз бўлди”.

Диний айтимлар - “Рамазон” “Оллоёрхонлик”, “Яссавийхонлик”, “Фолбин айтимлари”, “Дарвешона айтими”, “Дуохонлик”. Уларни тўлиқ тасаввур этишда авваламбор илмий тасниф услублари муҳим аҳамият касб этади.

Оилавий маросим қўшиқлари кўп асрлар давомида шаклланиб, турли даврда яшаб келган маҳаллий аҳоли руҳиятидан озиқланган ҳолда бизгача этиб келган. Маҳаллий халқнинг маданий турмушида муҳим аҳамиятга эга ижтимоий ва табиий ҳодисалар ўзига хос урф ҳамда турли маросим шаклида нишонланиб келинаётганлиги мутахассислар томонидан қайд этилган (2.14; 2.38; 2.43; 2.48).

Шу ўринда энг аввало маросим атамаси ҳақида икки оғиз сўз. Мазкур атама аслида араб тилидаги “марсум” сўзидан истеъмолга кириб келган бўлиб, “чизилган”, “расм қилинган”, “одат бўлган” деган маъноларни англатади (2.66). “Маросим” сўзи, шунингдек, жамоатчилик иштирокида ўтказиладиган катта тадбир маъносини ҳам билдиради.

Маросим қўшиқларининг келиб чиқиши, маҳаллий хусусиятлари, ижро шакли, мақсади ва вазифалари алоҳида алоҳида тадбирларга боғлиқdir. Ана шундай тадбирларнинг аксарияти кўп ҳолларда оиласвий шароитда нишонланган. Шунинг учун ҳам улар “оиласвий маросим”лар деб аталади (2,14; 2,43; 2.48). Оиласвий маросимларнинг энг зарур вазифалари қаторида авлодларни миллий қадрият, анъана ва кўркам одатлар асосида тарбиялашни қайд этиш мумкин. Бу ҳол ўз навбатида, мазкур вазият қўшиқларини ижро шаклига кўра қатор тур ва туркумларга ажратишни тақозо этади. Шунга кўра инсон умри давомида унга ҳамроҳлик қилиб келувчи оиласвий маросимларни шартли равишда етти турга ажратиш мумкин. Оиласвий маросимларнинг юқори савияда ўтишида, албатта, уларда анъанавий ўрин тутган куй ва қўшиқларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Хоҳ у тўй маросими, хоҳ мотам маросими бўлсин – унда маълум кўринишлардаги оҳанг (айтим) ифода этилиши анъана тусини олган.

Алла²⁴. Янги – инсон чақалоқ туғилиши билан ислом шариатига кўра, етти кун ичида унга исм қўйилиб, қулоғига “Аzon” айтилади. Чақалоқ шу зайл ҳам мусиқий товушни илк бор эшитади. Исми билан чақирилганда (мурожаатга) имо – ҳаракатлар билан товуш тараалаётган томонга қарай бошлайди. Чилла ((кичик (йигирма) ва катта (йигирма))си кирқ кун ўтгач, у турли товушлар (гоҳида майин, гоҳида кескин)ни сеза бошлайди. Аммо, унинг табиий вақт мезонлари она сийнасидан озуқланиб, онанинг ҳис – ҳаяжон хусусиятлари болага ўта бошлайди. Бола безовталанса, албатта, она уни овитиш учун майин овозда “Алла” айтади. Баъзан, она ўзида устувор ҳис – туйғуни бостириш учун “Алла”ни куйлади. Бунда овоз юриш диапазони квarta – квинта оралиғида бўлади. Вилоятлар бўйлаб олиб борилган мусиқий фольклор экспедиция жараёнида “Алла”ларнинг турли хил ижролари қайд қилинди. Шундай қилиб аллалар оиласда чақалоқни бешик ёки беланчакда ухлатиш вазиятида айтилади. Алла айтувчи она, буви, хола, амма ёки опа алла орқали ўзининг ички ҳис туйғуларини ҳам баён қиласди, баъзан, соғинч изтиробларини ифода этади. Шу боис уларнинг аллаларини шеърий мазмунида соғинч, қўмсаш, хотирлаш каби мавзуларга ҳам ўрин берилади. Бу хусусиятлар алла айтимларининг маҳзун куй-оҳангларида ҳам ўзини намоён қиласди. Зеро бунда аёллар фольклорининг ўрни катта. Тарихий манбалардан маълумки, бу ҳудуд аёллари паранжи ўрнига чакмон ёпинган. Бу эса бола тарбиясига ижобий таъсир қўрсатиб, уни бешикка белашдан тортиб, вояга этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

²⁴ “Алла”га доир қуйидаги адабиётларга қаранг

Она мурғак чақалоққа ўзининг бор хис-туйғуларини “Алла” оҳанги орқали сингдирган. “Алла”лар боланинг руҳий юксалишига катта ёрдам берган.

АЛЛА

Ўртача

Тоқ - ка чик - дим дў - ла - на ал - ла - ё ал - ла
Кўш хўк - ки - зим жу - во - на - ё ал - ла - ё ал - ла

АЛЛА

Ўртача

Ал - ла де - сам ю - ра - гим э - зи ла - ди ал - ла
ум - рим ў - тиб бор - моқ - да - ей се - зи - ла - ди ал - ла
Ал - ла ай - тай жо - ним бо - лам ку - лоқ сол - гин ал - ла - ё
бири кун чи - қиши тор - ла - ри у - зи - ла - ди ал - ла

Шу билан бирга ўзбек фольклорида эрлар алласи ҳам учрайди. Маълумки, қадимда Ўзбекистон аҳолисининг кўчманчи тарзда яшаганлиги, уларнинг турмуш ҳаётини баъзи шароитларга мослашишига сабаб бўлган. Чунончи, аёллар бешикдаги чақалоқни эрларига қолдириб, қўшни овулга меҳмон ёки гурунг (сухбат) қилишга чиқишиган. Улар узоқ қолиши боис, бешикдаги чақалоқни овутиш учун эрлар томонидан “Эркаклар алла”си алла айтилади.

АЛЛА (эркаклар алласи)

Ўртача

Чиқ - қан жо - йим чу - йин - чи мин - ган о - тим ў - йин - чи

3

Ўзбек қи - зи ул туғ - са чи - ро - қи дўппи сў - йинчи Ал-ла - я бо - лам о - пайин

6

ус - тин га кўр па ё - па - йин бир э - нангбор дар - ба дар қай - си уй - дан то - пайин

Бешик тўйи. Азал – азалдан қуда – анда ришталари фарзанд кўриш билан мустаҳкамланган. Янги меҳмон туғилиши билан янги баҳт, янги орзу – умидлар қурилиб, элу – улус, қавму – қариндошлар ҳамжиҳатлигига кенг байрамона кайфиятда, тантана қилиниб, тўй маросими тарзида ўтказилган. Бу тантана одатда хонадон соҳибларининг ўзаро келишувларига мувофиқ чақалоқнинг кичик ёки катта чилласи чиққач ўтказилади. Бу маросим ўзининг характер хусусиятига кўра, “Бешик тўйи” маросими деб аталади. Республкамизнинг жанубий худудлари (Сурхондарё, Қашқадарё)да “Бешик тўйи маросими”ни ўтказиш ҳафтанинг чоршанба ёки жума куни танланади ва маросимнинг биринчи босқичи танланган куннинг тонг сахаридан то қуёш чиққунга қадар она боласи билан уч – тўрт ёши улуғ кишилар ҳамроҳлигига муқаддас қадам жолар (бузрук, мозор)га зиёратга олиб борилади. Мазкур ташрифнинг асл моҳияти у ерда ётган ўтмишдош ҳазрат авлиё, аллома-и фузало ҳамда “Ҳазрати Ҳизр кўрган” деб эътироф этилганларга ушбу чақалоқнинг ҳар қандай фалокат, мусибат, кулфат, офат, бемаҳал ўлимдан саклаш мақсадида “боши”ни аташdir. Иккинчи босқичда эса, хонадонга қайтилгач, чақалоқни бешикка сола туриб: “Эгаси келди! Ҳой инсу жинслар, бешикдан чиқинглар-ууув! Бу жой сизларники эмас, Балки бу жой (чақалоқнинг исмини айтиб), фалончиникидир! дея, шеърий ифода билан хурсандчиликда хайқирилади. Бешикка белаш мобайнida “Бешик тўйинг муборак”, “Хуш келибсиз болажон”, “Меҳмондирмиз”, “Бешик боғи” қўшиқлари иштирокчилар томонидан оммавий тарзда ижро этилиб, ўйин – кулги қилинган. Бу каби қўшиқларининг овоз ҳажми одатда квартал – квинта доирасида бўлади.

Мусиқий фольклор экспедицияси даврида “Бешик тўйи” маросими жараёнида ижро этиладиган, вилоятнинг бошқа худудларида кам учрайдиган “Бешик тўйинг муборак” номли қўшиқни Таллимарон жамоа хўжалигига бир гурух турли ёшдаги аёллар ижросида тингладик. Эшмирзаев Очил бобонинг неварасини бешик тўйи муносабати билан ўтказилган маросимда қишлоқ аёллари билан кўп болали, фарзандлари

халқнинг хурматига сазовор бўлган аёллар ҳам таклиф қилинди. Чақалоқни бешикка солиш жараёнида кайвони аёллар маҳаллий халқнинг урф-одатига айланиб қолган ирим-сирилар билан бир қаторда қўшиклар куйлаб ўйин-кулги қилишди. Сўнгра “Бешик тўйинг муборак” қўшиғи ижро этдилар.

БЕШИК ТЎЙИНГ МУБОРАК

Тез

Бе - шик тў - йинг му - бо - рак кут - луг ку - нинг му - бо - рак
шу - ги - на жо - ним шу жо - ним бўй - ни - да - ги мар - жо - ним
ху - до бер - са сиф - син деб тол бе - шик - ка сол - син деб

Бола бешикка солиниб белангандан кейин аёллар кичкина давра қуриб бир-бирларини ўйинга тортди. Қўшиқ асосан айтишув шаклида давом этиб, иштирокчилар нақоратга жўр бўлиб туришди. Ижро давомида дойрада усули жўр бўлди. Азалдан момолар Республикамиз худудларида ҳар хил маросимлар, байрамлар ва халқ тантаналарининг қизиқарли ўтишида асосий “файз киритувчи”лар ҳисобланганлар. Бу эса уларнинг куй-қўшикларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, “Ўйнанг, момо, ўйнанг” қўшиғи шўх ва ўйинбоб, айтишув шаклида ижро этилган. Нақоратида барча иштирокчилар жўр бўлади (Н-21).

Суннат тўйи халқ орасида “хатна тўйи”, “боланинг қўлини ҳалоллаш”, айрим худудларда “жангала тўй” каби иборалар билан юритилса-да ва у тонг сахардан жарчилар чақириғи билан бошланади. Жарчилар қадимдан от миниб, айрим жойларда тўй болани бирга олиб, ўз чақириқларида “Хў – фалончиникига суннат тўйига-ё” деб халқни “хабарлаганлар”. Айрим ҳолларда тўй эгасининг топшириғига кўра, 3–4 овоздор эркаклар танланиб, уларнинг ҳар бирига қишлоқлар бўлиб берилган. Баъзан эса, жарчига тўй болани бирга олиб юриш топширилган. Тўйга таклиф этилганлар ўз навбатида жарчиларга турли совға – саломлар улашишган. Улар тўй болани қутловчи тўёналарни тўй бошига топширганлар. Одатга кўра тўй болалар 3–12 ёшигача даврда суннат қилинган. Суннат тўйи маросими маълум белгиланган вақтда икки босқичда ўтказилган. Биринчи босқичда бахшилар эрта тонгдан давра қуриб, чорлов сифатида “Нима айтай”, “Фалончиникига тўйига келдим”, “Достоним бор мени”, “Хур Ватан сеники”, “Бу қўхна дунё”, “Мехмондирмиз” қаби насиҳатомуз термалар ижросидан сўнг, “Алпомиш” ва “Гўрўғли” туркум

достонларидан парчаларни улаб куйлашган. Шу зайлда барча ёру жўралар, қариндош – уруғ ва қўни – қўшилар иштирокида катта базм уюштирилиб, “Тўйлар муборак”, “Тўйдир бугун ёр – ёр”, “Ҳай ёр – ёр айланай”, “Яқу – яқу, яқу – я”, “Ковушим” каби ҳалқ қўшиқлари куйланган. Тўй эгасининг ниятига биноан (тўй учун йифиб қўйилган (асраган) бисотидан шароитига қараб) “Кўпкари - улоқ”, “Кураш” каби ҳам мусобақалари уюштирилган. Унда номдор чавандозлар, кураги ерга тегмаган полвонлар ўзаро куч синашиб, маҳорат кўрсатганлар. Голибларга соврин сифатида от, тuya, қўчкор қўй ва бошқа қимматбаҳо мукофотлар топширилган. Мусобақага йифилганларни хушнуд этиш учун баҳши шоирлар терма – достонларни ижро этиб турганлар.

Суннат тўйининг иккинчи босқичи ҳалқнинг дуосини олган, қўли енгил, касбдор устанинг “болани қўлинни ҳалоллаш” маросими ўтказилиши билан бошланган. Бу маросим эрта тонгдан “пешин” вақтигача мувофиқ ҳисобланиб, бола суннат қилинган. Маросим тугагач, тўй болага ота–она ва яқинларидан турли совғалар улашилган. Шу тариқа “суннат тўйи” оилвий маросим сифатида кенг жамоатчилик иштирокида нишонланган.

Мучал тўйи. Буюк аллома Абу Райхон Берунийнинг “Қонуни Масъудий” асарида мучал ҳақида шундай дейилган: “Шарқ аҳли – хитойликлар, турклар ўз йилларини 12 дан иборат давр тарзида тузадилар ва уларни ҳайвонлар номи билан атайдилар ҳамда маълум тартибда жойлаштирадилар. Ҳар бир йил маълум бир ҳайвон номи билан аталади. Инсон туғилган йили қайси вақтга тўғри келса, шу йилги ном билан мучали номланади”²⁵ Маълумки, аждодларимиз қадимдан 12 ҳайвон номи билан (сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз) аталган йиллар ҳисобини бир мучал деб, ушбу санага етган болаларга бағишлиб, мучал тўйи маросимини ўтказганлар. Мана шу йилларнинг бирида туғилган болага ўша йилнинг номи берилиб, у болага қайси мучал йилида туғилганлиги маълум қилинган. Ҳар бир мучал 12 йилда бир маротаба айланиб келади. Қадимги даврларда 13 ёшга кирган болани балоғат ёшига етган деб ҳисоблаб, катталар қаторига қўшганлар ва уларга оила қуришга рухсат этилган. Бу маросим эса ҳалқ орасида катта шодиёна, тантана ҳисобланиб, тўйдек базм сифатида нишонланган. Республикамизнинг баъзи худудларида мучал тўйи маросими икки босқичда ўтказилади. Аждодларимиз чоршанба ва жума кунларини муқаддас билганлари боис танланган кунда мучал ёшига кирган болани авлиё ва шайхларнинг мозори бузрукларига зиёрат учун олиб бориб, сўнгида Худо йўлига соғлом ҳайвон (қўй, эчки)ни қурбонлик қилишган. Ўша боланинг бошига атаб чироқлар ёқиб, азиз-авлиёларнинг руҳларига “Хатми Қуръон” тушуришган. Айрим, жумладан, Бойсун туманида “тўй бола”га миллий урф-одатлар, анъана ва қадриятларга содиқлик руҳиятини

²⁵ “Барҳаёт анъаналар” Саодатхон Йўлдошева, Тошкент 1999 йил, 4 бет.

шакллантириш учун зиёратгоҳ жойлар (мозор)га олиб бориб, ўтганлар ҳақларига Қуръон тиловат қилинганд. Бу ҳолат мучал тўйи маросимининг асосий биринчи босқичи бўлиб, унинг иккинчи босқичи оиласда ўтказилган. Мучал тўйида хонадонга яқинлар, қўни-қўшнилар ва мучал тўйи ёшига етган боланинг тенгқурлари таклиф қилинганд. Қўйлар сўйилиб турли таомлар дастурхонга тортиқ қилинганд. Таом таннавулидан сўнг маросим иштирокчилари базм сабабчисини даврага тортиб мучал ҳайвонлари номи билан боғлиқ “Мучал тўйинг муборак” номли қўшиқни ижро этган.

МУЧАЛ ТЎЙИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

Ўртача

The musical score consists of two staves of music. The first staff starts with a treble clef, a key signature of one flat, and a common time (indicated by '8'). It has lyrics: 'Му - чал тў - йинг кут - луғ бўл - син ўн уч ё - шинг кут - луғ бўл - син'. At measure 5, the time changes to 6/8, indicated by '6' over '8'. The second staff continues with lyrics: 'сич - кон - дай эп - чил бўл - гин бо - лам сич - кон - дай кўр - қоқ бўл - ма - гин.' The music features eighth and sixteenth note patterns, with some notes having stems pointing up or down.

Мучал ҳайвонларининг ижобий томони нишонланаётган тўй болага нисбат қилиб куйланса, салбий томонлари қораланиб ўтилган. Қўшиқнинг қуй оҳанги кичик тузилмадан иборат бўлиб, турли ёшдаги аёл ва эркаклар томонидан айтишув шаклида ижро этилади. Мазкур маросимда турли ҳайвонлар номидан тўйболага нисбат берилиб ҳар-хил айтимлар тўқилган. “Тўй бугун”, “Мучал тўйинг муборак”, “Омонлиқ - эсонлик”, “Исириқ”, “Қорақош”, “Ўスマларинг” кабилар шулар жумласидандир. Мазкур маросимнинг азалдан авайлаб асраб келиниши айни миллий қадриятларимизнинг боқийлигидан далолатдир. Мучал тўйи оиласи маросим турқумига хос тадбирдир.

Қиз қўриш маросими. Республикализнинг тоғли ҳудудларида қадимдан (хозирги вақтда ҳам) аҳоли кўчманчи тарзда яшаб келади. Қадимдан балоғат ёшига етган ўсмир йигитни уйлантириш учун албатта қўшни овул ва қишлоқларга келин танлаш учун овуллараро “қиз қўриш” маросимини ўтказган. “Фалончи кишининг бўйи етган қизи бор” деб эшитган момолар қизи бор уйга илгарироқ “хабарчи” юбориб, қиз қўришга борганлар. Бу ҳақда қиз (бўлғуси келин)га хабар берилмаган. Қиз меҳмон кутиш билан банд бўлишига қармай, ташриф буюрган момолар унга жуда яқиндан муносабатда бўлиб, турли уй юмушларини бажартириб синовдан ўтказганлар. Момолар бўлғуси келиндан кўнгли тўлгач, ҳар икки томон розилигидан сўнг “Оҳува” ва бошқа қўшиклар куйланниб, хурсандчилик қилинганд. Маросим қиз қўриш номи билан аталган. Ҳозирги кунда ушбу одат замонавийлашиш тусига кирган. “Оҳува” қўшиғи фақат қиз қўриш маросими мувафаққиятли якун топганда куйланади (Н-46, Н-150).

О ҳува

Халгинчак учган о ҳу-ва ар - ча - миз - да о ҳу-ва.
То қўриш гун - ча о ҳу - ва хуш денгиз - ла - р о ҳу - ва.

О ҳува

Ў-ра-ли-те-па ўй-рил-ди-ей о ҳу-вақўл - лар-тахи-на қў - ўйл-ди-ей о ҳу-ва Эт-ган э-линг
сар-кар-да-е-й о ҳу - ва дар банд га бо - риб су - ўйил ди-е-й о ҳу - ва О ҳу - ва,
о ҳу - ва о ҳу - ва - е-й дар банд га бо - риб су - ўйил - ди-е-й о - ҳу - ва.

Никоҳ тўйи қўшиқлари. Бўйи етган кизи бор ҳар бир хонадонга совчи бўлиб борувчилар албатта “Совчи қўшигини” билиши шарт бўлган. Совчи хонадонга қўшиқни айтиб кирган. Хонадон соҳиблари қариндошурӯғлари билан маслаҳатлашиб, тўйга розилик бергач “нон синдириш” маросими ўтказилган ва шу куни куёвга кунда (ғўла, дарахт танаси) ёрдириб синаб кўрилган. Мана шу жараёнда “Ўтин ёриш” қўшиғи куйланган. Унаштирувдан сўнг “Қиз кийит”, “Безак илиги”, “Куёв кийит” маросимлари ўтказилган. “Қиз кийит” маросимида шу ном билан боғлиқ қўшиқ бўлиб, куёв томон қизга “себ” (ҳар хил кийим сарполар) юборган. Бу қўшиқ янгалар томонидан ижро этилган. Улар куёв юборган сарполарни кўздан кечиргандар. “Безак илиги” маросимида ҳам шу ном билан боғлиқ қўшиқ бўлиб ўзига хос ирм-сирмлар асосида ўтказилган. Бунда қизнинг тиккан (чеварлиги) ва тўқиган (хунармандликка оид гилам, дўппи, тилла қош ва бошқа) нарсалари намойиш қилинган. “Куёв кийит” маросими ҳам ўзига хос қўринишга эга бўлиб, унда асосан куёвни кийинтириш жараёни акс этади. Куёв жўралари томонидан турли қўшиқлар ижро этилган. Никоҳ куни куёв келиннинг уйида келин билан учраштирилади. Шундан сўнг “Ойна қўрсатиш” маросими амалга оширилади. Бунда келин ва куёв биргаликда ойнага қарайди. Келин куёвнинг уйига кузатилиш жараёнида “Ўлан”

қўшиғи, куёвнинг уйида эса шўх “Ёр-ёр”лар ижро этилади (Н-6, Н-7, Н-9, Н-11, Н-22, Н-33, Н-48, Н-49).

Бу маросимда мавзуга бевосита ва билвосита боғлиқ қўшиқлар ижро этилади. Оиланинг энг катта шодиёнаси хисобланган мазкур тўй ҳар бир вилоятда ўзига хос шаклда ўтказилади. Чунончи, куёв томонидан тайинланган куёв жўралари билан оиланинг яқин қариндош – уруғларидан иборат кичик гуруҳ келинни тушириб келиш мақсадида белгиланган вақтда келиннинг уйига ташриф буюради. Манзилга етгач келин хонадонида созандалар жўрлигига “Ёр – ёр” қўшиқлари ижро этилиб ўйин кулги килинади. Мезбонлар буғдой унини куёвга ҳамроҳ бўлиб келганларнинг кафтига ирим сифатида сепади. Бу маросим тугагач, куёв жўралари ва унинг яқин қариндошлари учун маҳсус дастурхон тузалган хоналарга киритиб, уларни келин янгалари “етти товоқ”, “тўққиз товоқ”, Тошкент-Фаргона маҳаллий услубида “тўққиз тоғора”, “қирқ тоғора” деб аталган аслида етти хил, кейинчалик “аҳоли орасида ким ўзар”га берилиб турли хил таом билан меҳмон қиласди. Шу вақтда келин дугоналари уни кийинтириб, кузатишга ҳозирлайдилар. Тўйхонадан келин - куёв чиқиб кетиши арафасида “Ўлан” айтими, куёвнинг хонадонига бориб етганда “Ёр – ёр” қўшиқлари ижро этилади. Келин янги хонадонга кириб боргандан сўнг катта базм уюштирилиб, унда “Элимда тўйлар бўлсин”, “Охува”, “Ёр-ёр”, “Қиз қочди”, “Ёр жамоли”. “Ойна кўрсатиш”, “Чиройлик”, “Қизгина”, “Айрилиқ”, “Жудолик”, “Янгажон”, “Ёрим тўни”, “Кампир топайми дадажон”, “Ҳай ёр-ёр айланай”, “О зан-зан”, “Ҳо-дўрси”, “Яку – яку, яку – я”, “Келгин ёр ўйнайлик”, “Келин нидоси” ва бошқа шу каби турли қўшиқ ва айтишувлар ижро этилади. Базмнинг эртаси эрталаб куёвнинг яқин қариндошларига келинни танишириш мақсадида “Келин салом” маросимида тўй қилган хонадон соҳиби келин тушурилган куннинг эртаси ўзининг тетиклиги ва ҳали ҳам сўзи ўткирлигини, оила бошлиғи эканлигини исботлаш учун белбоғини ерга ташлаб “Ким олади-я шугинани-я” номли қўшиқни “қулли бўсин” (қуллик бўлсин)га келганларни вақтини хушлаш учун ижро этган (2,80; 6,10; 2,61). Удумга қўра кенг даврада қўшиқни ёшуқари жўр бўлиб куйлаб, аввало ёши улуғ отахонларга белбоғни олишга имкон берилган. Белбоғни олишда тиззаларни букмай тишлаб олиш шарт бўлган. Ҳозир ҳам “Ким олади-я, шугинани-я” қўшиғи ижро этилмоқда. Бу тантанадан сўнг “Келин салом” маросими аёллар томонидан Оилавий маросим туркумидаги “Никоҳ тўйи” инсон ҳётидаги энг масъулиятли ва қадрли тадбир сифатида нишонланиши ҳар бир вилоятга хос қадимий анъаналардандир.

Ўтмишда ёш қизларни фақатгина ота-оналарнинг розилиги билан турли ёшдаги ўзлари қўрмаган, билмаган эрқакларга турмушга берганлар. Узоқ юртларга келин бўлиб борган қизлар куёв уйидаги муҳит ва шароитга кўнига олмаганлар. Пировардида кўп қийинчиликлар кўришган. Бу ҳолатларни “такдири азал” деб билиб яшаганлар. Ота-онасини кўришни хоҳласалар-да, бирор, бунинг имкони бўлмаган. Мана шу ҳётий

таъсирланишларни ўзларининг қўшиқларига солганлар. Таъкидлаб ўтилганидек, ёш келинчакларнинг соғинч изтироблари туширилган айтимлар айтилган (Н-111, Н-134)

Мотам маросими. Инсон ўзи билмаган ҳолда ҳаётнинг турли аччик – чучук синовларида яхши ёмон кунларида албатта мусиқага таянади ва нажот топади. Республикаизнинг барча худудларида яшовчи элат – уруғларда марҳум вафоти кунида ёки маросимларида оғир жудоликни, куюнчаклик, ачиниш, маҳаллий аҳоли тили билан айтилганда “йиғламаганни ҳам йиғлатиш” учун маҳсус гўяндачилар таклиф қилинган. Улар турли йифи – сиғиларни мунгли, мотамомуз шаклда нидои фарёд қилиб, “Мотам”, “Йифи”, “Садр” айтимларини айтиб йиғлаганлар ва шу тариқ таъзия иштирокчиларини ҳам йиғлатганлар. Бу маросим оиласидан тумуш тарзининг белгиланмаган вақтда содир бўлувчи воқеликнинг далилидир. “Мотам”, “Йифи”, “Садр” айтимларини марҳум қазоси кунидан то бошқа маракалари ўтгунга қадар маҳсус “айтувчи” аёл ва эркаклар томонидан айтилган. Сурхондарё-Қашқадарё маҳаллий услубига хос мотам маросим айтимини мусиқашунос олимлар Фередерик Леотар ва Курбонниёз Панжиевлар томонидан 1996-2010 йилларда ташкил этилган мусиқий фольклор экспедицияси жараёнида Бойсун тумани Мунчоқ қишлоғида яшовчи Гуландон Раҳимова ижросида магнит тасмасига ёзиб олинган.

Йўқлов

Мен ў-лай жу-ма ку- ни, жа-но-зам чиқ-син чарх у-риб ме-ни боқ-қан о - на жо- ним, қол-син со- чи-ни-ю-либ

Дафн ва таъзия маросимларида чуқур изтиробий кечинмаларни тасалли сифатида ҳамдардлик рамзларини баъзан турли “марсия”ларни ижод эта оладиган малакали гўяндачилар таклиф этилади. Марҳумни дафн қилиш куни “Садр” маросими ўtkазилади. Агар марҳумнинг от улови бўлса, уни шу ҳовлида давра қурган “Садр”чилар ўртасига чиқаради. От кишинаб, ҳатто йиғлаб, маросим иштирокчиларини чуқур ўй кечинмаларга солади. Оила аъзолари аза тутиб, ҳар турли “Йифи”, “Айрилиқ” ва “Йўқлов”лар ғамгин кайфиятда айтадилар. Айрим туманларда, хусусан Музработда дафн маросимлари марҳумнинг яқинлари таклиф қилган гўяндачилар иштирокида ўtkазилади. Гўяндачилар (ўз ихтиёри билан таъзияхонага келиши удумлигидан ўша хонадонда ҳам эркак ҳам аёл гўяндачилар бўлиши мумкин) марҳумнинг жинси ва ёшига қараб, турли шеърий айтимларни йифи овоз нолишида ижро этадилар. Айтимлар асосан якка овозда навбатма – навбат узатув тарзида айтилган. Ҳар бир мисра охирида маросим қатнашчилари ўзларининг мунгли овозлари билан айтувчиларнинг дардли нолаларига ўз тасдиқловларини изҳор этиб туришлари русумга айланган.

Мавсумий қўшиқлар – воҳа мусиқа ижодиётининг салмоқли қисмини ташкил этади. Инсониятнинг кўп асрлик умри давомида йил фаслларининг тутган ўрни бениҳоят каттадир. Фольклоршунос ва мусиқашунос олимларимиз томонидан йилнинг тўрт фаслига хос маросимлар ўtkазилганлиги эътироф этилган (2.14; 2.43; 2.102). Бир вақтлар Республикаиздаги тўртта маҳаллий услубига хос тарзда анъана тарзида қиши фаслида “Гап – гаштак”, баҳор фаслида “Наврӯз”, “Шоҳмойлар”, “Суст хотин”, “Дарвеш оши”, ёз фаслида “Чой момо”, куз фаслида “”Обло барака”, “Шамол чақириш” каби мавсумий маросимлар ўtkазилган (2.43).

“Гап – гаштак” маросими айрим худудларда “гап”, “гаштак”, “гап-гаштак”, “ўтириш”, “тадбир”, “чойхона”, “сомовар” каби турли номлар билан аталиб, бунда қадимдан овулларда, уруғлар орасида эркаклар ва аёллар алоҳида - алоҳида йиғилиб, тансиқ таомлар тайёрлашган, кўнгил хушлик қилиб қўшиқ – айтимлар ижро этишган. Худудларда асосан қиши фаслида гаштак ва ўтиришлар кўплаб ўtkазилган. Айрим ҳолларда гаштак ва ўтиришларда турли битимлар, келишувлар ҳал этилган. Қиши мавсумини улуғловчи қўшиқлар асосан узоқ бўйи давом этадиган гап – гаштаклар, гурунг ва йиғинларда авж олади. Ушбу мавсумда “Қорбўрон”, “Қорхат”, “Кўк салла” ва бошқа қатор қўшиқлар ижро этилади.

Баҳор мавсумига хос қўшиқларни киритиш мумкин. Эрта баҳорда дараҳтлар ўйғониб, толлар куртак чиқарганда “Толбаргак”, дала гуллари очилганда-“Гул ўйин”, “Оқ теракми-кўқ терак” кабиларга эҳтиёж сезилади. “Бойчечак чиқибди”, “Жарчилар қўшифи”, ”Сумалак”, “Наврӯз экан”, “Хой бобо”, “Лолажон”, ”Хей лола”, “Лола сайли”, “Ўйна лола”, “Лолачада ишим бор”, “Дўст бўламиз лолача”, “Бойчечак”, “Турна келди”, “Муборакбод” “Йил боши”, “Ҳамал”, “Наврӯзи ой келип-ту” “Дарвешона”, “Кўш ҳайдаш”, “Шоҳ мойлар”, “Ҳайнинчак” ва бошқалар шулар жумласидандир. Айниқса, ёмғир ёққанда “ёмғир ёғалоқ” қўшиқлари болалар томонидан ижро этилади. “Наврӯз” – воҳада “янги кун” деб номланиб, ниҳоятда кўтаринкилик, шодиёна кун сифатида кенг нишонланади. Аждодларимиз баҳор ойи 21 марта тун ва куннинг тенглашиши ва шу кундан куннинг узайишини, дехқонларнинг дала юмушларини бошланиши, бойчечакни илк ниш уриб чиқишини, қишдан эсон – омон чиққанлиги катта байрам сифатида эрта тонгдан жарчилар (қўшифи) чақириғи билан бошланган. Баҳор фаслининг келинчаги бўлмиш “Наврӯз” байрамини нишонлаш учун асосан тоғ ён бағридаги сердаҳт ўтлоқ жойлар танланиб, эркаклар, аёллар, болалар учун алоҳида - алоҳида жойлар тайинланган. Жумладан, Балоғат ёшига етган қиз - жувонларга дараҳтзор жойлар ажратилиб, у ерда улар учун ҳалинчак (осик арғумчоқ)лар тутилган. Қизлар байрамни аъло кайфиятда ўtkазиш учун “Ҳалинчак”, “Лола сайли”, “Ўйна лола”, “Лолачага ишим бор” каби қатор мавсумий қўшиқлар, кекса бобо ва момоларни кўнглини хушнуд этиш учун “Муборакбод” қўшифи куйланган (2.80; 6.10; 2.43).

Ёз мавсумини улуғловчи қўшиқлар ҳам ўзига хослиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ёзниг иссиқ жазира маҳалла кунларидаги экинларга сув керак. Лалми майдонларга экилган экиндан кўпроқ ҳосил олиш учун ёмғир чақириш мақсадида бутун қишлоқ аҳли биргаликда “Сус-хотин”, “Талаби борон”, “Сув хотин”, “Чала хотин”, “Сўз хотин”, “Суст хотин” каби маросимлар ўтказилади (2.14; 2.15; 2.43; 2.102). Шунингдек, “Ёзи”, “Арпа буғдой пишибди”, “Чой момо”, “Лайлак келди ёз бўлди”, “Дехқон бобо” кабилар ҳам айнан ёз ойлари оммалашади.

“Суст хотин” маросими қадимда икки босқичда амалга оширилган. Жумладан, ўн-ўн беш киши кади (ичи бўш қовоқ)га сув тўлдириб уни узун ғаров билан боғлаган. Кади кўтарган кишилар сув ўтмайдиган нарсалар билан ёпиниб, ҳар бир хонадонга бориб “Суст хотин” қўшиғи (Н-75, 2.80; 6.10; 2.43)ни айтган. Қўшиқни эшитган хонадон соҳиблари бир чеълак сув сепиб, бисотидаги бор нарсалардан уларга совға-салом улашган. Айримлар қўй-эчки берган. Маросимнинг иккинчи қисми суви қуриб қолган сойларда давом эттирилган. Йиғилган хайриялардан жонли қурбонлик қилиниб, катта базм уюштирилган. Дастурхон атрофига таклиф қилинган аҳоли турли таомлар билан сийланган. Сой бўйида бир гуруҳ эркак ва аёллар оқ тошларни бир-бирига уриб, ишқаган, ундан чиққан учқун товушни ёмғир олди момақалдироқ чақмоғи рамзи деб билган. Шундан сўнг “Суст хотин” қўшигини куйлаб рақсга тушган. 1980 йилларда “Бойсун” фольклор этнографик ансамбли халқимизнинг қадимий қўшиқларини йиғиб, қайта тиклай бошлади. “Суст хотин” маросим қўшиғи ҳам аҳоли орасида сўраб-суриштирилиб қайта тикланиган “саҳнавий” қўринишда ижро этиб, ушбу жараённи қайта тиклашда ўзининг жуда катта хизматларини кўрсатди.

Куз фаслига оид қўшиқларда тўкин-сочинлик, қут-барака, хосилнинг сарҳисоби, хирмонга барака тилаш каби мавзулар асосий ўринга кўтарилади. Хосилни йиғишда “Ўрим”, охирги шолини ўриб олишда “Обло барака” маросими қўшиқлари куйланса, шолини сомонидан ажратиб олишда “Оқ шоли кўк шоли”, “Шамол чақириш” маросимига оид қўшиқлар расм бўлади. Дон сомондан ажратилаётганда “Хўп майда”, “Майда-майда” кабилар урфга айланади.

Хатак қишлоғида ҳам юқоридаги маросим ва анъаналарда бадашлар ижро этилган. Мисол учун, ёз фаслида ўтказиладиган маросимларда “Араз бадаш” чалинади. “Ангом” худди шундай маросимлар жумласига кириб, ёзда қуёш тик туриб зулга чиққанда, энг узоқ кун ва қисқа тун ҳамда ҳарорат юқори даражада кўтарилиб, сувга эҳтиёж кўпайганда - қуёшга бағишлиб ўтказилган. “Араз бадаш” мана шу “Ангом” маросимида ижро этилган. Бунда ҳам дапчилар икки гурухга бўлиниб, қарама-қарши томондан чиқиб келишган. Ёнма-ён бўлганда бир-бирларининг даппларига даппларини қаттиқ уриб, гўёки қуёш ўз жазира масини аяб сочиб - мурувват кўрсатишини истаб, ўз дапплари билан юзларини пана қилиб, яшириб ўтганлар (бу билан улар қуёшдан норозилигини, у ҳаддан ташқари қиздириб экинларга заар етказаётганлигини ифода этганлар). “Араз бадаш” ҳам икки

қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми кириш, яъни муқаддима ҳисобланади. Кириш қисми 5/8 ўлчовда икки такт ижро этилгандан сўнг куйнинг асосий қисмига ўтилади. У эса 6/8 ўлчовда давом эттирилади (Н-153, Н-154, Н-155, Н-156, Н-157).

Меҳнат қўшиқлари – меҳнат мешаққатини куй – қўшиқларига солиб куйлаш маҳаллий аҳолининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Азалдан бу халқ оғир меҳнатни енгиб ўтишда руҳий тетиклик ва қувват бағишлоғчи қўшиқлар тўқиган ва куйлаган. Халқ қўшиқчилик ижодиётида юзага келган меҳнат айтимлари мусиқашуносликда қайд этилган уч турга бўлинниш анъанасига мувоғиқ тасниф эилди (2.43):

1. Чорвадорлик қўшиқлари;
2. Дехқончилик қўшиқлари;
3. Ҳунармандлик қўшиқлари.

Чорвадорлик қўшиқлари. Маълумки, Республикализнинг кўпгина географик қиёфаси асосан баланд тоғ, қир - адир ва паст - текисликлардан иборат. Табиий иқлим шароити, муҳити аҳолининг чорвачилик билан машғул бўлишига етарлидир. Шу сабабли ҳам аҳоли чорва билан доимий шуғулланади. Бу эса ўз навбатида мазкур меҳнат тури билан боғлиқ қўшиқларнинг яратилиши ва ижро қилинишига олиб келган. Қўшиқлар бевосита меҳнат мазмун ва моҳиятини ифода этиб, шу меҳнат жараёнининг мешаққатларини енгишга хизмат қиласи. Мисол учун “Хўш-хўш”, “Тўрай-тўрай”, “Чирей-чирей” қўшиқларини фикримизнинг далили сифатида таҳлил этамиз. “Хўш – хўш” қўшиғи сигир соғиш, суғориш, уни озуқлантириш вақтида юпатиш, баъзан ёввош бўлмаган молларни овутиш учун ҳам ижро этилади. Айрим ҳудудларда соғим пайтида ўлган бузоқнинг терисига сомон тиқиб, сигирни олдига тирик бузоқ сингари қўйиб “Хўш – хўш” қўшиғи айтилади. Қўшиқ ихчам доирадаги терция оралиғида куйланади (Н-81, Н-85, Н-86, Н-89, Н-108). “Тўрай – тўрай” қўшиғи қўйларни далаларга боқиш, қўйхонага чорлаш, соғиш, қўзисини эмдиришда айтилади. Бу қўшиқ охиста хиргойи хониш қилинади (Н-108). Мисол, “Чирей – чирей” қўшиғи эчкиларни соғиш ҳамда чорлаш вақтида ижро этилсада, унинг яна бир ўзига хослиги эндиғина туғилган улоқни она эчки “олмас” бўлиб қолганда ёки она эчки қўзи ёриб, нобуд бўлганда чорвадор бошқа она эчки олдига улоқчани олиб келган ҳиссий оҳангда айтилади. Айтим таъсирида бегона она эчки улоқни ўз боласидек эмизган ҳолатлари кузатилган. Эчкилар йўқолганда эса чўпонлар томонидан тожик тилида “Бузакам” (эчкижон, эчкичам) қўшиғи хорғин кайфиятда ҳиргойи қилинади. Бу қўшиқ эчкининг дикир – дикир сакраб ўйноқилиги ва ёқимтойлигини тасвирлаш учун ижод қилинган (Н-101 2,80; 6,10). Вилоятларнинг айрим туманларида чорводарлар ҳаётидан олинган ва илҳомлантирадиган қўшиқлар ҳам мавжуд. “Отбоқар қўшиғи”, “Чўпон қўшиғи” шулар жумласидандир (Н-6.5; 6,10; 2,43). Шу ўринда чорвога ихтисослашган ҳудуд чанқовузчилари чорвага оид “Туя қайтариш”, “Чўпон куйи”, “Қўзи маъраш”, “Қўй боқиш”, “Эчки сакраш” чанқовуз куй - нағмаларни ижро

этаётганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, аёллар ижросидаги “Гупи” қўшиғининг мусиқий ритмик таъсирчанлигининг ўзига хослиги дикқатимизни тортди (Н-80). Анъанага кўра сигир сути пиширилгандан сўнг маълум ҳароратда усти ёпиб, уйитилади (ивитилади, увитилади). Қатик ҳолатига келгач, махсус халталарга солиниб, суви ажратилади ва қуюқлашгач сузмага айланади. “Сузма” маҳаллий аҳоли тилида “чакки” дейилади. Унинг ёғи махсус идиш – гуппи (1) ёрдамида ажратиб олинади. Қўшиқ мана шу жараёнда айтилади. Қўшиқнинг ритми “гуппи пишиш”- ёғни ажратиб олишда фойдаланадиган дастакнинг ҳаракат (гўё поршен ишлаш услуби) тезлигидан олинган.

Деҳқончилик меҳнати туркумига кирувчи қўшиқлар меҳнат жараёнда шаклланган айтимларнинг каттагина қисмини ташкил этади ва умумий номда “Деҳқончилик қўшиқлари” деб аталади. Бу туркум айтимлари вилоятнинг деярли барча туманларида учрайди. Ер ҳайдаш мавсуми “Шох мойлар” маросими билан бошланади. Деҳқончиликнинг ушбу маросими ниҳоятда қувноқ ва қўтариинкилик руҳда ўтказилган. Ҳозирги кунда бу маросим тўлиқ ўтказилмаса-да, миллий мусиқий қадрият сифатида айрим юрт тантаналари шарафига бағишлиланган тадбирларда “Шох мойлар” (қўшчи) қўшиғи ижро этилиб келинмоқда. Маросим баҳорги илк деҳқончилик қўш ҳайдаш жараёнига бағишилаб ўтказилган. Унда аҳоли далада тўпланиб, турли рангли либос ёки тасмали попуклар билан безатилган қўшга катта хўқизни олиб чиқиб қўшган. Ўтган йилги охирги боғлам буғдойдан ун қилиб, нон пиширган ҳамда уни иштирокчиларга улашган. Сўнгра юртнинг покиза, нуроний, доно бобо – момоларидан икки нафари ёғ солинган икки косани юртнинг нуфузли оқсоқоли қўлига тутганлар. Оқсоқол қўлини ёғга ботириб хўқиз шохини мойлаган шу жараёнда “Шох мойлар” қўшиғи айтилган (нота ёзуви), сўнгра энг кекса чол-бобо фотиҳа бериб биринчи эгатни тортишга рухсат берган. Қўшчи қўшни бошқараётib “Қўшчи қўшиғи”ни айтган (2.80; 6.10). Қўшга ёрдам бериб борувчилар қўшиқка жўр бўлган. Қўшиқ куйланиш хусусияти қўтариинки кайфият билан далда бериш майлида куйланади. Қўшиқнинг шеърий матни ва ритмик тасвирланиши қўшга қўшилган хўқизларнинг бир маромда иш ҳаракат суратини сусайтирмаслигига қаратилган (2.43). Ушбу маросим Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Навоий вилоятларида ёппасига қўш ҳайдаш ишларини бошланишини англатган. Экин ерлари шудгорлангач, “Дон септи” маросими ўтказилган. Маросим анъанасига биноан уни мўл – кўлчилик рамзи сифатида кўп фарзандли, муnis онахонлар дастлабки уруғлик буғдойни далага сепиб, оқ фотиҳа бериш билан бошлаган. Шундан сўнг маросимий “Дон септи” қўшиғи ижро этилган. Ҳосил ёз ёки илк куз фасл ойларида етилгач, “Арпа буғдой пишибди”, хирмондаги сомондан донни ажратиб олишда эса “Майда”, “Хўп майда”, баланд тоғ ён - бағридаги далалардан ғалла донини от ёки эшакка юклаб, қишлоққа олиб тушишда “Ҳаввор” каби деҳқончиликнинг

машақатли меҳнатини бадиий ифодаловчи қўшиқлар тўқилган ва ижро этилган (Н-87, Н-92, Н-93, 2.80; 6.10).

Ҳаввор

Allegro moderato

The musical score consists of two staves of music. The first staff starts with a treble clef, a key signature of two sharps, and a 2/4 time signature. The lyrics are: Кўз тег-ма-син си-ё - гинг-га ҳа-вор, ҳа-вор Тош тег-ма-син ту-ё - гинг-га. The second staff continues with the same key and time signature, with lyrics: ҳа-вор, ҳа-вор Ас-та, ас-та же-ба - ла ҳа-вор, ҳа-вор.

Ўзбек халқ мусиқа ижодиётида меҳнат маросими ва унда ижро этиладиган турли туман қўшиқлар мавжуд. Жумладан, дон етилгач, қишлоқ оқсоқоллари далага бориб, бошоқдаги донни қўли билан увалаб бошоқдаги буғдой донини еб кўрган. Таъмидан пишганлиги англангач бобо дехқон ҳақларига атаб, ҳосил майдонида жонлиғдан қурбонлик қилиб, бўлғуси ризқ – рўз неъмат учун оқ Фотиха бериб, шу зайлда “Ўроқчилар” маросими ўтказилган. Ўрим йифим – теримига киришган дехқонлар “Ўроқчилар қўшиғи”ни куйлаган. “Обло барака” маросими ҳам меҳнат маросими ҳисобланиб, бу ҳақда илмий ишнинг биринчи боб бандида таъриф келтирилган.

Ўрим жараёнида ижро этиладиган “Арпа-буғдой пишибдия оғажон” сўзлари билан бошланадиган ўроқчилар қўшиғи, асосан куз фаслида тоғда лалми ерлардан буғдойни йифим-терим вақтида ижро этилган (Н-99). Худди шундай, “Хўп майда” қўшигини Республикализнинг кўпгина ҳудудларида учратиш мумкин. Улар бир-биридан ижро услуби билан фарқ қиласада бироқ, ритм жадаллашганлиги ҳамда ўйинбоблиги билан алоҳида ажралиб турди. Қўшиқ меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлсада, халқнинг тўй маросимлари, “Наврўз” байрамлари ва турли халқ сайилларида ижро этилиб келинмоқда. Ўзининг куйчанлиги, ўйинбоблиги билан анча оммалашиб қолганлиги сабабли унинг ритмик тузилмаси аҳолининг мусиқий хотирасида ўрнашиб қолганлигини кўриш мумкин.

Ўриб олинган ғаллани янчиб донидан ажратиш учун алоҳида маросим ўтказилган. Ўрилган ғалла қуёшга ёйиб қуритилган. Сўнг хирмон этиб тайинланган жойга олиб келиб (от, эшак, ҳўккиз, сигир) ҳайвонлар томонидан “галагов” қилиб янчилган. Шу жараёни ифодаловчи “Хўп майда”, “Майда – майда” қўшиқлари куйланган (Н-87, Н-92, Н-93). Галагов Бойсун туманининг деярли ҳамма ҳудудларида ҳозир ҳам ўтказилади. Қўшиқнинг ритм ва суръати галаговга қўшилган отнинг юриш ҳаракат тезлигидан олинган. Бугунги кунда ижро этилаётган “Хўп майда” қўшиғи халқ орасида кенг оммалашган.

“Ҳаввор” қўшиғи жамоавий ижро бўлиб, тоғдан ғаллани ҳовлига ташиш юмушларида ижро этилади. Бошловчи ижрочи яккахон қўшиқнинг

биринчи мисрасини айтгач, кўпчилик жамоа усулида “ҳаввор” сўзи билан жўр бўлган. Кундалик ҳаётда куйланувчи “Чирей-Чирей”, “Турей-Турей”, “Хўш-Хўш”, “Чўпон қўшиғи”, “Отбоқар қўшиғи”ини ҳозирги кунда хам кўплаб учратиш мумкин (Н-81, Н-85, Н-86, Н-89, Н-108).

Ҳунармандлик қўшиқлари меҳнат турларининг кашф қилиниш жараёнида юзага келган. Бундай қўшиқлар ўз меҳнат тури ва иш фаолиятига кўра турли мавзуларда яратилган. Санъат даражасидаги гилам тўқиши воҳада аксарият ҳолларда аёлларнинг асосий ҳунармандлик меҳнат фаолиятларидан бири ҳисобланади. Аёллар, пахтани чигитидан ажратишида аранжи, ип қилиб йигиришда урчук, пахта ва жунни майнин холатга келтиришда суба чўп каби иш қуролларидан кенг фойдаланган. Ушбу меҳнат жараёнлари маълум вақт талаб этганлиги боис “Аранжи”, “Урчуғим”, “Ўрмак қурдим”, “Ўрмак” “Кигизим” ва бошқа шу каби турли қўшиқлар тўқилиб, ижро этилган (Н-84, Н-90, Н-97, Н-100, Н-105, 2.61). Кайвони (иш билармон, моҳир) аёллар йигирилган пахта ёки жундан хонадоннинг ўзида гилам тўқиши учун қўни – қўшнилар ёрдамида ўрмак ўрнатган (қўйган) ва тўқишини хонадон соҳибасига топширган. Ўрмак тўқишида шу меҳнат ҳақидаги қўшиқлар ижро этилган. Қора уй (капа, ўтов)лар тикилаётганда “Ўтов”, капалар ёнини тўсиш учун қамишдан ёпинчиқ тайёрланиб “Қамиш қўлимни кесмасин”, “Темир бобом ўтови”, чарчоқни бостириш учун “Аранжи”, “Ошпаз қўшиғи”, жундан кигиз тайёрланаётганда “Кигизим” қўшиқлари куйланган. Буғдойни ун қилишда “Тегирмон” “Ёрғинчок”, нон ёпишда “Тоба тошим”, “Новвойчи”, темирчилик юмушларида “Темирчи”, каштачиликда “Ёрим тўни”, “Жун тароқни тарайман”, “Дўппи”, “Белбоғ” қўшиқлари ижод қилинган ва ижро этилиб келинмоқда. Мазкур қўшиқлар эркин ихтиёрий овоз диапазонларида хиргойи қилиниб, примадан октавагача оралиқда куйланган. Уларнинг шеърий матнларида халқ оғзаки ижодидаги бармоқ вазн ўлчови утвордир. Маълумки, Республикаиз ҳудудларида машақатли меҳнатни акс эттирувчи қўшиқлар тўқилган ва куйланган. Улар меҳнатнинг машақатини ўзларининг қуй-оҳангларига солиб қўшиқ қилиб куйлаб, ўйин-кулгилари билан енгишган. Бу жараёнда ҳам чарчоқни бостириш учун “Аранжи” ва бошқа шу каби меҳнатни акс эттирувчи қўшиқлар куйланган. Шунингдек, “Урчуғим”, “Ўрмак қурдим”, “Қамиш қўлимни кесмасин”, “Кигизим” ва якуний қисм яна супориш сифатида “Темир бобом ўтови” билан тугайди. Ҳунармандлик қўшиқларидан “Ўрмак” айтими Қорасув жамоа хўжалигига яхши сақланган. Қўшиқ ижро услуги оҳиста 4/4 ўлчовида, асосан ўрмак тўқиши жараёни билан боғлиқ холатда тўқувчи томонидан куйланган.

Темур бобом ўтови




Ай – ла бўл – син ў – то – вим тўй – лар бўл – син ў – то – вим
Жонги – роқлар қуийб бер – син ке – ча – сию биз – лар – га



Мех – мондан а – йир – ма – син Те – мур бо – бом ў – то – вин
Те – мур бо – бом тўй – бер – син су – яр ў – гил қиз – лар – га.

Ўрмак қурдим



Ўр-мак қур-дим боғ-лар-га ўр-мак ет-син тоғ-лар-га ў-то-вим тез-роқ бит-син биз чо-пай-лик

ўр - моқ - ка Ки - лич қоқ - дим ўр - мак - ка Қў - шиқ ай - тиб

бер - моқ - ка ў - то - вим тез - роқ бит - син биз чо - пай - лик йиг - моқ - ка

Маълумки, аждодларимиз Соҳибқирон Амир Темир сиймосига жуда чукур ҳурмат-эҳтиром билан қараганлар ва ул зотни ўзларининг турли хил маросимлари билан боғлиқ қўшиқларида бош қаҳрамон сифатида васф қилганлар. Мехнат жараёнини ифодаловчи қўшиқларнинг ўзига хослигини Қорасув жамоа хўжалигига ташкил этилган “Бадаш” фольклор этнографик жамоаси ижросидаги “Темир бобом ўтови” қўшиғи айни аждодларимизнинг ижодий маҳсулидир. Қўшиқ меҳнат жараёнида куйланган бўлсада, бирор вақтлар ўтиши ва ижро чиларнинг ўз ички имкониятларига мослаб куйлаши қўшиқнинг куй-оҳангига ва шеърий матнига ўз таъсирини кўрсатган. Қўшиқ 7 та кичик-кичик қисмларга бўлиб куйланган. Унда асосан меҳнат иш қуроллари, халқимизнинг капа уйлари асосий обект сифатида тилга олинган. Қўшиқ аниқ ва турли ўлчовларда ижро этилган. Қўшиқнинг бошланғич биринчи қисми “Темир бобом ўтови” номи билан боғлиқ бўлиб 4/4 ўлчовда оҳиста куйланади. Бунда асосий диққат Соҳибқирон Амир Темирнинг ўтов билан боғлиқ ҳолати акс эттирилган. Қўшиқнинг иккинчи қисми “Аранжи” меҳнат қуроли номи билан боғлиқ. Аранжидан қадимда енгил саноат учун пахтани чигитидан ажратишда фойдаланилган. Аёллар

ушбу меҳнат анжомини 4–5 та ва ундан кўпроқ аранжиларни қатор қилиб пахтани чигитидан тозалашган.

Жумладан, ўрмак, кигиз тўкиш жараёнлари, чопон, қориқ тикиш ва бошқалар. Бу каби ҳунармандлик ишларини бажариш аёллардан кўп вақт талаб қиласди. Шу сабабли, ушбу меҳнат жараёнини бошлашда маълум маросим ўтказилган бўлиб, унга кайвони, иш билармон аёллар таклиф қилинган. Улар хуш кайфиятлик руҳини ифолаш учун маҳсус қўшиқларни куйлашган. Худди шундай тарздаги хониш қўшиқлардан “Ёрим тўни”, “Жун тароқни тарамайман” кабиларни аёллардан бири радиф сифатида бошлаб, айтишув-мушоира шаклида ижро этишган. Қолган иштирокчилар оҳангга қўшилиб, ўз байтларини айтган (Н-100).

Турли мавзули қўшиқлар.

Вилоят қўшиқчилик ижодиётида етакчилик қилаётган ушбу туркумнинг қўшиқ, терма, лапар, ялла каби жанрлари мавжуд. “Қўшиқ” атамаси ҳақида мусиқашунос олимлар томонидан илмий таърифлар билдирилган (2.43; 2.49; 2.54).

Қўшиқ - овоз пайчаларининг ундош маконларидан махраж (ташқари)га чиқувчи оралиқ масофасидаги уйғунликни янада ёқимли, талаффуз қоидасига монанд оҳанг юргизишини таъминлаш ва унга риоя қилиш усул - услубидир. Унда нутқ товушларининг маъно англатиш борасида бўғинларга ажralиш ва ажralishi содир этилаётган қисқа ёки чўзиқ унли товушни кейинги сўзнинг биринчи бўғин бошловчи ундошига муқобил равишда замин ҳозирлашидан талаффуз этилмиш ритмик чўзим ёки тезлик аниқланади. Қўшиқнинг матни халқ оғзаки ижодидаги бармоқ вазн асосида тўрт (баъзан уч) мисрадан таркиб топади. Ҳар бир мисра 7-11 бўғиндан иборат бўлиши мумкин. Мазкур мисранинг маъно англатган сўzlари кейинги мисрада икки баробар тақрорий вазн мувофиқлигида қофияланади. Бу каби турли қўшиқлар изоҳда кўрсатилган шакл қурилмалари асосида ифодаланади (2.38; 243). Қўшиқлар ижро шароитига кўра вақт, алоҳида расмиятчилик танламайди. Айрим қўшиқлар лирик хусусиятларга эга бўлади. Чунончи, қўшиқларнинг шеърий матни кишининг ички руҳий кечинмалари асосида қурилиб, ундаги ҳис – туйғу, лирик кайфият қўшиқнинг куй–оҳанграболигига, ташқи муҳит билан ўзаро уйғунлашишига мазмун элтувчи вазифани ўтайди. Бунда куй - оҳанг билан матн сўzlарининг ўзаро ажралмас, яхлит, бир бутун эканлиги кузатилади. Бу тур қўшиқлар табиатан авжсиз басталанган бўлиб, ҳамма учун дил исҳор этишга мослиги билан хушдилдир. Айрим қўшиқлар инсон тафаккуридаги идрок этилган воқеликларни турли кўнгил кечинмалар (тональнослар)да аниқ, ёқимли, таъсирчан, ғоявий, фалсафий мушоҳадаларга ундалтирувчи тарз ижроларида ўртacha авж диапазонида ижро этилиши кузатилади. Овоз диапазони бир октава оралиғида ва колорит (ширадорлиги) ижрочи қўшиқларни ўз ижро маҳорати, имконияти даражасида bemalol куйлаши, тингловчини ўзига тортади. Ва шу жиҳатлари билан ушбу қўшиқлар барча учун манзур бўлади. Воҳада катта – кичик авжли ашула сифат қўшиқлар

хам учраб туради. Бу каби қўшиқлар мустақиллик йилларида ижод этилиб, асосан “Ватан” мавзусида бўлади. Ватан ҳақидаги қўшиқлар туман қўшиқчилик ижодиётида муносиб ўрин тутади. Тумандга фаолият кўрсатаётган “Чўлқувар” фольклор-этнографик жамоаси репертуарида “Сурхоним” номли (Н-110, Н-116, Н-119, Н-133, Н-136, Н-143). Шундай қўшиқлардан “Оҳо чучу бака бак”, “Хуй-я, хуй-я, хуй-я, хуй”, “хуя-хуя каштала пишт”, Том устида тош отдим”, “Оҳува” ва боқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Бешқўтон жамоа хўжалигида асли Бойсунлик ўтроқ бўлиб қолган бир гурух аёллар ижросида ҳайвонлар тилидан (зарбул-масал шаклида) айтилган қўшиқни тингладик. Унинг матни қуийдаги мазмунларга етаклайди. Бойсун беклиги даврида зиқна бойларга камбағал дехқонлар ёлланиб ишлаганлар. Улар ўз хўжайинларининг зиқналигини ўзларига очик-оидин айтишдан қўрқиб, ҳайвонлар номидан улар ҳақида қўшиқ айтган (Н-95, Н-104).

Буюк Ипак Йўли бўйлаб Ўзбекистон худудидан ўтган қишлоқларда карвончилар қўшигининг турли шаклларини ҳозирги кунга қадар сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Республикализнинг Жанубий худудида яшовчи Файзиев Иброҳим томонидан айтилган “Туя қадам”²⁶ қўшиғи далил бўла олади.

Туя қадам қўшиғи

Нор ту-ям дўр-док ла-бинг сўй- лок- дир тиш - ла-ринг са-ни Ас - та ас -
-тайўл ю-риб ман- зил - га ет-каз - гин ма - ни шу-тир ба-ча-ман шу-тур ба-ча-ман
лаб-ла - рим бор-дур лаб ла- бан - ги Нор ту- ман дўр-док ла-бинг сўй- лок - дир тиш -
-ла-ринг са-ни Ас - та ас - тайўл ю-риб ман - зил- га ет - каз - гин ма - ни

²⁶ Темп жиҳатидан оғир, ашула йўлида ижро этилган қўшиқларни Бойсун аҳолиси “Туя қадам” қўшиқлар деб аташган. Кадимда карвончилар бир юртдан бошқа юртга ҳар хил юмуш билан катнаб турган. Йўлдаги кийинчиликлар, түянинг хоргин юриши уларни оғир қўшиқ куйлашга мажбур килган. Бу каби қўшиқлар оғир ритмда ижро этилиб, ўша ритм түяни босаётган қадамига мослаб олинган. Туя қадам босаётганда оҳиста, бироқ оғир қадам қўйиб, изи ерга ботади ва оёғини яна оҳиста алмаштиради. Бу ҳолат оҳисталик, оғир (секин) қадам, оёқ изини ерга ботиши ва яна оёғни оҳиста алмаштирилиш мебёр ритмик ҳолати оғир мумтоз сифат ашулаларни ижро этилишини таъминлаган. Кексайиб қолган авлод вакиллари хотирасида сақалниб қолган бу каби ашулалар ҳар хил тўй маракаларда, халқ сайлларида ва гурунгларда оғиздан оғизга ўтиб “Туя қадам” қўшиқлари деб номланиб кетилган.

Жумладан, Аҳмедова Қизларгул²⁷ ижросидаги “Дўстларим айб айламанг” қўшиғи аёлларнинг дил ёзар гурунгларида ижро этилган (Н-125). Қўшиқ овоз ишлатиш диапазони бўйича шакл жиҳатдан кенгроқ, хиссалар тартиби ва миқдори бўйича аниқ ритм ўлчови асосида ижро қилинади. “Ота-она”лар ҳақидаги маҳсус эркин мавзули қўшиқлар ҳам ўзгача мусиқий оҳвангдорликка эга (Н-126, Н-129). Уларнинг ўзига хос томони шундаки, қўшиқ матнлари нақоратлари билан ҳисобланганда 20, 30 мисрани ташкил этиб, ҳар бир мисрани лозим набзия (ритм ўлчови)га туширилиб, тактларга бўлинган. Ҳар бир даврда куй оҳанг кўчирилиши кварта, квинта ва секста оралиқларида бўлиши кўзга ташланади.

Эркин мавзули қўшиқлар кенг ўрин олган ва асосан анъанавий тусга эга бўлганларидан яна бири “Бойсун уфорисидир”дир. Бу қўшиқ қадимги аждодларимиз ижоди бўлиб, асосан Бухоро Амирлиги даврида Амир саройида ижро этилган (Н-110). Бойсун фолкъорининг ўзига хослиги – аҳолининг рақсбоб қуйлари мавжудлигидир. “Дучава”, “Мавриги” қуйлари шулар жумласидандир. “Дучава” қуви икки ёғоч бўлагини қўлга олиб, уриштириб ўйналадиган қадимий рақс. Қадимда бу қуйга икки киши қилич билан рақсга тушган. Рақсга тушиш хуқуқи фақатгина жанг майдонида ўзини кўрсатган ботирларга берилган. “Мавриги” қуви ҳам жуда тарихий бўлиб араблар Марказий Осиёни истело қилган даврда пайдо бўлган (2,80; 6,10; 2,43; 2,61). Куйдаги рақс ҳаракатларида араб рақсларига хос элементлар мавжуд. “Мавриги” арабча сўз бўлиб – дарё ортидаги ерлик рақс. “Оҳо чу-чу бака-бак”, “Хуй-я, хуй-я, хуя-хуй”, “Ҳая-ҳая киштала пишт” ва бошқа шу каби қўшиқларда қадимги Сурхондарё-Қашқадарё шевасига хос луғат атамаларини учратиш мумкин (Н-123, Н-130). Эркин мавзули “Хуй-я, хуй-я, хуя-хуй” қўшиғи, одатда оиласи маросимларда ижро этилган. “Ҳая-ҳая киштала пишт” қўшиғида қўнғирот уруғининг урғодатларини мужассам этувчи жиҳатлар намоён бўлади. Балоғат ёшига етган қизлар ҳақидаги қўшиқлар одатга қўра, тенгкур қиз-жувонлар даврасида ижро этилган. “Том устида тош отдим” қўшиғи қадимда узоқ юртларга савдогарлик ва бошқа юмушлар билан сафар қилиб, ўёқлардан қайтмаган фарзанд соғинч-изтироблар ўқинчлари ҳақида бўлиб, оналар куйлаган. Қўшиқ асосан фақатгина оиласида ёки аёллар гурунг ва гап-гаштакларида ижро этилган. Қадимдан Республикализнинг тоғли худудларида овуллараро келин танлаш “қиз кўриш” маросими ўтказилиб, унда “Оҳува” қўшиғи куйланган. “Фалончи кишининг бўйи етган қизи бор” деб эшитган момолар қизи бор уйга илгарироқ “хабарчи” юбориб, қиз кўришга борганлар. Ҳар икки томон розилигидан сўнг “Оҳува” ва бошқа қўшиқлар куйланниб, хурсандчилик қилинган.

Терма – айтимнинг ўзига хос тури бўлиб, инсон ҳаётида хотирланган ҳис – туйғуларга мойилик берувчи мавзулар билан ижод қилинган мусиқий асар. Луғавий маъноси “йиғмоқ,” танламоқ”, “сарабал обмоқ” (2.43,-47;

²⁷ Аҳмедова Қизларгул 1941 йилда Шеробод туманида туғилган. Миллати ўзбек, қатағон уруғига мансуб.

2,59), “сарабаб айтмоқ”, “териб айтмоқ”, “териб қуйламоқ” тушунчаларини англатади. Республикамиз маҳаллий қўшиқчилик ижодиётида термаларнинг икки тури учрайди. Биринчи тури шоир - бахши термаси, иккинчи тури халқ айтим термалари. Бахшичилик мактаби – ўзбек мусиқа меросининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилади (2,2; 2,43; 2,70; 2,64; 2,67). Шоир – бахшилар, овоз ва дўмбира куй – оҳангини созлаш мақсадида анъанавий достон ижросидан олдин катта - кичик ҳажмдаги мардлик, ботирлик, жасурлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонийлик ғояларни акс эттирувчи насиҳатомуз “Ботирлик майдонда синалади”, савол тариқасидаги “Нима айтай”, “Хуш кўрдик”, Ватан ҳиқида “Ватаним”, “Айланайин”, “Тупроғингни кўзга суртай” каби терма қуйлаш анъана бўлган. Йирик анъанавий “Алпомиш” достони парчаларидан олинган “Ёй – ёй” термаси Ўзбекистон худудида анъана тусига кирган катта ҳажмдаги термалардан бири ҳисобланади. Кейинги даврларда термаларнинг ўзига хос турлари ривожланмоқда. “Меҳмондирмиз” номли анъанавий терма шулар жумласидандир. Ушбу терма қўплаб шоир - бахшилар ижросида қуйлансада, бироқ, ундаги куй – оҳанг асоси (пойдевори) сақланганлиги, матн ва ижро маҳорати ҳар бир бахшининг ўзига хос услуби ва қобилиятига боғлиқлиги кузатилади. Шоир - бахшилар терма ижро этаётганда матн сўзларини моҳирлик билан топиб, даврага мослаб қуйлайди. Бу каби термаларнинг ўзига хос хусусияти айтим матнларининг кўп мисралардан иборатлиги ҳамда ижро давомида 7-11 бармоқ вазн ўлчовларида ўзгариб туришидир. Шундай термалардан “Нима айтай”, “Хуш кўрдик”, “Ватаним”, “Айланайин”, “Тупроғингни кўзга суртай”, “Ёй-ёй” алла термалари, “Меҳмондирмиз”, “Ҳур ватан сеники” ва боқаларни айтиш жоиз.

Халқ айтим термалари ҳаётий воқеликни акс эттирувчи мусиқий ижодиёт бўлиб, эркак ва аёлларнинг ўзига хос ижроси мавжуд. Айтим матн бандлари 10 ва ундан зиёд байтдан иборат бўлган термаларда бир ғоянинг бош ғоя сифатида эътироф этилиши, шу ғоя атрофида ижтимоий воқелик таърифи берилиб, тасодифий ёки термачи ўйлаган ўй - хаёл ва ички инсоний кечинмалар ифодасини енгил, ҳажвомузона тарзда сўз ўйини олиб борилади. Халқ айтим термалари мусиқа чолгуларисиз, баъзан, дойра жўрлигига, аниқ ритм ўлчови асосида, нақоратсиз, авжсиз, кварта - квинта оралиғига қуйланади. Термаларда мужассам бўлган мусиқий ижодиётнинг барча тур йўналишлари бу услубнинг нечоғлик халқчиллигини ҳамда миллий қадрият сифатида ардокланишини ёрқин ифодасидир. Термаларнинг ўзига хос яна бир кўриниши “Алла” мазмундаги терма айтимларнинг ижросидир. Бу каби “Алла” кўринишдаги терма айтимлари оиласи мазмун жиҳатидан у термадир.

Алла

Al - ла ал - ла - ё ал - ла, Ал - ла ай - тай бо - лам - га - ё ал - ла - ё ал - ла
бог - лар - да - ги ло - лам - га - ё ал - ла - ё ал - ла, Ло - ла гу - лим сўл - ма - си - но ал - ла
ё ал - ла бо - ла - жон - лар ўл - ма - си - но ал - ла - ё ал - ла,

Лапар атамаси ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган Лапар икки ёки ундан ортиқ ижрочи томонидан навбатма – навбат айтиладиган ҳаётий воқеаларни ифодаловчи кайфиятга эга бўлган рақсга тушиб ижро этиладиган айтимдир (2.43; 2,54; 2,55; 2,102). Анъанага кўра кўпроқ йигит ва қиз ижросида лапарлар тўй маросимларда, ахолининг байрам тадбирларида айтилади. Ўзбек мусиқа ижодиётида юқоридагилар билан бир қаторда “қиз ва қиз”, “чечва қиз” айтишув лапарлари учрайди. Бундай айтишувлар асосан тўй никоҳ тўй маросимларида бўйи етган қизлар ва бир уйда яшаётган қиз ва унинг чечаси билан айтишув тарзидаги лапарлар чолғулар жўрлигига куйланган. Лапарларнинг шеърий мазмунидан, уларнинг ҳазил мутойибали, пичинг аралаш севги – муҳаббат, балоғат ёшига хос енгил ҳазил аралаш савол ва жавоб хусусиятлари тилга олиниб ўтилади. Лапарнинг куй – оҳанг айтим тузилмаси масрурий кайфиятда бўлиши билан бирга, Музработ тумани худудларида эркин мавзули қўшиқлар ҳам кенг ўрин олган. Райим Бўриев жамоа хўжалигига яшовчи Сайдова Турсуной дойра бадашлари ижросидаги “Лапар” йигит-қизларнинг келин тўйларида бир-бирига ҳазил мутойиба тарзида, ўйинга тушиб куйланган. Мисол тариқасида “Киз ва қиз”, “Чечва қиз”, “Йигит ва қиз” айтиш мумкин.

Ялла - Шўрчи қўшиқчилик ижодиёт анъанасининг хослиги, термаларнинг турлича ижро этилишидир. Уларнинг айримлари тўй-томуша, ҳалқ байрам ва сайлларида (Н-112), айримлари эса никоҳ тўйларида (Н-135) куйланиб, характер мазмунига кўра лирик қўшиқ ёки айтимлар шаклида бўлади (Н-118). “Ҳай-ҳай ука, ука” ишқий (муҳаббат) мавзудаги “Ялла” айнан уфори оҳангига ижро этилган (Н-114). “Ҳай ёр-ёр айланай” номли лирик қўшиқ чегарадош туманларда бўлгани каби Шўрчи қишлоқлари тўй маросимларида аёллар ижросида куйланади (Н-47). Ҳалқ орасида фақатгина аёлларга ҳос бўлган “Дойра бадашлари” қадимий маросимлардан бири сифатида қисман сақланиб қолган. Мазкур маросим вилоятнинг Шеробод, Ангор, Музработ ва Бойсун туманларида учрайди. Бадашларни маҳаллий ахоли доирада чалинадиган усувлар, оҳанглар деб тушунади. Бизнинг диққат эътиборимизда турган дойра бадашлари мавсумий маросимларда,

тўй маросимларида, турли байрам тантаналарида ижро этилади. Бадашларнинг яна бир ўзига хос хусусияти шунда-ки, у халқимизнинг яшаш тарзи асосида юзага келган бўлиб ўзларининг турли характер хусусиятлари билан изоҳланади. Яъни, рақс ва театр санъати билан ўзаро боғлик ҳолда ривожланган. Ижрода маҳаллий дапп чолғуси ишлатилиб баъзан ангишвона, қошиқ ва сопол идишлардан жўрнавоз сифатида фойдаланилган. Мисол тариқасида “Ҳай –ҳай ука, ука”, “Ҳай ёр – ёр айланай”, “Ялло, ялло қизгина”, “Бозордан олдим” ва боқаларни тилга олиш жоиз.

Халқ ижодиётининг ноёб намуналаридан ҳисабланган “Дойра бадашлари” нинг мавжудлиги тадқиқатимиз учун янгилик бўлди. “Дойра бадашлари²⁸” маҳаллий аҳоли тилидан келиб чиқсан ҳолда ишлатилади. Қадимда ерлик аҳоли орасида фақат бадаш сўзи қўлланилган. Бадашлар дапп²⁹ чалғусида чалинадиган дойра-усулли асардир. Улар бевасита куй, оҳанг, усул билан боғлик бўлганлиги ҳамда асосан аёллар томанидан ижро этилганлиги сабабли ҳам фақатгина қиздирилмаган (ижрода енгил ҳисобланган) дапп чалғусида чалинган. Шу сабабли ҳам бадашлар деб аталган. Бироқ, XX-асрнинг иккинчи ярмидан дойра атамаси қўлланила бошлаган. Ундан олдин сўзлашувда фақат бадаш сўзи қўлланилган. Диққат-эътиборимизда турган ушбу дойра бадашлари Шеробод туманининг Хатак³⁰ қишлоғида яшовчи ўзбек миллатининг қатағон уруғига мансуб аҳоли мусиқа ижодиётида сақланиб қолган. Улар жуда қадимги аждодларимизнинг ижодий маҳсули бўлиб, тўй маросимларда, турли тантана ва анъаналарда ҳамда халқнинг тарихан қадимги байрамлари (наврӯз, ангам, меҳржон)да шунингдек, оиласи, диний байрамларда фақатгина аёллар тамонидан ижра этилган. Бадашлар халқнинг урфодатлари, анъаналари, яшаш тарзи, шароити асосида жуда қадимда юзага келган бўлиб, ўзларининг турли характер-хусусиятлари билан изоҳланади. Улар рақс ва театр санъати билан ўзаро боғлик ҳолда ривожланган. Бадашлар асосан дапп чолғусида ижро этилиб, баъзан ангишвона, қошиқ ва сопол идишлардан жўрнавоз сифатида фойдаланилган. Дойра бадашларининг 12 тури бугунги кунга қадар етиб келган. Уларнинг усул ва оҳанглари ҳар хил бўлиб, бир-биридан ритм ўлчови, оҳанг шакли, характер, мазмун ва номланиши билан фарқланади. Умуман олганда бу туркумнинг тартибланиши қуидагичадир.

1.Катта бадаш

7.Гиждала гиж бадаш

2.Кичик бадаш

8.Чилдирма бадаш

²⁸ Бадаш сўзининг лугавий маъносини “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да учратмадик, бироқ, китобнинг иккинчи томида “бад” сўзи мавжуд бўлиб “ёмон” деган маъно беради.

²⁹ Дапп, даб, дафф-сўzlари “Ўзбек тилининг изоҳли лугатида” келтирилган бўлиб, “йўқ қилиш”, “фориг қилиш”, “йўқотиш”, “ҳайдаш” маъноларни англатади. Сурхондарёда дапп чолғу маъносида ишлатилади. Дапп терминини В.Беляевнинг “Музикальные инструменты Узбекистана” (1993), Ф.М.Кароматовнинг “Уз. инс. Муз” китобларида учратиш мумкин.

³⁰ Хатакнинг асл маъноси “қат”, “тяг” сўзларидан олинган бўлиб, ерлик аҳоли қояни “қат”, қоя тагини “тяг” деб аташган. Аслида қоя тагидаги қишлоқ маъносини беради. Бу эса аста-секин “қат-тяг”, “Хат-тяг”, “Хаттаг”, “Хаттак” ва “Хатак” хролатига келган бўлиб, ушбу номлар бугунги кунда ҳам мавжуддир.

- 3.Кўришиш бадаши
- 4.Араз бадаш
- 5.Биждонба бадаш
- 6.Шамол бадаш

- 9.Ўйин бадаш
- 10.Китирка бадаш
- 11.Давра бадаш
- 12.Қасқон бадаш

ва ҳакоза Хатак қишлоғи даппчи аёлларнинг фикрига қарагандა 70 га яқин юқорида номлари санаб ўтилган бадаш турлари мавжуд бўлиб, улар турлича номланган ва ҳар хил усул - оҳангларда рақсиз, рақсли саҳналаштирилган баъзан эркин ритмларда чалинган. Ҳар бир бадашнинг бошланишида кириш ёки муқаддима қисми бўлиб, улар икки ёки тўрт тект чалингандан сўнг асосий куй оҳангига ўтилган.

Гиждала – гиж

The musical notation consists of two staves. The top staff is in 6/8 time and features a melody primarily composed of eighth notes and sixteenth-note pairs. The bottom staff is also in 6/8 time and provides harmonic support with sustained notes and eighth-note chords. The notation uses a standard musical staff with black and white note heads, and the time signature '6/8' is indicated at the beginning of each staff.

Куйнинг асосий қисми муқаддимага нисбатан мураккаб ритмларда чалинган. Бироқ, куй оҳанг ритмлари ўзгариб турган. Мисол учун, кўришиш бадашига эътибар берайлик. Кўришиш бадаши аҳолининг урф-одатлари, анъаналари, тўй маросими билан боғлиқ барча шодиёна кунларида ижро этилган. Бунда даппчи аёллар тарафма-тараф бўлиб, икки гурухга ажralган ҳолда, икки томондан бир-бирига қарама-қарши чиқиб келишади. Шундан сўнг бир-бирларининг даппларига даппларини мамнун тўқнаштириб, имо-ишоралар орқали саломлашиб яна қарама-қарши томонга ўтадилар. Қолган гурух аъзолари шу вазиятни такрорлагунга қадар икки томонга сафланишиб кўришиш бадаши оҳангини чалишни давом эттиради. Бу ҳолат ижрочиларнинг сонига қараб такрорланиши мумкин. Агар ижрочилар сони оз бўлса, бу вазият тез-тез такрорланиб турилади, агар 80-100 нафар бўлса бу ҳолат бир ёки икки маротаба бўлиши мумкин. Кўришиш бадашининг иштиракчилари сони қадимда 20 дан 100 тагача бўлган. Гуруҳларга кайвони аёллар бошчилик қилган. Улар ижро даврасини бошқаришда кўпинча бадашларнинг динамик белгиларидан фойдаланганлар. Масалан, оҳангларни паст-баланд ёки секин-аста чалиб ҳар хил имо-ишаралар билан даврадаги иштиракчиларнинг ҳаракатини, уларнинг бадаш оҳангларини тўғри, аниқ чалишларини ҳамда қадимдан бадаш ижросида анъана бўлиб қолган ушбу ҳаракатларнинг аниқ бажарилишин таъминлаган.

Катта бадаш дойра бадашлари орасида энг каттаси, мураккаби ҳамда аҳамиятлисиdir. У ҳам фақатгина халқнинг урф-одатларига боғлиқ бўлибгина қолмай, балки халқнинг тантаналарида доимо биринчилардан бўлиб ижро этилган. Катта бадаш бошқа бадашлардан оҳангдорлиги ва мазмундорлиги билан ажralиб туради. Уч қисмдан иборат катта бадашнинг ilk қисми кириш ёки муқаддима, асосий қисм ва якунловчи қисмларга бўлинади. Улар турли ўлчовларда чалинади. Асосий ритм оҳанглари кириш ва якуний қисмларга нисбатан анча мураккаб ритмлардан ташкил топган бўлиб, жуда шиддатли ижро этилган.

Энди бадашлар орасидан ўрин олган ва турли тантаналарда кўп ижро этиладиган “Биждонба” бадашига эътибар берайлик. “Биждонба бадаши” сўз бирикмасининг биринчи биждонба сўзи фарсча “башланиш, ilk”, дон – “биливчи, маъно англатувчи”, арабча “дзарб, туркий – “урмоқ”, “туртмоқ” маънолари (бош зарб)да тушунилади. Биждонбадаги “биж” бўғини дапп усулини алмашиш маъносида урилган зарб - товушидан олинган. Биж бўғини эса қиздирилмай чалинадиган даппларда тўхташ усулида урилган зарбдир.

Биждонба

Бу бадаш кўпинча тўйларда асосан келин тўйларда чалинган. У мазмунан ўйинга чарловчи характерли оҳангдир. Биждонба бадаши ҳам икки қисмдан ибарат.

Умуман бадашларнинг умумназарий масалаларини қуйидагилар асосида изоҳлаш мумкин. Жумладан, бадашларнинг ритм оҳанглари содда усуллардан бошланниб, ижро давомида тобора мураккаблашиб боради. Баъзилари оҳанг якунида аввалги бошланғич ҳолатига қайтади, айримлари эса асосий қисм билан тугалланади. Бадашлар фақатгина қиздирилмаган даппларда чалинганда ўзининг ҳақиқий оҳангдорлиги ва мазмунини очиб беради. Шу сабали ҳам улар кўп қисмли бўлиб, турли ўлчовларда ижро этилади. Уларнинг аҳамиятли томони ҳам шунда. Сурхандарёда бадашлар фақатгина аёллар томанидан чалинган. Бадашларга биргина дапп чалиб ёки рақс тушиб театрлаштирилган саҳна кўринишларни намойиш қилиш билан чегараланиб қолмасдан, халқнинг урф-адатлари анъаналарига боғлиқ воқеа ва маросимларни ҳам ўзига мужассам этган. Бадашлар даппларда

чалинганда ўзларининг ички ва ташқи хусусиятларини тўлалигича сақлаб қолади. Шу сабабли қиздирилган дойрада чалинмайди. Бадашлар ҳам ҳалқ истеъмолида ритмик жиҳатдан бўғинланган. Жумладан, Биждонба бадашининг аҳангини бўғинланиши куйидагичадир.

Бавс бам бам бавс бам биж.

Бавс бам бам бавс бам биж.

Бавс биж, бам бам биж.

Бавс биж, бам бам биж.

Бу ерда “бавс” бўғини Бухорадаги “бум”, Хоразмдаги “туп”, “бамбам” бўғини Бухорадаги “бакка”, Хоразмдаги “тоқ-тоқ” бўғинларига, “бам” бўғини Бухорадаги “бак”, Хоразмдаги “тоқ” бўғинларига, дам олиш белгиси “биж” эса “ист” бўғинига тўғри келади. Ушбу бўғинлашлар фақатгина оддий усусли бадашларга хос. Кўриниб турибдики ритмларнинг бундай бўғинланиши Сурхондарё-Қашқадарё маҳаллий мусиқа услубида ҳам жуда қадимдан мавжуд эканлигидан далолат беради. Бадаш ижросида устозшогирд анъанасининг аҳамияти катта. Жумладан, Хатак қишлоғининг ҳар икки хонадонидан биттасига албатта дапп чалғуси бўлиб, албатта, она ўз қизларига бадашларни ўргатади. Авваламбор, бу анъана хонадонда фаол олиб борилган. Дойра бадашлари 1948 йилларга қадар тўй-томушаларда ижро этилиб келинган. Ҳатто бадашларсиз ҳалқнинг байрамлари ўтмаган. Тўй ёки сайл деб эшитган ҳар бир аёл ўз дапи билан бирга борган. Бадашлар ҳозир ҳам ҳалқнинг байрамлари ва бошқа ананаларида ижро этилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида Сурхондарё мусиқа ижодиётининг тарихан бой мерасга эга эканлигидан ҳамда ушбу ваҳо бўйлаб кўпрак тадқиқот ишларини олиб боришни тақазо этади.

Даплар маҳаллий маросимларда ҳам кенг қўлланилган. Фолбинликда, мушкул-кушодларда ёки бетоб кишиларнинг касалликларини ҳар хил ирим-сиirimлар билан ҳайдашда, ундан файдаланилган. Бойсун, Панжоб, Сайроб ва бошқа тоғли ҳудудларида марҳумнинг қазоси қуни совуқ ўлимни ҳайдаш маънасида аёллар дапп чалиб, йиғлашган.

Умуман, бадашларнинг умумназарий масалаларига тўхталмақчи бўлсак, қуйидагиларни изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Яъни:

- бадашларнинг ритм оҳанглари содда усууллардан бошланиб, ижро давомида мураккаблашиб боради;
- баъзилари якунида аввалги бошланғич ҳолатига қайтса-да, айримлари асосий қисм билан тугалланади;
- куйлар фақатгина қиздирилмаган даппларда чалинганда ўзининг ҳақиқий оҳангдорлиги ва мазмунини сақлаб қолади;
- бадашлар кўп қисмли бўлиб, турли ўлчовларда ижро этилади;
- дойра бадашлари фақатгина аёллар томонидан чалинади;
- аёллар бадашларга биргина дапп чалиб ёки рақс тушиб театрлаштирилган сахна кўринишларни намойиш қилиш билан чегараланиб

қолмасдан, балки халқнинг кўп асрлик анъаналарига боғлиқ воқеа ва маросимларни ўзида мужассам эттирган;

Бадашларнинг халқ истеъмолида ритмик жиҳатдан бўғинланганлиги дойра ритмларининг Сурхондарё маҳаллий услубида ҳам жуда қадимдан мавжуд эканлигидан далолат беради (3,12).

2. Оғзаки анъанадаги қасбий мусиқа

Ашула³¹ – лирик (ишқий, дидактик ёки социал мазмунли) чўзиқ қуилни бўлиб, ўз диапазонининг кенглиги, оҳанг ривожининг батафсиллиги, синкопали ритм тузилишининг унда сероблиги билан характерланади. Бу жанрнинг поэтик тексти асосини фақат «бармоқ» вазнидаги эмас, балки профессионал шеъриятга тааллукли аруз вазнидаги шеърлар ҳам ташкил этадилар. Ашула жанрининг қуйлари шеърий текстини тўлалигича (ёки унинг бир неча бандини) қамраб олади.

Ўз ривожланган намуналарида ашула жанри оғзаки анъанадаги профессионал музикага тегишли бўлиб қолади. Худди шу соҳага мақом қисмлари тузилишига яқин бўлган ашулалардан ташқари яна бир жанр – патнис-ашула (ёки катта ашула) ҳам киради.

Катта ашула ўз куйининг жуда ҳам ривожланганлиги, диапазонининг жуда ҳам кенглиги (уч оқтавага яқин), оҳанг ривожининг кўламлигига қарамасдан куй асосининг речитативсимонлиги ҳамда метро-ритмик эркинлиги билан ажralиб туради. Ижро этилиши ҳам ўзига хос услубда бўлиб, икки ва ундан ортиқ ҳамнафас, яъни доимо бирга юришадиган мутахассис ашулачилар кичик ансамблининг маълум тартибда бирин-кетин ва биргалashiб айтишларидан иборатки, бунда халқ профеосионал ижрочилигига қабул қилинган услубдан четлашмасликка ҳаракат қилинади.

Профессионаллик (ёки қасбийлик) Ўзбекистон музика санъатида, бошқа кўпгина совет Шарқи республикалари ва ажнабий Шарқ давлатлари халқларида кузатилганидек, эрамизнинг биринчи асрларида шаклланди ва асрлар бўйлаб такомиллашиб, ижрочилик санъати соҳасида ҳамда турли жанрлардаги вокал ва чолғу музикаси асарларини яратища юксак натижаларга эришилди. Аммо ерли профессионал созандалар, ўзлари маълум даврларда айрим нота ёзувларини яратган бўлсалар-да, то бизнинг асргача нота ёзувини ижрочилик тажрибасида ишлатмаганлар³².

Ўзбек классик музикаси ёки анъанавий профессионал музикасига тегишли асарлар (жумладан мақомлар ҳам) оғиздан оғизга, устоздан шогирдга, авлоддан авлодга ўтиб келган, шунинг учун ҳам бу соҳа

³¹ Бу ерда тор, яъни жанр маъносида. Маълумки, кенг маънода ашула ибораси умуман ашулачиликни англатади.

³² Раджабов И. К истории нотной письменности на Востоке // «Общественные науки в Узбекистане», 1962, № 10, с. 32–58.

музикаларига нисбатан оғзаки анъанадаги профессионал музика иборасини ишлатмоқдамиз.

Ўзбек анъанавий профессионал ижрочилик маданиятининг жуда ҳам ривожланганлиги туфайли узок ўтмишдан бошлаб мутахассис ашулачи ва чолғучиларга нисбатан алоҳида талабчанлик кўрсатилган. Одатда таниқли, йирик устоз билан ўтказилган кўп йиллик машғулотлардан кейингина профессионал ижрочи бўла олардилар. Ўқиши, ўқитиш жараёни қуидагича ўтарди: ўз қобилияти билан маълум устоз диққатини жалб эта олган ёш ашулачи худди шу устозга шогирд тутиниб кўп йиллар давомида (одатда 7-10 йил) ижрочилик санъатини ўзлаштиради, жуда кўп асарларни (икирчикирларигача мумкин кадар аниқроқ ўрганиб) ёд олади. Қейин устозлар олдида имтиҳон топширгач, у тенг ҳукуқли ижрочи мутахассис ҳисобланishi мумкин эди.

Халқ профессионал ашулачи ва чолғучиларини тайёрлаш усуллари маълум даражада фольклор жанрарининг ҳам доимий йирик ижрочилиари (халфа, яллачи, созандалар)ни ёшлардан тайёрлашда ҳам қўлланилган.

Айрим касб эгаллари, масалан, дорвоздар ва шунга ўхшаган томошаларнинг бошқа вакиллари маълум йўналишдаги чолғучилар (асосан сурнайчи, карнайчи, ноғорачи ва доирачилар) билан биргаликда маҳсус труппалар тузганларки, уларни тажрибали музикачи бошқарган. Уларнинг ҳар бирларининг ўз қоидалари – «рисолалари» бўлган ва унинг шартларига итоат этиш ҳамма аъзолари учун шарт ҳисобланган.

Донғи кетган моҳир ашулачи ва чолғучилар, бизнинг совет давримизгача ишлатилган ўтмиш қоидаларига мувофиқ, амир саройи (ёки бошқа даражадаги ҳукмрон ўрдаси)га жалб этилганлар. Бундай ашулачи ва чолғучилар халқ оммаси олдига ўз соҳиблари рухсатисиз чиқиб бирор нарса ижро эта олмаганлар. Бу эса улар айтиб юрадиган мақом қисмлари ва ашулаларнинг мавзуи ҳамда талқинига путур етказмасдан қолмаган, албатта. Жумладан, мақом айрим қисмларининг асосий шеърлари ҳукамога манзур текстлар билан алмаштирилган. Аммо шунга қарамасдан сарой ашулачи ва чолғучилари, аслида миллий музика меросимизнинг халқ профессионал ижрочилиари орасидан чиққанликлари туфайли кўпинча оғзаки анъанадаги профессионал музика вокал ва чолғу асарларининг моҳир ижрочилиари сифатида қолаверганлар.

Имконияти борича шу зикр этилган муаммоларнинг ҳаммасини эътиборга олишга интилдик. Ушбу нашрнинг асосий вазифаси – ўзбек халқи музика меросининг жанрлар ранг-баранглигини ҳамда кўп қирралилиги, бойлигини кўрсатишдир. Бу вазифани амалга оширишда ҳали деярли нашр этилмаган охирги ўн йилликда (аниқроғи, 1955 йилдан бошлаб ҳар йили) ушбу сатрлар автори томонидан ўтказилган фольклор экспедицияларининг материаллари ҳал этувчи таянч бўлади. Юқорида номланган экспедициялар ишига ора-орада радиотехник, фотограф ва бошқа техник хизматчилардан ташқари Институтимизнинг илмий ходимлари – музикашунослар М.Аҳмедов, К.Аҳмедова ва Р.Абдуллаев, театршунослар М. Қодиров ва Т.

Турсуновлар, архитектор Х.Зоҳидов (халқ уй-жойлари қурилиши билан шуғулланган), филолог Л.Кароматова қатнашганлар. Охиригина 1950-жилингиздан бўлаларда эса Тошкент Давлат консерваторияси шарқ музикаси кафедрасининг педагоги О. Матёкубов ҳамда худди шу кафедранинг аспирант ва студентлари қатнаша бошладилар. Айрим экспедициялар иштирокчилари сифатида Ўзбекистон фанлар академиясининг А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари М. Алавия, О. Собиров ва шу институтда 50-йилларда ишлаб турган Р. Султоноваларни кўрсатиш мумкин.

Олдинги йиллар нашрларида асосан 1920–1950 йилларда ёзилган, жумладан, Санъатшунослик институтининг 30-йилларда В. Успенский ва Е. Романовскаяялар раҳбарлигига ўтказилган фольклор экспедициялари ҳамда 50-йиллар бошида К. Олимбоева-Аҳмедова, М. Аҳмедов ва бошқалар томонидан ўтказилган фольклор экспедицияларининг айрим материаллари ва асосан, Тошкентнинг ўзида ёки айрим бошқа шаҳарларда мутахассис ижро чилардан В. Успенский, Е. Романовская, Н. Миронов, М. Четвертаков, И. Акбаров, Ю. Ражабий, М. Юсупов ва бошқалар томонидан ёзиб олинган турли жанрдаги фольклор намуналари, достон қўшиқлари, ашула ва катта ашуулалар, мақом қисмлари варианatlари ва тўлалигича мақом цикллари қамраб олинганди. Шунинг билан бирга ўтган асрнинг 70-йилларида А. Эйхгорн томонидан республикамизнинг турли шаҳарларида ёзиб олинган қўшиқ-ашуулалар, чолғу куйлари ва усууллар ҳам 60-йилларда нашр этилганди. Тақдим этилаётган ушбу тўпламларда эса олдинги тасаввурни кенгайтириш мақсадида ҳали нашр этилмаган ва бугунги кунгача айтилиб келинаётган (ёки охиригина ўн йилликлар – 50–70-йилларда айтилган) ўзбек музика фольклори ва оғзаки анъанадаги профессионал музика намуналарн киритилади.

3. Достон ижрочилик мактаблари

“Достон” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “қисса”, “хикоя”, “тарих” маъноларини ифодалайди. Ўзбек бадиий адабиётида достонлар яратилиш усулига кўра икки хил бўлади. Биринчи тури ёзма адабиёт вакиллари томонидан ҳар бир банди маснавий – икки мисрадан иборат, фақат шеърий шаклда яратилади. Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг»,

Навоийнинг «Хамса» асаридаги бешта достон ва ҳоказолар. Ёзма адабиётдаги достонлар аruz вазнида ёзилади. Индивидуал ижод маҳсулни ҳисобланади. Бинобарин, ёзма адабиётдаги достонлар якка шахс ижоди анъаналари асосида вужудга келади.

Иккинчи тур достонлар оғзаки ижод маҳсулни сифатида фольклор анъаналарга бўйсунган ҳолда яратилади. Филология фанлари доктори, профессор М.Саидов таҳрифича, оғзаки ижоддаги достонларда шеърий ва насрий парчалардан иборат бадиий манба – матн бўлиши керак. Иккинчидан, достоннинг мусиқаси бўлиши лозим (Бу ўринда шуни аниқлаб олиш керакки, ҳар бир алоҳида олинган достон учун алоҳида йирик мусиқа

асари бўлиши шарт эмас). Учинчидан, достонни бир киши ижро этганлиги туфайли куйловчи дўмбира черта билиши ёки қўбиз чала билиши зарур. Тўртинчидан, достонни куйлаётган бахши яхши овозга эга бўлиши ва кўшик айтиш маҳоратини эгаллаган бўлиши зарур

Халқ оғзаки ижодидаги достон фолклоршунос олимларнинг диққатини алоҳида ўзига жалб этган, ўзбек халқ оғзаки ижоди таркибида энг кўп ўрганилган, катта мунозараларга сабаб бўлган, қолаверса, ўзбек халқ оғзаки ижоди меросини бутун дунёга маълум ва машҳур қилган жанрдир.

Достонни олимлар синкетик жанр деб биладилар. «Синкетик» сўзи юононча бирлашган; қисм, бўлакларга ажralган маъносини беради . Достон ҳақида гап боргандা, синкетик сўзи бу жанрдаги асарларда сўз, мусиқа, хонандалиқ, ҳофизлик, бадиий ўқиш, нотиқлик, актёрлик санъатларининг уйғун намоён бўлишини изоҳлади. Ҳақиқатан ҳам, Бола бахши (Курбонназар Абдуллаев), Чори бахши Хўжамбердиев, Шомурод бахши Тоғаев, Қаҳҳор бахши Қодир бахши ўғли Раҳимов ижроларини бевосита кўриш ва эшитиш жараёнида юқорида қайд этилган санъатларнинг тўлиқ гўзалликда уйғунлашувини, қўшимча равишда бу ижрочи ва ижодкорларда бадиҳа санъати маҳорати тўлиқ намоён бўлганини кўрганмиз. Устоз Муҳаммаднодир Саидовнинг юқорида қўйган тўрт талабига кўра достон ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун бахшининг бевосита тингловчилар доирасида табиий вазиятда ижро маҳоратидан баҳраманд бўлиш шартини ҳам қўшимча равишда қайд қилмоқчимиз. Бу шартнинг зарур эканлиги телевидение, радио, фонограммалар орқали достон ижроси билан танишиш натижасида аниқ сезилади. Бахши техник воситалар (камера, микрофон) гувоҳлигидан кўра бевосита тингловчилар учун табиий шароитда достон ижро этганида ўзини эркин ҳис қиласи, бадиҳагўйлик қобилиятини яхшироқ кўрсатиш имконига эга бўлади. Бахши достон куйлаётганида ўзининг ижросидан ўзи завқланадиган пайт бўлади. Тингловчилар бахши маҳоратидан баҳра олиб эҳтиросли овозлар чиқаришади. Ана шундай ҳолатда бахшининг қайнаши рўй беради. Табиий шароитда қайнаш тезроқ амалга ошади. Ундан ташқари дўмбира тўнтариш одати ҳам бор. Ижрочи бир оз дам олиш баҳонаси билан дўмбира тўнтаради ва хонадан ҳаво олиш учун ташқарига чиқади. Бу вақтда тингловчилар ўз атаган ҳадяларини тўплаб дўмбира ёнига қийиқчага солиб қўйишади. Бу одат ҳам табиий ижро пайтида осон ва қулай бажарилади. Хуллас, бахши учун ҳам, тингловчи учун ҳам оддий, самимий, табиий шароитда достон айтиш маҳкул ҳисобланади. “Достон” сўзининг яна бир маъносини ҳам билиб олиш керак. Бу – эл орасида гапирилмоқ, куйланмоқ, оғизга тушмоқ демакдир. Демак, достонларда иштирок этган қаҳрамонлар, бир томондан, асардаги образ сифатида қайд этилса, иккинчи томондан, эл оғзига тушувчи, шухрат топувчи инсон тушунчасини ҳам ўзида сингдирган бўлади. Натижада, айниқса, ижобий қаҳрамонларнинг оғизга тушиши ёки муҳаббат топиши ҳалқ педагогикаси талабларига ҳам жавоб берадиган инсон бўлиб танилиши

билин боғланади. Шундай қилиб, «Алпомиш», Гўрўғли туркумидаги «Гўрўғлининг туғилиши», «Малика Айёр», «Равшан» каби ўнлаб асрлар, «Кунтуғмиш», «Рустамхон», «Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам» кабилар халқ оғзаки ижодидаги достон жанрига мансуб намуналар бўлиб, асрлар давомида эл қалбидан самимий ҳурматга сазовор, шуҳратга эришган дурдоналардир. Достонни бахшилар куйлайдилар. Бахшилар эса ўз устозларидан маҳсус достончилик сирларини ўргангандан санъаткорлардир. Агар мақолларни, топишмоқларни миллатимизнинг истаган вакили айтиши, қўшиқларни ҳар бир ошиқ ёки маҳшуқа ижро этиши мумкин бўлса, достон ижроси алоҳида шогирдлик фаолиятини бошидан кечирган, маҳсус таълим кўрган ва муайян иқтидорга эга шахсгагина насиб қиласи.

«Бахши» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да тўрт хил маъно бериши кўрсатилган: 1 – донишманд, 2 – достонларни куйловчи, 3 – дам солиб даволовчи табиб, 4 – Бухоро хонлигида қурилиш маблағини назорат қилувчи. Юқоридаги тўрт маънодан учтаси бевосита достон айтувчи бахшиларга тегишли, десак хато бўлмайди. Чунки халқ орасида бахши бўлиш учун инсон донишманд, ақлли бўлиши керак, деган фикр қайта-қайта таҳқидланади. Иккинчидан, “бахши” луғатда изоҳ берилишича, халқ достонларини ижро этади. Учинчидан, қадим замонлардан халқ тасаввуридаги бахшилар сўзнинг мўхжизавий фазилатидан фойдаланиб кишиларни турли хасталиклардан фориғ қилувчи одамлар ҳисобланган. Ҳозир ва ўтган асрларда бахши даврасида иштирок этган одамлар достон эшитиш билан бирга дардларидан ҳам қутулганлар, турмуш ташвишларидан озод бўлганлар, ўзларини енгил сезганлар. Ўзбек фолғклоршунослиги асосчиси Ҳ.Т.Зарифовнинг маълумот берилишича, бахши мўғулча ва бурятча “бахша”, “бағша” сўзларидан олинган бўлиб, “устод”, “маҳрифатчи” маъноларида қўлланган. Маълум бўладики, бахши халқ томонидан чексиз ҳурматга эга, эҳзоз топган хунар эгалари экан. Фолғклоршуносликда бахшиларнинг турли номлар билан аталгани ҳам маълум. Хусусан, юзбоши, соқи, жиров, жирчи, оқин шулар жумласидандир. Баҳзан уста сўзи ҳам қўлланган. Бахшиларнинг устоз изидан чиқиб, ўзига хос услубда, бадиҳагўйликдан кенг фойдаланувчилари, қўпинча, шоир деб ҳам аталган. Шунингдек, Хоразмда достон айтувчи аёллар халфа номи билан машҳурлар.

Ўзбек достончилигига достон куйлаш анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Биринчидан, Булунғур, Кўрғон, Шахрисабз, Қамай, Нарпай, Шеробод, Жанубий Тожикистанда яшовчи ўзбек-лақай достончилик мактабларида дўмбира чертиб якка ҳолда, бўғиз овоз билан ижро этилган. Иккинчидан, Хоразмда тор, дутор, ғижжак, гармон, буламон, қўшнай, доира жўрлигига баҳзан якка, баҳзан жуфт ҳолда, очик овоз билан ижро этилган. Учинчидан, Фарғона водийсида дутор жўрлигига очик овозда айтилган.

Шубҳасиз, ўзбек достончилигига кенг тарқалган ижро усули дўмбира жўрлигига бўғизда достон айтиш ҳисобланади. Бахшининг бўғизда ичдан

куч билан овоз чиқариши жуда қадим замонларда шимол халқлари афсунгарлари – шаманларда мавжуд эди. Демак, ўзбек бахшиларини узок ўтмиш замонлар билан қандайдир жанр ёки санъат ижроси боғлади. Эҳтимол, кейинчалик бу ижро усули бахшилар учун анъана бўлиб қолган. Ўзбек достончилиги миф – афсона – ривоят – нақл – эртак – достон босқичларидан иборат диффузия ҳаракатининг сўнгти босқичида вужудга келган деб тахмин қиласиз. Мана шу жараённинг муайян босқичида ижро усули ҳозирги бахшиларимизнинг достон айтишларини эслатиши мумкин бўлгандир. Ҳар ҳолда бундай бахшичилик санъати бир неча асрлик тажрибага эга эканлиги билан бошқа ижролардан ажралиб туради. Филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев маълумотига кўра, Булунғур достончилигида қаҳрамонлик достонларини ижро этиш кўпроқ амалга ошган . Бу мактабнинг сўнгти вакили Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) ҳисобланади. Фозил Йўлдош ўғли ижросидаги «**Алпомиш**», «**Ёдгор**», «**Юсуф билан Аҳмад**», «**Малика айёр**» каби достонлар ёзиб олинган. Фозил Йўлдош ўғли Йўлдош, Кўлдош, Суяр шоирларнинг тарбиясини олган. Айникса, у ижро этган «**Алпомиш**» достони халқ ижодидаги энг мукаммал асар сифатида бутун дунё фолклоршунос олимлари томонидан тан олинган.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг номи ҳамиша Фозил шоир қаторида жуфт келади. Эргаш шоир (1868-1937) Қўрғон мактаби вакили эди. Нурота худудининг шуҳрати айнан ана шу бахши ва Пўлкан шоир (1874-1941) ижоди билан боғлиқ. Бу ерда "Алпомиш", "Якка Аҳмад", "Кунтуғмиш", "Равшан" достонларини ижро қилиш анъanasи кенг ривожланган эди. Фолклоршуносликда аёл бахшилар: Султон кампир, Тилла кампир, шунингдек, Ёдгор, Жуманбулбул, Жоссоқ бахшилар ижоди ўрганилган. Шаҳрисабз достончилигида Абдулла Нурали ўғли (1874-1957), Нарпай достончилигида Ислом шоир Назар ўғли (1874-1953) ижоди алоҳида қайд этилган. "**Орзигул**", "**Соҳибқирон**", "**Эрали ва Шерали**" каби достонлар ижросини бу мактаб вакиллари юқори санъат даражасига етказиб қуйлаганлар.

Бир бахшининг ижоди бутун туман бахшичилик анъanasига сезиларли таъсир ўтказиши хаёт тажрибасида тасдиқланган ҳолдир. Масалан, бир пайтлар бахшилар сулоласи билан ғуурланган мактаблар бугунги кунда инқирозга юз тутган бўлиши мумкин. Ҳусусан, ҳозирги пайтда Булунғур, Нурота туманларидағи машҳур бахшилар ўз фаолиятларини тўхтатганлар. Шу билан бирга Қашқадарё вилояти Дехқонбод туманидаги Қодир бахши Раҳимов анъanasи тўла қувват билан фарзандлари Қаҳхор, Абдумурод, Баҳром тимсолида давом этмоқда.

Достон ижросида Хоразм усули Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидағи анъанадан тамомила фарқ қиласи. Бу ерда достон ижроси профессионал хонандалик йўлида амалга оширилади. Бахши достон матнини ёддан ижро этади, шу билан бирга дўмбира чертувчи бахшилардан фарқли равища достонга йўл-йўлакай ўзгартириш киритишдан ўзларини

сақлайдилар. Чунки Хоразм достончилигига достон матн, кўпинча, халқ китоблари туркумидаги XIX асрда чоп этилган китобларга асосланади. Матнга ўзгартиш киритиш бу анъана қоидалари бўйича маҳқулланмайди. Табиий савол туғилади: у ҳолда Хоразм бахшиларининг достон айтиш маҳоратини қайси мезон белгилаши мумкин? Хоразм бахшилари ўз маҳоратларини достонни айтишда мумтоз мусиқага, достондаги шеърий парчаларни алоҳида қаҳрамоннинг арияси даражасида куйлаш билан кўрсатадилар. Хоразм бахшиларининг овози мумтоз ашула айтувчилар овозидан деярли фарқ қилмайди. Достон мусиқаси ҳам мумтоз санъат усулига асосланган. Аҳмад бахши, Бола бахши, Қодир созчи, Болтавой бахши каби санъаткорлар ижоди Хоразмда шухрат топган эди.

XX аср Хоразм достончилиги ривожи, шубҳасиз, Бола бахши - Қурбонназар Абдуллаев ижоди билан боғлиқdir. Хоразмда аёлларнинг достон айтиши ҳам кенг тус олган эди. Биби шоира, Хонимжон халфа, Ожиза, Онажон Сафарова, Назира Собирова Хоразм достонларини куйлашда етук бахшилар қаторидан муносиб ўринга эга бўлдилар. Бу анъана бугунги кунда ҳам тўлиқ давом этмоқда. Қаландар бахши Норматов, Норбек Абдуллаев, Зулфия Ортиқова, Нодира Бекова, Роҳат Хўжаниёзовалар устоз бахшилар ва халфалар санъатини давом эттироқдалар. Айниқса, "Ошиқ Ғаріб ва Шоҳсанам", "Ошиқ Ойдин", "Бозиргон" каби достонлар маҳорат билан ижро этилмоқда. Халфалар эса достондан парчалар, тўй қўшиқларини, лапар, яллаларни куйлашда халққа роҳат бағишлиамоқдалар.

Хоразм достонларини ижро этишда маҳаллий шароитда тажрибадан ўтган тарихий одатлар ҳақида бахшилардан маълумот олганмиз. Унга қўра XIX-XX асрларда Хоразмда катта тўй берган одам маросимга уч-тўрт гурух бахшиларни чақирган. Гуруҳлар бир-бирларига халақит бермайдиган масофада давра қуришган. Тингловчи бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиб юрган. Қайси бахши маҳқул бўлса, ўша даврани маҳқул кўрган. Натижада, тўй охирида моҳир ва нўноқ бахши атрофидаги тингловчилар сонига қўра ажralиб қолган. Эълон қилинмаган мусобақада мағлубиятга учраган бахши ўз устида ишлашга мажбур бўлган. Шунингдек, Бола бахшининг эсласича, Муҳаммад Раҳимхон Феруз хонлик пайтида ҳар йили ҳофиз, созанда, бахшиларнинг кўригини ўтказар экан. Кўрикдан ўта олмаган санъаткор тингловчилар олдида соз чалиш, ашула айтиш, достон куйлаш хуқуқидан маҳрум қилинар экан. Бу санъаткор кейинги кўриккача муттасил машқ қилиб ўзини оқлашга уринган. Дарвоҷе, 1909 йилда 9-10 яшар Қурбонназарни хон ҳузурида достон айтишга чақиришади. Феруз ёш бахшидан унинг исмини сўрайди. Бола исми Қурбонназар эканини айтганида, хон табассум билан: - Сенинг исминг Қурбонназар эмас, Бола бахши, - деб унга оқ фотиҳа берган экан. Шу-шу Қурбонназар Абдуллаев Хоразм ва Туркманда “Бола бахши” номи билан машхур бўлган.

Хоразм достончилигини чуқур илмий асосда ўрганган филология фанлари доктори, профессор Сафарбой Рўзимбоев Хоразм достончилиги, ўз

навбатида, Шимолий ва Жанубий анъаналарга бўлинниши, уларнинг ўзаро фарқлари ва бахшилар, созчи (гармонғ билан достон айтувчи ижрочи)лар хақида қимматли маълумотларни баён этган

Ўзбек достончилик анъанасининг яна бир тури Фаргона водийсида шаклланган. Наманган вилоятининг шимоли Уйчи, Янгиқўргон, Чорток атрофларида Дехқонбой Баҳромов, Икром Ризаев, Омон бахши Раззоқовлар ижод қилишган. Маҳаллий халқ оғзаки ижодини ўрганган олим Абдушукур Собиров таниқли фолклоршунос олим Тожибой Гозибоев билан ҳамкорликда мазкур достончилик анъанасини ўрганиб, Қўлбуқон, Сайрам, Ариқбўйи (Ариқмўйин) мактаблари мавжудлигини қайд этади . Аҳмаджон Мелибоев "Сафед Булон ҳикоялари" китобида Пешкўргон қишлоғида истиқомат қилган Олим бахшидан "Ёзи билан Зебо" достонини ўн икки варакли ўқув дафтаридан ўнтасига ёзиг олиб, Музайяна Алавияга юборганини маълум қилган . Аммо бугунги кунда Фаргона водийсидаги достончилик анъанасида достон ижро этадиган бахшилар ижод фаолиятларини тўхтатганлар.Ҳамма ўзбек достончилиги анъаналарида ҳажман чекланиш кузатилмайди.Маданий меросимиз хазинасида “Бозиргон”, “Соҳибқироннинг туғилиши” каби кичик асарлар ва айни пайтда, “Алпомиш”, “Малика Айёр”дек йирик достонлар бор. Достонлар ҳажмидаги нисбий ўлчов инобатга олинса, дўмбира чертиб ижро этиладиган Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарёда айтиладиган достонлар ҳажми Хоразм достонларидан ҳам, Фаргона водийси достонларидан ҳам кенглиги билан ажралиб туради. Ҳажман Фаргона водийсидагилар анча кичик хисобланади.

Достон матни шеърий ва насрый парчалардан иборат бўлади. Фозил Йўлдош ўғли Булунғур туманидан бўлгани учун дўмбира чертиб ижро этиладиган достонларни шартли равища Самарқанд достончилиги деб атаемиз. Бу анъана асарларида шеърий ва насрый парчалар бадиий жиҳатдан, воқеалар баёнини ифодалаш, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини тасвирлаш жиҳатдан teng ҳисобланади. Фикримизни далиллаш учун Эргаш Жуманбулбул қўйлаган "Равшан" достонидан насрый парча келтирамиз: "Оқ қиз шундай қиз эди: оти Оққиз, Зулхуморга нақ қиз. Оққиз ўзи оқ қиз, ўзи тўлган соғ қиз, ўрта бўйли чоғ қиз, ўйнагани боғ қиз, уйқучи эмас, соғ қиз, эри йўқ ўзи – тоқ қиз, яхши – текис бўз болани кўрса, эси йўқ – аҳмоқ қиз, қора кўз, бодомқовоқ қиз, синли – сиёқ қиз, ўзи семиз – туриши ёғ қиз; ўйинга қулайроқ қиз, тўғри ишга бўлайроқ қиз, ўзи анқов олайроқ қиз, танаси тўш қўйган кенг қиз, сағриси дўнг қиз, урушқоқ эмас – жўн қиз, аҳзоси бари teng қиз..."

Йигитлар томонидан ижро этиладиган маҳаллий рақс ҳаракатлари қадимдан мавжуд. “Зебари” туркум рақслари фақатгина Сариосиё, Узун туманларида расм бўлган. Дашибод қишлоғида эса “Дошибодча рақс” оммалашган. Унда айтишувлар ҳам мавжуд бўлиб, йигитлар тарафма-тараф ҳолда бир бирларига қарама қарши айтимларни айтишади. Фикримиз далили сифатида Дашибод қишлоғида қадимдан ўйналиб келинаётган

“Дашнободча” рақс ва “Зебари” йигитлар рақсини айтиб ўтиш лозим. “Дашнободча” рақсда “Ёр-Ёр” термаси ижро этилади. Унда йигитлар рақсга тушиб олдинда кетаётган йигитлардан бирини қаттиқ чимчилаб олади ва рақсни давом эттиради. Бундан мақсад кишиларга завқ, ўйин-кулги улаш. Бу рақсда “Бас-бас” айтишуви мавжуд. Айтишууда ижрочилар тарафматараф бўлиб турли терма байтларидан ижро этиб мусобақа ўтказган. “Зебари” йигитлар рақси жуда қадимий бўлиб, унда фақат йигитлар бир хил ўйнайди.

Халқ достонлари ва термаларини ижро этувчи бахши – шоирлар ижоди алоҳида ажралиб туради.

Чолғу кмусиқасидан дўмбира куйлари:

“Нағма”, “Дўмбира ноласи”, “Чертим”, “Охува”, “Қиз қувиш”, “Қўй боқиши”;

Чангқовуз куйлари:

Чўпон куйи”, “Қўзи мағраш”, Қўй боқиши”, “Эчки сакраш”, “Туя қайтариш”, “Охува”, “”Қиз чақириш”, “Қиз қўриш”, “Келин нидоси”, “Қиз хониши”.

Достон – ўзбек халқининг қадимги маънавий ва бадиий меросининг дурдонаси бўлиб, уларнинг асосини халқ ҳаёти ва кураши, унинг орзу умидлари ташкил этади Халққа хос инсонпарварлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, меҳнатга муҳаббат, дўстлик, севги ва садоқат каби олийжаноб фазилатлар халқ достонларидағи қаҳрамонлар образида мужассамлашган”. Халқ достонлари ва дўмбира куйларини Ф.М.Кароматли, Р.Абдуллаев, Б.Матёқубов тадқиқотларида дунёдаги айрим халқларда ўзининг бой тарихига оид йирик ҳажмдаги қизиқ – қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиш, мақташ “достон” сўзини англатишини эътироф этади (1.2; 2.16; 2.22; 2.40; 2.52; 2.54; 2.70). Халқ донишмандлигининг ёрқин ифодаси бўлган бу образли ижодиёт намуналари жамият ва табиат ходисаларига инсон муносабатининг мусиқий – поэтик образи сифатида бахшилар томонидан асрлар мобайнида сайқалланган. Ўзбекистонда халқ достончилиги, шунингдек, эпик ҳикоя, достон жанрлари (достон, қисса, ҳикоя, мадҳия ёки қасида, саргузашт) ўзининг насрий ва назмий унсурларини мусиқа ва чолғу жўрновозлигида намоён этади.

“Бахши” сўзи қадимдан беморни халқона усууллар билан даволовчи табиб – доира ва ёки бошқа чолғу асбоби чалиб, афсунгарлик айтимлаи орқали касал танасидан ёвуз руҳларни қувадиган даволовчи (хозиргача сақланиб келаётган “кўч”, “қайтарма”, “жахр” маросимлари) – шомонбахши ёки шомон – фолбин, шунингдек, айрим худудларда “устоз” маъноларини англатган (2.70). Бугунги кунда бу сўз халқ достонларини куйлайдиган ижодкор санъаткорларни билдиради.

Достон айтимларидан “Алномиш” ва “Гўрўғли” туркум достонлари. Терма айтиимларидан “Нима айтай”, “Нимадан бошлай”, “Хуш кўрдик”, “Асл юртим”, “Мехмондирмиз”, “Термадан бошладим”, “Қулоқ осинг сўзима”, “Тўй бугун”, “Ёшинг қутлуғ”, “Кўхна дунё”, “Сўзима эшит”,

“Дўмбирам”, “Мени эшит дўмбирам”, “Ота нидоси”, “Ҳақиқатни баён айтай”, “Достондан бошласам”.

Вилоятда Шеробод ва Бойсун достончилик мактаби мавжуд бўлиб, ушбу мактабни 100 га яқин турли ёшдаги бахшилар ташкил этади. Достон айтувчилар байрам ва оиласи маросимлага доим ҳурматли меҳмон сифатида таклиф қилиниб келинган. Жумладан, Қумқўрғонлик Исмоилхон бахши Анваров ижросида турли мавзулардаги термаларни тинглаш мумкин. Зулхумор бахши эса дўмбира чалиб эркаклардек бўғиқ овозда достон ва терма куйлаган аёллар орасидан чиқсан биринчи бахшидир. У ҳам “Алпомиш” ва “Гўрўғли” туркум достонларни куйлаб келмоқда. Унинг устози Шоберди бахши Болтаев ва акаси Омон бахши Шерназаровлардир. Достончилик ижодиёти – бахши - шоирларнинг терма ва достонлари вилоят қўшиқчилик ижодиётининг асосини ташкил этади. Қизириқ туманида Хушбоқ бахши Марданақул ўғли, Денов туманида Боборайим бахши, Қумқўрғонда Жума Абрайкулов, Шербот туманида Шаймон бахши, Ангорда Чорша бахши, Музработда aka ука Қора ва Чори бахши Умировлар устоз – шогирд анъанасига етакчилик қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкид этиш жоизки, воҳа қўшиқчилик ижодиёти мусиқшунос олимларнинг таснифи асосида бир тизимга келтирилиб, “маълум вазият айтимлари” (оиласи маросим, мавсумий) ва “турли мавзули қўшиқлар” (қўшиқ, терма, лапар, ялла) каби иборалар билан тасниф этилди.

Бунда, алла, бешик тўйи, суннат тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйи каби қўшиқ айтимлар устувор бўлган оиласи маросим ҳақида аълоҳида тўхталиб, унда ижро этиладиган қўшиқлар алоҳида кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, йил фаслларига хос гап гаштак (қиши), баҳор мавсумига хос “Наврўз” байрами, сумалак, лола сайли, бойчечак сайли, дарвешона, шоҳ мойлар маросимлари, ёз мавсумида суст хотин, куз фаслида ўрим, облобарака, шамол чақириш маросимларидағи қўшиқлар мавсумий қўшиқлар, чорвачилик, дехқончилик ва ҳунармандлик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари сиқатида тадқиқ этилди. Турли вазият қўшиқлари сифатида қўшиқ, терма, лапар, яллалар ўрин олди. Шунингдек, бахши – шоирлар ижодидаги терма ва достонлар, тадқиқот учун янгилик деб этироф этилган “дойра бадашлари” ҳақида маълумотлар келтирилди.

4.Фольклор ва мақом санъати, уларнинг қадимиј тарихи ва фалсафий илдизлари

Сурхондарё - Қашқадарё достонлари адабий - мусиқий асар сифатида талқин қилинади. Улар насрый ва назмий қисмларга бўлиниб, ўзаро бир - бирига боғлангандир. Достон ижро чилигини бахши, шоир, юзбоши деб атайдилар. Достонлар асосан дўмбира чолғу жўрлигига бўғиқ овозда қўйланади. Бўғиқ овозни ҳосил қилиш ва ишлатиш алоҳида машқлар натижасида амалга оширилади. Ушбу малакани оширишда устоз - шогирд анъаналарига риоя қилинади. Натижада шогирлар ушбу воҳаларда машхур

бўлган «Алпомиши», «Авазхон», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» достонларини ёд оладилар ва кўрикдан ўтадилар. Бахшилар достонларнинг насрий қисмларини қўшиқ шаклида куйлайдилар.

Сурхондарё - Қашқадарё достончилик санъатида Шахрисабз ва Шеробод мактаблари асосий марказ саналади. Абдулла Нурали ўғли ва Ислом Назар ўғли каби бахши шоирлар Шахрисабз достончилик мактабининг йирик намояндалари бўлса, Шерназар Бекназар ўғли, Мардонқул Авлиёқул ўғли, Умар Сафар ўғли, Нормурод бахшилар эса Шеробод достончилик мактабининг машхур ижрочилари ҳисобланадилар.

Достонларни ижро этиш ҳам асосан мавсумий бўлиб, кеч кузда дехқонлар ҳосилларини йиғиштириб бўлганларидан сўнг бошланиб, эрта баҳоргача давом этади. Достончи бахшилар хонадонларда уюштирилган достончилик кечаларига таклиф қилинадилар ва маҳалла, қўни - қўшни йиғилишиб, достонлар тинглашади. Бу азалдан одат тусини олган бўлиб, бахшиларни оиласиб байрамларга, тўй - томошаларга, ҳосил байрамларига ҳам таклиф этганлар. Яъни достончи бахши ўз достонларини қисқача айтим йўли билан таърифлаб беради ва эшитувчиларнинг хоҳишига кўра бир достонни бошлайди. Достончи бахшилар достон ижроларидан ташқари бағишлов ижроларига ҳам жуда уста бўлиб, бирон яхши кунга, маросимга, машхур одамларнинг исмларига монанд бағишловларни насрий ва шеърий йўлларда ҳам ижро этадилар. Бу ижро бахшилардан ўта зукколикни талаб қиласиди. Ҳозирги давр достончилик ижрочилари Шоберди бахши Болтаев мактаби етакчилик қилмоқда. Сурхондарё - Қашқадарё мусиқасида достончилик санъатидан ташқари кенг оммалашган меҳнат қўшиқлари алоҳида аҳамият касб этади. Қўш, ўрим, ёрғинчоқ қўшиқлари дехқончилик билан боғланса, «хўш - хўш», «Чурей», «Турей - турей» қўшиқлари чорвачилик билан боғлиқдир. Чарх, ўрмак, кашта, бўзчи қўшиқлари эса хунармандлар меҳнати қўшиқлари саналади.

Бухоро-Самарқанд мусика услугига доир достончилик мактаблари асосан вилоят туманларида карор топган булиб, улар, «Булунгур достончилик мактаби», «Нарпай достончилик мактаби» каби аталади. Шулардан Булунғур ва Кўргон достончилик мактаблари машхурроқ дир. Булунғур достончилик мактабида «Алпомиши», «Ёдгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Рустамхон», «Гўриғлини туғилиши» каби қаҳрамонлик достонлари етакчи ўрин тутади. Жўровоз соз сиратида домбра сози қўшилади. Амин бахши, Чинни Шоир, Тавбузар шоир, Курбонбек шоир, Йўлдошбул, Йўлдошшоир, Кўлдаш Суяр каби бахшилар бу мактабнинг ўтмишидаги (XIX аср) йирик намоёндалариdir. Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) бу мактабнинг сўнги йирик вакилларидан бири эди. Кўргон достончилик мактабида «Алпомиши» достони ижро этилган бўлса-да, бироқ унда ишқий-романтик достонларга жумладан, «Гумор пари», «Қундуз» билан «Юлдуз», «Ойсулув», «Кунтуғмиш» сингари достонларга эътибор берилади. Кўргон достончилик мактабининг ўтмишдаги йирик вакиллари қатори Ёдгор, Ларас, Мулла-Тош, Мулла Холмурод, Жуманбулбул каби

бахшиларни айтиш керак. Эргаш Жумабулбул ўғли (1868-1937) ва Пулкан шоирлар (1874-1941) бу мактабнинг сўнги йирик намоёндалари эди.

Хоразм достончилик мактаби ўз анъаналарига эга бўлиб, бошқа маҳаллий достончилик мактаблардан фарқли жиҳатларга эга. Бу фарқлар асосан қуйдагилардан иборат.

А) Хоразм достонлари «Бўғик овозда» эмас, балки «Очиқ овоз» услугубида куйлаш ҳусусиятлар билан оҳангланади.

Б) Кўпинча маҳаллий достончилик мактабларида дўбра сози жўрнавоз сийратида қўлланилса, Хоразм достончилигига дутор, тор сўзларидан фойдаланилади. Шунингдек, достон айтишда ижрочилик ансамбли қатнашади. Бунда устоз баҳши дутор, тор ёки рубобда, қолганлар эса ғижжак, бўламон ва баъзан доира созларида жўр бўлиб туришади.

В) Хоразм достонлари репертуарини «Ошиқ Гаріб ва Шоҳсанам», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Бозиргон», «Ошиқ Ойдин» каби достонлар ташкил этади. Бироқ, Хоразм достончилигига қаҳрамонлик достонига мансуб «Алпомиш» намунаси учрамайди. Хоразм достончилигининг йирик вакиллари Ахмад баҳши, Бола баҳши, Рўзимбек Муродов, Каландар баҳшилар номини айтиш жоиздир. Ўтмишда достон айтувчиларни чўянда, улар ижро қиласидаги йўлларини нома деб юритилган.

Эргаш Жумабулбулнинг қуйидаги шеърида эса Нурота мактаби услугуга оид достонлар номалари санаб ўтилади:

Йигирма хил оҳанг билан сўз айтиб,

Йигирма хил нома дўмбра чертиб

Хоҳ катта, хоҳ кичик эшитса,

Ҳар қандай одамни балқитиб, эритиб

Шеробод мактабининг машҳур баҳшиси Умршоир Саар ўғли ижодига мансуб шеърда эса Сурхондарё-Қашқадарё достончилигидаги номалар сони келтирилади.

Эй дўмбирам кажақдор,

Ўтиз икки номанг бор,

Ҳаммаси ҳам мафтункор,

Бирин чалсам бири бор.

Деб, 32 нома борлиги таърифланади. Кейинчалик 60 га етказилган. Ушбу маълумотлардан қўринадики, достон қўшиқлари қадимдан номалар деб юритилган.

Хоразм номалари йирик хажм, куй йўналиши, парда, лад ва авжлари ўзига ҳос ёрқин услуби билан ажралиб туради.

Махсус тил иродаси, мусиқий нуқтаи назардан Хоразмда иккита йирик достончилик услуби мавжуд. Улар баҳшиларнинг иборалари билан Ширвоний ва Эроний ёки Жанубий ёки Шимолий хоразм услублари деб юритилади. Ширвоний услуб ўз ичига Ҳозарасп, Боғот, Янги ариқ, қўш кўпир, Урганч, Хонқа, Шовот, Тошховус вилоятининг Илонли, Кўхна Урганч, Қорақолпоғистоннинг Тўрткўл, Элликқалъа туманларини қамраб олади. Унинг марказини шартли равишда Хива шаҳри деб белгилаш

мумкин. Мазкур услуг номалари 72 та бўлиб, улар достон шеърларининг вазни, бўғинларига ижрочи бағшини овоз имкониятларига қараб ўқилади.

Эроний услуг Гурлан туманининг бир қисмини қорақолпогистоннинг Амударё, Хўжайли Тошховуз вилоятининг шимолий туманларини ўз ичига қамраб олади. Унинг марказини шартли равишда Манғит шахри деб белгилаш мумкин.

Устоз бахшиларнинг фикрича мусиқий моҳиятга кўра ширвоний услуг 72, эроний услуг 32, Сурхондарё, Қашқадарё воҳаларининг Шеробод мактаби 64 номадан иборат.

Хулоса қилиб айтганда достон ижрочилиги ўзбек мусиқа санъатининг ажралмас бўлагидир.

Ўзбек халқининг фолклор санъати

Ўзбек халқининг мусиқий меросини жумладан фолрклор санъатининг илдизлари қадим-қадимларга боғланиб кетади. У ўзининг халқ ижоди, хамда куй тузилиши жиҳатдан ривожланган ашула ва чолғу мусиқий ижрочилигини ўз ичига олади. Ўзбек мусиқа фолрклори меҳнаткашларнинг орзу-умидлари, уларнинг турмуши ва ахлоқи, социал ва миллий озодлик учун курашининг ифодаси сифатида гавдаланади. Ўзбек халқ мусиқасининг мавзу жиҳатидан серқирралиги, жанрларга бойлиги ва хаётда тутган ўрнининг хилма-хиллиги ҳам ана шу билан боғлиқдир. Ўзбек фольклор мусиқаси турмушда тутган ўрнига мувофиқ икки гурухни ташкил этади.

Биринчиси-маълум вақт ёки маълум муддат шароитда ижро этиладиган ашулалар ва чолғу куйлари. Булар: оиласий маросимларда ижро этиладиган чолғу куйлардир. Иккинчиси-исталган ижро этиладиган лапар, ялла, ашула, қўшиқ, чолғу куйлари, чўлама ва дастончилик куйлар киради.

Фолрклор қўшиқлар ҳар бир касбнинг ўзига хос фаолияти натижасидан келиб чиқади. Халқнинг турмуш тарзи билан боғланади. Меҳнат қўшиқлари: қўш қўшиқлар, ўрим қўшиқлар, ёргинчоқ қўшиқлар бўлса, човачилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари: «Хўш-хўш», «Турей-турей», «Чурей-чурей» каби номлар билан юритилади. Хунармандчилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари чарх қўшиқлари ва хоказо. Маросим қўшиқлари фолрклоршуносликнинг энг мухим омилларидан хисобланади. Ўзбек халқи барча халқлар каби жуда қадимий бой, хилма-хил анъаналарга эга. Маросим қўшиқлари икки туркумга ажралади. Биринчиси-мавсум маросимлари билан боғлиқ фольклор қўшиқлари. Иккинчиси-туркумдаги маросим, оммавий турмуш билан боғлиқ холда ижро этилади.

Ўзбек халқиниг фолрклор жанрлари жуда хилма - хилдир. Ҳар бир воҳанинг этник жойлашишига, урф-одатига қараб фолрклор жанрлари ва услублари турличадир. Фарғона водийсида лапар кўпроқ ижро этилса, алла, ёр-ёр ижролари турлича ижро этилади. Терма, ўлан ижролари ҳам ҳар-хил услубида ижро этилади. Алла ижроси халқ орасида жуда кенг тарқалган

ижродир. Алланинг ҳар бир бандидан кейин «Алла болам алла», «Жоним, болам, алла» мисралар такрорланади. «Ёр-ёр» ўзбек никоҳ тўйлари фолклорининг мусиқий жанрлари хисобланади. «Ёр-ёр» нафақат ўзбекларда, балки қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ каби туркий халқларда ҳам кенг тарқлган. Масалан:

Қат-қатгина қатламалар қатланади, ёр-ёр,
Кизни олиб янгалари отланади, ёр-ёр,
Кизни олиб янгалари тура турсин, ёр-ёр,
Оқ сут берган оналари рози бўлсин, ёр-ёр.

Мустақиллик йилларида фолклор-этнографик ижодий жамоаларнинг ижодий фаолияти янги босқичга кўтарилди. Мустақиллик ва Наврӯз байрамларида фолклор-этнографик ансамбларининг катта саҳналарга чиқиши анъана тусини олди. Жумладан, бугунга келиб фолклор-этнографик ансамбларининг умумий сони 300дан ортиб кетганлиги қайд қилинмоқда. «Беш қарсак», «Бойсун», «Гулёр», «Омонёр», «Гулчехралар», «Достон», «Бесперде», «Орзу», «Ёр-ёр», «Чавги», «Моҳи ситора» ва бошқа кўплаб ансамблар миллий-бадиий меросни, анъаналарни ўрганиб, янгидан халқимизга етказмоқдалар. Айни пайтда, мусиқий фолклорнинг халқ маънавий хаёти ва турмуш тарзидаги табиий кўриниши ҳам давом этмоқда. Ҳар бир вилоят бу соҳада ўзининг ижрочилик услубига ва уст кийим бош кўринишига эга бўлмоқда ва ҳар хил кўриниш ва жиҳатлари билан янги-янги ижодий ютуқлари билан намоён бўлмоқдалар.

Ўзбек халқининг мусиқа маданияти жуда узоқ тарихга эга. Тарихий тараққиёт давомида халқ мумтоз мусиқаси, анҳанавий касбий мусиқа, халқ бастакорлик йўллари, шунингдек, фолклор - ҳаваскорлик мусиқий мероси сингари шаклан ва услубан бир-бирига яқин ижрочилик кўринишлиари бир-бирини тўлдириб келди. Ушбу мусиқий меросимиз бугунги кунимизда ҳам маънавий маданиятимизнинг бир бўлраги сифатида намоён бўлмоқда.

Мустақиллик шарофати билан миллий-маънавий қадриятларимизга, урф-одатларимизга, унутилаёзган, тарихан қадрли анҳаналаримизга бўлган эҳтибор, уларни янгидан ислоҳ этиш жараёни устивор йўналиш касб этди.

Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, маънавий бойлигимизга бўлган эҳтибор давлат миқёсига кўтарилди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ота-боболаримиздан, аждодларимиздан қолган маънавий бойликларни, жумладан, мусиқий маданиятни авайлаб асраш, тиклаш борасида, қолаверса, замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаш борасида талайгина ишлар қилинди. Бу борада ўтган аждодларимиз бизларга мерос қилиб қолдириб кетган улкан маънавий бойлигимиз асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарихдан маҳлум, маънавиятимизнинг асосий бўғини бўлган мусиқий маданиятимиз, анҳанавий қўшиқларимиз, мақом ижролари ҳамиша халқимизнинг кундалик ҳаётида маънавий озуқа сифатида эҳтироф этиб

келинган. Халқ оғир кунларида мусиқадан нажот излаган, хурсандчилик кунларида ҳам қўшиқ ва мусиқа уларга ҳамроҳ бўлган.¹

Зеро, бугунги муборак мустақилликка эришган кунимизда, ўзлигимизни англаб бораётган бир даврда улкан маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган миллий мусиқий маданиятимизга суюниш, анҳанавий қўшиқларимизга мурожаат қилиш табиий бир ҳолдир. Буларнинг барчаси баркамол авлод тарбиясида, ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Анҳанавий мусиқа ва қўшиқларимиз одамларни ҳамиша иймонга, меҳроқибатга, одамийликка чорлаб келган. Бугунги кунда ҳам шу долзарблигини йўқотмаган ҳолда мустақилликка, меҳнаткашлар онгини шакллантириш йўлида, баркамол авлод тарбиясида восита сифатида асосий омиллардан бўлиб қолаверади.

Ашула, мусиқа, рақс, фолрклор ижрочилиги санҳати миллий мусиқа санҳатининг халқ ҳаёти ва ижоди билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ва ривожланиб келган қадимий санҳат турларидан ҳисобланади. Айниқса, халқимизнинг анҳанавий руҳдаги қўшиқлари ўлмас мерос бўлиб, барча даврлардагидек бугун ҳам «лаббай» деб жавоб бермоқда. Лекин шу билан бир қаторда фақат тарихга сажда қилмай, бугунги куннинг руҳига мос тарзда қўшиқлар яратиш эса миллий мафкурамизни ривожлантиришда бош омиллардан бўлмиш мусиқий санҳат билан шуғулланаётган барча мутахассис ва санҳаткорларга муҳим вазифа қилиб қўйилиши табиийдир. Мамлакатимиз тамомила янги жамият, янги турмуш ва янги ҳаётни бошлаб юборди. Одамларимиз қалби, тафаккури ва тасаввурида ўзгаришлар пайдо бўлди.

Ушбу тамойиллардан келиб чиқиб, маънавий жабҳаларнинг барча йўналишлари ўзларининг мақсад ва вазифаларини белгилаб олишлари зарур бўлади. Айниқса, бу жабҳада мусиқий маданиятнинг маънавий ҳаётдаги ўзига хос ўрнини баҳолаш, унинг таҳсирчанлик кучини мустақиллик мафкураси томон йўналтириш унинг бош мезони эканлигини англаш муҳимдир. Маданий ҳаётда бугунги кунда шу тамойилга кўра силжишлар қузатилмоқда. Ижодкорларнинг фикри- зикри ана шу тамойиллар йўлига йўналтирилган десак, хато қилмаган бўламиз.

Мусиқий маданият ўзининг серқирралиги билан ажralиб туради. Айниқса, ўзининг чуқур илдизлари қадимги даврларга етиб борадиган ўзбек халқининг бой мусиқа мероси ҳозирги кундалик ҳаётимиздан ҳам тушгани йўқ. У халқ ижодининг юксак намуналари, фолрклор ижрочилиги, куй тузилиши, мазмунан ривожланган чолғу ва ашула асаллари, достонлар ижрочилиги ҳамда муракқаб ижрочилик туркуми аталмиш мақом мусиқасини ўз ичига олади. Бундан ташқари, халқ мусиқий маданиятида

¹ Қўлланманинг мазкур бобини тайёрлашда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Равшан Юнусов материалларидан фойдаланилди.

ўзларининг барча даврларда сезиларли ҳиссаларини қўшиб келаётган халқ бастакорларининг ижоди ҳам салмоқли ўрин тутади.

XIX аср охирларига келиб ўзбек мусиқий маданиятида ўзгаришлар даври бошланди. Бу албатта, Туркистон ўлкасини Россия томонидан истило қилиниши билан боғлиқдир. Бу борада икки томонлама қараш билан ўрганмоқ зарур бўлади. Чунки баҳзи бир ҳолларда миллий мусиқа маданиятимизга салбий таҳсирини кузатсак, иккинчи томондан, ўзига хос ривожланиш даври бўлганлигини ҳам эҳтироф этиш зарур бўлади. Чунки нота ёзувининг кириб келиши, ўлкамизда миллий мусиқа санҳатимизни илмий равишда ўрганиш, фолклор ва этнография соҳасидаги ривожланишга сезиларли таҳсир этди.

Бу борада В.А. Успенский, Е.Е. Романовская, Н.Н.Миронов сингари мусиқашунос ва этнограф олимларнинг меҳнатларини айтиб ўтиш зуур бўлади. Илёс Акбаров, Мутал Бурхонов, Юнус Ражабий, Толибжон Содиков, Мухтор Ашрафий сингари мусиқамиз дарғалари улардан сабоқ олдилар. Бундан ташқари, жаҳон мусиқий маданиятининг дурдоналари саналмиш фортопиано сози, опера ва балет, симфоник ижро, жаҳон классик мусиқий созларининг кириб келиши мусиқий маданиятимизнинг ҳар томонлама серқирра ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Натижада, ўзбек халқ мусиқалари, қўшиқлари, мақомлари жой олган 20 жилдан ортиқ китоблар дунё юзини кўрди.

Сўнгги 130 йил ичида мусиқий маданиятимиз мураккаб, кескин зиддиятларга, ижобий ва салбий кўринишларга тўла тарихий даврни бошидан кечирди. Ана шу ҳолатларга қарамай, ўтган даврлар мобайнида илм фан, санҳат, жумладан, мусиқий маданият соҳасида фаҳрланишга арзигулик ишлар амалга оширилганлигини эҳтироф этиш зарур. Яққол мисол сифатида мусиқа ижодиёти, ижрочилиги, мусиқа илми, таҳлими сингари соҳаларни олиш мумкин.

Шу ўтган даврларнинг салбий оқибатлари сифатида ҳаётимизнинг ўта сиёсийлаштирилуви, миллий қадриятларимизни менсимаслик, унинг топталишига йўл қўйилиши, халқчил йўналишларга беписандлик муносабатида бўлиш, азалий халқаро маданий алоқалар ривожланишига сунҳий тўсиқлар қўйилиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги замон ўзбек мусиқа ижодиёти сержабҳа ва кўлами кенг, услугубан бой ва ранг-баранг, ривожланган ва шиддатли жараён сифатида гавдаланади. Зотан, мусиқий маданиятимиз жуда қадим, бетакрор ва ноёб анҳаналарга эга бўлгани ҳолда, замона зайлар билан янгидан-янги йўналиш, шакл, жанр, услугубар билан янада бойиб бормоқда. Демакки, асрлар оша бизгача етиб келган ардоқли навобахш меросимиз қатори бир неча авлод ижодкорларининг кўркам мусиқий анҳаналари маданий-маънавий мулкимизга айланди. Ҳар қандай санҳат тури ҳар хил воситалар орқали ҳаётий воқеликни акс эттиришга қодир экан, сўнгги юз йиллик мобайнида Ўзбекистон мусиқасининг ривожланиши нечоғлик мураккаб ва ўзгарувчан ижтимоий шароитларда кечганини яққол тасаввур қилиш мумкин. Хусусан, 20-

йиллардан эҳтиборан композиторликка хос ифода воситаларининг изчили жорий этила бошланиши мусиқий маданиятимизда мусиқа ижодкорлигининг янги тизими барпо этилишидан далолат берди.

Табиийки, тез орада ўзбек халқ ижодиёти, анҳанавий бастакорлик ҳамда ҳаваскорлик сингари ўзаро чамбарчас боғлиқ қатламлар билан узвий боғлиқ равишда миллий қадриятларимизга, «ноанҳанавий» композиторлик ижодкорлиги муҳим тармоқ сифатида қўшилади. Умумбашарий маданий тараққиётга мос равишда мазкур жабҳа ўлкамизда тарихан жуда қисқа муддат ичидаги узил-кесил шаклланиб, самарали ривож топганини алоҳида эҳтироф этиш лозим.

Ғарбий ва Шарқий Оврупа мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланибина қолмай, ўзгача яратувчанлик қонун-қоидаларини ўзлаштириш, уни ўзбек халқ мусиқасининг бой имкониятлари билан моҳирона пайванд қилиш мақсадида илғор композиторларимиз нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ минтақаси доирасида улкан ютуқларни қўлга киритишига муваффақ бўлдилар.

Янгича мусиқий услубда ноёб замонавий асар яратиш, жаҳон халқлари мусиқаси ривожланишини ҳисобга олиб, тобора янгидан - янги ижодий уфқларни очиб бериш билан тавсифланувчи байналминал жараёнга Ўзбекистон ўз муносиб улуши билан дадил кира олди. Касбий улғайиш босқичларини тезкорлик билан ўтаб, ҳар томонлама етуклик палласига қўтарилиши билан «Ўзбек композиторлик мактаби» дунё мусиқа маданиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга интилди.

Асосан XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган ана шундай ижодга мойиллик даражаси илгари айрича ҳолда бўлган икки тоифадаги мусиқий тафаккур анҳаналарининг ўлкамизда узвий муштараклигига эришилганлиги билан ҳам характерланади. Шу боисдан кўп овозлик услуг ила бунёд этилган турли жанрлардаги бадиий жиҳатдан баркамол, мумтоз асарлар маънавий қадриятларимизнинг жаҳоншумул салоҳиятини янада оширди.

Мусиқий маданиятимизнинг янги йўналиши бўлган ўзбек симфоник мусиқаси 70-80-йилларда пешқадам сафга чиқиб олганини эслаб ўтайлик. Бу ўринда республикамизда, қўшни ва қатор хорижий мамлакатларда ўтказилган нуфузли маданий тадбирлар, концерт, қўрик-танлов ҳамда фестивалларда катта муваффақият билан ижро этилган ўзбекона поэмалар, сюиталар, увертюралар, фантазиялар, чолғу концертлар ва симфониялар ҳалқаро мусиқа жамоатчилиги диққат-эҳтиборини қайта-қайта ўзига жалб қилган.

Бугунги кунда ўзбек мусиқа санҳати нафақат асл анъанавий кўринишларида, балки композиторлик йўналишларида ҳам ҳалқаро миқёсда тобора кенгроқ тан олинмоқда. Бу маҳнода соғ чолғу мусиқаси, хусусан, унинг анча муракқаб саналмиш симфоник ижодиёти алоҳида эҳтиборга молик. Эндиликда республикамиз композиторлиги шунчаки хилма хил мусиқа жанрларида ёзиш ва изланиш тажрибаларидан иборат бўлмай, балки ноёб анҳаналарига, мумтоз намуналар хазинасига эга сермаҳсул оқимдир.

Уни турли йилларда халқчил куй оҳанглар заминида яратилган ноёб ва бетакрор асарлар ташкил этади. Зеро, ҳар қандай андозада басталанган мусиқанинг миллийлик, бадиий баркамоллик, ўзига хослик, мазмундорлик, таҳсирчанлик каби фазилатлари ҳамиша қадрлидир.

Юксак қасб маҳорати, теран билимдонлиқ, нозик дид билан кўхна миллий анҳаналарга таяниб яратилган асарларнинг умри боқийлигини биргина ўзбек симфоник мусиқаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Жумладан, 30-йилларнинг иккинчи ярмида яратилган Алексей Козловскийнинг овоз ва симфоник оркестрига мослаштирилган эҳтиросли «Тановар» поэмаси, «Лола» сюитаси, Рейнголрд Глиернинг «Фарғона байрами» шодиёна увертюраси тингловчиларга ҳамон олам-олам завқу шавқ бағишлаб келмоқда. Симфоник оркестр иштирокида ижро этишга мўлжалланган ўлмас кашфиёт даражасидаги асарлар орасида Мутал Бурҳоновнинг яккахон, хор ва симфоник оркестр учун «Алишер Навоийга қасида»си, Мухтор Ашрафий, Георгий Мушелр, Сулаймон Юдаковларнинг қатор симфоник асарлари, Дони Зокировнинг «Лирик поэма»си, Борис Надеждиннинг «Болаларга» сюитаси, Икром Ақбаровнинг «Шоир хотирасига», «Эпик поэма»лари, «Самарқанд ҳикоялари» туркуми, Сайфи Жалилнинг «Самарқанднома» симфонияси, Тўлқин Курбоновнинг симфоник куйлари, Мирсадик Тоҷиевнинг «Шоир севгиси» поэмаси ва 19 та муҳташам симфониялари, Мирхалил Маҳмудовнинг 3 та симфонияси, Нурилла Зокиров, Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Ҳабибулло Раҳимов, Баҳрулло Лутфуллаев ва бошқа ижодкорларнинг ютуқлари мусиқий маданиятимиз равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Заминимиздаги мусиқа санҳатининг ривожи уч минг йилга бориб тақалади. Ўтган бу залворли даврлар мобайнида мусиқий маданиятимиз жуда кўп марта ўзининг узоқ ривожланиш даврини босиб ўтди ва халқимиз маънавий бойлигининг негизи сифатида эзгулик ва тараққиёт учун хизмат қилди. Шунинг учун ҳам биз жуда бой, ранг-баранг, кўлами кенг, услугубан хилма хил, қиймати чин маҳнода бебаҳо даражали улуғвор мусиқий меросга эгамиз.

Ўрта асрларда факат мумтоз ижодкорлик қатламида «Ўн икки мақом»дек муҳташам тизим, унинг негизида шаклланиб бизгача етиб келган Бухоро ва Хоразм мақом туркumlари, Фарғона-Тошкент мақомлари, анҳанавий ижрочилик ва сурнай йўллари, халқ бастакорлик ижодкорлиги, мусиқий достончилик санҳати мусиқий маданиятимизнинг сарчашмалари сифатида баҳраманд қилиб келмоқда.

Диний-фалсафий ашулалар масаласига келсак, булар, аввало бизнинг тарихий бойлигимиздир. Кимгадир ғайри табиий туюлса ҳам, бу йўналишга тўсик бўлмаслик аслида озодлик, эркинлик, юксак маданиятга хос чинакам демократик тамойилларнинг амалдаги яққол ифодаси бўлса керак. Чунки мумтоз шарқ шеҳриятида битилган илоҳий, тасаввуфона мавзулар ўтмиш мусиқамиизда ўзининг оҳанрабо, таҳсирчан ифодасини топган ва қадрланган. Бундай ашулаларнинг ўз тингловчилари, асосан, кексалар орасида шинавандалари, мухлислари бор. Буни албатта, ҳисобга олиш зарур бўлади.

Кези келгандаги шуни ҳам эҳтироф этиш керакки, Оврўпага турдош замонавий мусиқа ижрочилиги бўйича, жумладан, фортелиано, торли, дамли ва зарбли чолғулар, академик услубдаги хонандалик ихтисосликларидан кўплаб иқтидорли ёш мусиқачиларимиз вояга етмоқда. Уларнинг аксарияти республика ва чет мамлакатларда нуфузли халқаро танловларда иштирок этишиб, ғолиб ва совриндорликни қўлга киритишаётгани кувонарли ҳолдир.

?

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Маълум вазият айтимлари.
2. Оиласи мросим куй-қўшиқлари.
3. Мавсумий маросим айтимлари.
4. Мехнат қўшиқлари
5. Мусиқашунос олимлар ўзбек халқ мусиқа ижоди намуналарини ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва бажараётган вазифаларига кўра неча гурухга тасниф этадилар:
6. Ижро этилиши маълум шароит ва вазиятлар билан шартланган куй-қўшиқларга нималар киради
7. Исталган “вазият” ёки эркин мавзули куй – қўшиқларга нималар киради.
8. Қўшиқ нима
9. Терма нима
10. Лапар нима
11. Ялла нима
12. Ашула нима.
13. Катта ашула нима
14. Мақом нима
15. Оиласи маросим қўшиқлари нима
16. Маросим нима
17. Мавсумий қўшиқлар нима
18. Мехнат қўшиқлари неча турга бўлинади
19. Чорвадорлик қўшиқлари нима
20. Деҳқончилик қўшиқлари нима;
21. Хунармандлик қўшиқлари нима
22. Достончилик мактаблари.
23. “Достон” сўзи қайси тилдан олинган ва маҳнуоси нима
24. «Алномиши», Гўрўғли туркум достонлари деганда нима тушунасиз.
25. «Бахши» сўзи маъноси нима
26. Ўзбек достончилигига достон куйлаш анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Улар қайсилар.
27. Хоразм достончилиги

28. Ўзбек достончилик анъанаси

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т.1997
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т.1997
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси . Т.: Шарқ 1998 й-182 б.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. Т.: Ўзбекистон овози 28.01.2010 й 1-3 бетлар.
5. Кароматов Ф.М. Ўзбек халқ музика ижоди тарихи. 1-қисм, 1972, 1981, 2-қисм.
6. Иброхимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. 1994 й. 81 б.
7. Панжиев К. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. Ўқув қўлланма. 2020 й. 274 б.
8. Одилов А., Лутфуллаев А. Мусиқа асбоблари – «Чанг». Тошкент, 2002
9. Қосимов Р. Мусиқа асбоблари – «Уд». Тошкент, 2002.
10. Қосимов Р. Анъанавий танбур ижрочилиги. Тошкент, 2002.
11. Икромов И. Дойра дарслиги. Тошкент, 1997.
12. Тошмуҳамедов М. Фижжак дарслиги. Тошкент, 1996.
13. Петросянц А. Инструментоведение «Узбекские народные инструменты». Т., «Изд. им. Г.Гуляма». 1990.
14. М.Асилов, Ф.Василев. Тошкент, Дутор дарслиги. 1987.
15. Абдукаримов М. “Чолғушунослик” Тошкент 2005 й. Лутфуллаев А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи.-Т.:

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.

Режа

1. Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари.
2. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.

Таянч тушунчалар: ғоя, назария, тараққиёт тенденциялари, тамойил, концепция, қонуниятлар, тараққиёт, тарих, мусиқий тараққиёт.

1. Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий сиёсий ва маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ўзининг кўлами ва аҳамияти билан муҳим воқеа сифатида тарихда муҳирланиб қолмоқда. Айниқса, Республикализни мустақил ҳаёт кечириши, тенглар ичра тенглиги, ўзининг келажагини қуришда илдам қадам ташлаб бораётганлиги бугунги глобаллашув жараённида ўзининг мустақил ривожланиш йўлидан событ қадам ташлаб, бутун дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

2. **Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари.** Жумладан, мусиқа ижрочилигига тизимишин пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусида хорижий адабиётлар (тахлили, таълим жараённига тадбиқ этиш масалалари). Мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Таълим тизимида чолғу ижрочилигини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалар. Мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублар. Репертуар танлаш ва чолғу ижрочилигини тайёрлашда индивидуал ёндашув масалалари. Машҳур чолғучиларнинг ижоди. Улар яратган услубларни таълим жараённига тадбиқ этиш масалалари.

Профессионал ижрочилик ўзининг мукаммаллиги, ҳар бир куйга оқилона ёндашиши билан ажralиб туради. Мукаммаллиги шундаки: ижро пайтида ўзини тутиши, ҳар бир штрих, ҳар бир зарб, ҳар бир парда ўз ўрнида бўлиши; ҳар бир куйга оқилона ёндашишини шундай изоҳлаш

мумкин: чолгучи маълум бир куйни ижро этишдан олдин яхшилаб ўрганиб чиқади, куйнинг мураккаб жиҳатлари, пардалари, тарихий келиб чиқиши, руҳиятидан келиб чиқиб, ижодий ёндашади.

Ҳаваскор ижрочилик эса аксинча, саҳнада ўзини тутиши, куйнинг баъзи жиҳатлари, унсурларини сезмай ташлаб кетиши, штрих ва зарбларини пойма-пой кетиши, чалаётган куйга хос бўлмаган пардаларини ижро этиши билан фарқланади.

Машхур чолғучиларнинг ижоди.

Машхур чолғучиларнинг ижоди билан талабаларни таништириб бориш ҳам устоз созанда зиммасидаги вазифалардан биридир. Ҳар бир куйни ижро этишдан олдин ушбу куйни машхур ижрочилари, ижрочиларнинг қайси мактаб вакиллари эканлиги ҳақида гапириш устоз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Бу ижроларни магнит ёзувларини эшлитириб, дарс ўтилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Машхур чолғучилар яратган услубларни таълим жараёнига татбиқ этиш масалалари ҳозирги кунда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифа яна устозлар зиммасига юклатилади. Ҳар бир берилган куйни ижрочи устоз кайфияти чоғ пайтида уз услубида ижро этиб, магнит тасмаларига ёзмоғи керак. Ушбу берилган куйни бошқа ижрочилар, бошқа ижрочилик мактаби вакилларини ҳам магнит ёзувларини топиб талаба созандага навбатма-навбат эшилтириб, устоз ижрочилик мактабларини фарқини, ютуқ ва камчиликларини айтиб талабага тушунтирса устозшогирд тизимининг замонавий кўриниши бўлади.

Ишдан мақсад – Таълим тизимида мусиқий авангардизмни ўргатиш борасида илфор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гурухларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гурухга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлаш вақтини эълон қиласи.

Гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясади.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

Гурухда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириқقا масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гурух иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Муҳокама қилиш -3 минут.
3. Презентация (такдимот) варафини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гурухлар бошқа гурухларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

2-амалий машғулот: Методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш. Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари ва уларни ривожлантириш стратегиялари.

Ишдан мақсад – Таълим тизимида машхур чолғучиларнинг ижоди; машхур чолғучилар яратган услубларни таълим жараёнига татбиқ этиш масалаларини таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлиш вақтини эълон қиласди.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Мухокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (такдимот) варагини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гурухлар бошқа гурухларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова**Биринчи гурӯҳ учун вазифа.**

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Машҳур рубоб чолғучиларидан кимларни биласиз?		
Гижжақда анъанавий ижро билан академик ижронинг нима фарқи бор?		
Анъанавий чолғу ижрочилигига қайси зарбли чолғулар ишлатилади?		

Иккинчи гурӯҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Машҳур гижжак чолғучиларидан кимларни биласиз?		
Рубобда анъанавий ижро билан академик ижронинг нима фарқи бор?		
Академик чолғу ижрочилигига қайси зарбли чолғулар ишлатилади?		

2-илова

Гурухни баҳолаш жадвали.

Гурух-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гурух аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гурух					
2-гурух					

З-амалий машғулот: Мусика таълими уқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқикот масалалари. Мусика таълими уқитувчисига куйиладиган замонавий талаблар.

Илм-фан, техника, ишлаб чикириш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият хаётининг барча соҳаларида тараққиётининг янги истиқболларини очиб берди. Инсониятнинг давлат ва жамият курилишига доир асрий тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илгор ёндашувларнинг карор топтирилишига олиб келди. Мазкур ёндашувларнинг моҳияти сунгги йилларда умумий тарзда “модернизациялаш” тушунчаси ёрдамида ифодаланиб келинмоқда. Бирок, илм-фан, техника, ишлаб чикириш ва технологияларнинг ривожи туфайли жамият хам ривожланишининг муайян боскичидан янада такомиллашган боскичга утади. Фалсафий талкинда ифода этганда микдор узгаришлари туб сифат узгаришларига айланади. Урта асрларда аграр характер касб этган жамият илм-фан, техника, санъат ва ишлаб чикиришнинг ривожланиши билан индустрисал жамиятга айланди. Ижтимоий жамиятнинг ижтимоий тизимдан очик фукаролик жамиятига айланишини англатади. Ушбу турдаги негизида жамиятнинг ижтимоий катламларида умумий ёки хусусий характердаги янгиланишлар содир булади. Жумладан, таълим соҳадаги янгиланишлар хам шулар жумласидандир. Таълим тизимини янгилаш - жамиятнинг ижтимоий, иктисолидий ва маданий эҳтиёжларини, унинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш булган талабини кондириш, таълим тизимини баркарор ривожланишини таъминлаш максадида мавжуд механизмнинг кайта ишлаб чикилиши ёки такомиллаштирилишини талаб киласи. Мазкур инновацион жараён шахсни уқитиш ва тарбиялашга оид энг яхши анъаналарни саклаб колган ва бойитган холда мажмуавий характер касб этиб, таълим тизимиning барча соҳаларини тула камраб олади ва жамиятда карор топган малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги эҳтиёжни кондиришга хизмат киласи. Таълим тизимиning инновацион таълим

жараёнида куйидаги устувор вазифалар хал килинади:

- хар бир мусика касбидаги шахснинг тулаконли таълим олишида бошкалар билан teng хукуклилиги ва таълим олишнинг очиклигини таъминлаш;
- узлуксиз таълим тизимида янги сифат курсаткичларига эришиш;
- янги таълим ресурсларини жалб килиш ва улардан самарали фойдаланиш асосида узлуксиз таълим тизимида самарали меъёрий-хукукий ва ташкилий-иктисодий механизмларни шакллантириш;
- давлат ва жамиятнинг куллаб-куватлаши негизида таълим тизими ходимларининг ижтимоий макоми ва касбий компетентлигини ривожлантириш;
- мусика таълим тизимининг давлат ва жамоатчилик бошкарувига асосланганлик тамойилига мувофик таълим жараёни иштирокчилари - талабалар, педагоглар, ота-оналар ва таълим муассасаларининг ролини ошириш.

Барча давлатларда булгани каби Узбекистан шароитида хам таълим тизимини модернизациялашда давлат, жамият, махаллий ва ижтимоий ташкилотлар, юкори хамда куйи бошкарув органларининг урни ва роли, улар уртасидаги узаро бирлик, хамкорлик мухим ахамиятга эга. Замонавий шароитда таълим тизимини инновацилон таълим ресурслари асосида кайта куришда, унинг устувор йуналишлари куйидагилар саналади:

- электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш;
- укитишнинг мавжуд ва янги технологик шаклларини узаро мувофикаштириш;
- мусика санъатининг укув хамда мутахассислик фанлари асосларининг талабалар томонидан мустакиллик узлаштирилиши учун кулагай педагогик ва технологик шарт- шароитларни вужудга келтириш.

Мусика таълимининг таснифи, конуниятлари, тамойиллари ва мезонларини куйидаги куринишда тасавур этиш мумкин. Айни вактда Республика ижтимоий хаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмокда ва кенг куламни камраб олмокда. Ахборотларни тезкор суръатда кабул килиб олиш, уларни тахлил этиш, кайта ишлаш, назарий жихатдан умумлаштириш, хулосалаш хамда талабага етказиб беришни йулга куйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири хисобланади. Мусика таълими-тарбияси жараёнига педагогик технологияни тадбик этиш юкорида кайд этилган долзарб муаммони ижобий хал этишга хизмат килади. Аввалам бор технология (юнон. “techne” - маҳорат, санъат, “logos” - тушунча, таълимот) - муайян (ишлаб чикариш, ижтимоий, иктиносий ва б.)

жараёнларнинг юксак махорат, санъат даражасида ташкил этилиши Таълим технологияси (ингл. “an educational technology”) - таълим (укитиш) жараёнининг юксак махорат, санъат даражасида ташкил этилиши Таълим технологияси - таълим максадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойихалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, боскичма-боскич амалга ошириш, аник максадга эришиш йулида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чикиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш хамда таълим жараёнини юкори даражада бошкариш Таълим методи - укув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йуналтирилган укитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти усули булса, таълим методикаси эса муайян укув предметини укитишнинг илмий асосланган метод, коида ва усуллар тизими. Укитувчининг самарали фаолият курсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасини пухта ишлаб чикишдан фаркли улароқ, таълим технологияси талабалар фаолиятига нисбатан йуналтирилган булиб, у талабаларнинг шахсий хамда укитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган холда, укув материалларини мустакил узлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат килади. Мусика таълими технологиясининг марказий муаммоси - таълим оловчи шахсини янада ривожлантириш, касбий (ижодий) кобилиятни ривожлантириш оркали таълим максадига эришишни таъминлашдан иборат. Мусикий педагогик технология назарияси утган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган булсада, айнан “педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни “амалиётга тадбик килинадиган муайян педагогик тизим лойихаси” дея таърифлайди хамда асосий диккатни укув-педагогик жараённи олдиндан лойихалашга каратади. Мусикий педагогик технология - таълим шаклларини такомиллаштириш вазифасини қузлаган укитиш ва бошқаларни узлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги харакатлари воситасида яратиш, тадбик этиш ва аниклашнинг изчил методи (ЮНЕСКО). Уз моҳиятига кура мусикий педагогик технология вакт таксимотига мувоғик дастурланиб, илмий жихатдан асосланган хамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча боскич ва кисмларининг вазифалари аник белгиланган тизимни ифодалайди. Мусик таълим тизимини технологиялаштириш Фояси утган асрнинг бошларида Фарбий Европа ва АҚШда таълим тизимини ислоҳ килиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт-шароитни

яратиш борасидаги ижтимоий харакат юзага келган даврда илк бора уртага ташланди. Мазкур Фоя 30-йилларда таълим жараёнига “педагогик техника” (“таълим техникаси”) тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланди. Ушбу даврларда яратилган маҳсус адабиётларда “педагогик (таълим) техника(си)” тушунчаси “укув машғулотларини аник ва самарали ташкил этишга кумаклашувчи усул ва воситалар йивиндиси” тарзида талкин этилди хамда укув жараёнига укув ва лаборатория жихозларининг олиб кирилиши, улардан самарали, унумли фойдаланиш, материал мазмунини курсатмали куроллар ёрдамида тушунтириш каби холатлар таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллардир дея баҳоланди. XX асрнинг 50-йилларида таълим жараёнидаги техник воситаларни куллаш “таълим технологияси” йуналишини белгилаб берувчи омил дея эътироф этилди, асосий эътибор талабалар аудиториясини кенгайтириш техник воситалардан фойдаланиш эвазига амалга оширилиши, техник воситаларнинг имкониятларини янада такомиллаштириш, уларнинг ахборот сигимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштириш каби масалаларга каратилди. Бу борада олиб борилган тадқикотларнинг обьекти, таянч нуктаси сифатида техник воситалар имкониятлари, уларни такомиллаштириш жараёни кабул килинди, шунингдек, укув жараёнини “технологиялаштириш”нинг ташкилий жихатларини урганишга алоҳида урғу берилди. 60-йилларнинг бошларида таълимни дастурлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш “технология” тушунчасининг моҳиятини очиб берувчи омил сифатида курила бошланди. Дастурий таълим талабаларга муайян билимларни алоҳида кисм холида эмас, балки изчил, яхлит тарзда берилишини назарда тутади. Таълим жараёнини яхлит, макбул дастурга мувоғик ташкил этиш таклифи илк бора АҚШда фаолият юрита бошлаган “Дастурий таълим ва ургатувчи машиналар буйича бирлашган Кумита” томонидан илгари сурилган. Дастурий таълим узида таълим максадлари, уларни узгартириш ва баҳолашнинг мос равишдаги мезонлари хамда таълим мухитининг аник тавсифини камраб олади. Бу эса узгартириш мажмуасини тулалигича кайта ташкил этиш тушунчаси мазмунига мос келади.

Мусика таълимида назарий асослари, Фоялари, гипотезалари, конуниятлари ва тамойиллари бир неча жихатни узида акс эттиради:

Биринчиси, мусика таълими ва тарбияси хамда юксак ижрочилик маҳоратига эга шахс камолоти (тараккиёти) бирлиги;

иккинчиси мусикий педагогик технологиянинг муайян, катъий тизимга эгалиги, “тизимлилик” тушунчаси бу уринда хам маълум мусикий фанини

укитиш жараёнига, хам умумий таълим жараёнига хослиги;

учинчидан, асослилик (фундаментлик) тамойили фанларнинг урганиш обьекти, ички мохияти ва хусусиятларига кура турли йуналиш (модул)ларга булиб урганиш афзаликларини ифода этади.

Укув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштирилган. Хар бир укув фани унинг учун “ядро”, “узак” саналувчи ахборотларга эга булиб, ушбу ахборотлар шахс томонидан фанлар асосларининг урганилиши, аник мутахассислик буйича мустакил билим олиш, узлаштирилган билимларни кенгайтириб бориш йулида таянч тушунчалар булиб хизмат килади. Бундай ёндашув маълум йуналиш буйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фанлараро алокадорлик хусусиятидан фойдаланиш имконини хам беради. Укув фанларининг муайян йуналишлар тарзда бириктирилиши шахс хотирасига нисбатан зурикишни камайтиради, шунингдек, фикрлаш кувватини оширади, тафаккурнинг юзага келшини таъминлайди. XX асрнинг 80-йилларида таълим жараёнини ташкил этиш таълим олувчиларга мавжуд фанлар соҳалари буйича оз-оздан маълумот (билим) беришдан иборат деб талкин этилган булса, 90-йилларда ушбу жараённинг ташкил этилиши узлаштирилган билимлар негизида муайян, аник фан буйича янги маълумот (билим)ларга эга булиш учун кулай шароитни яратиш жараёни сифатида эътироф этилди.

Мусика маданиятни англаш (маданий хаётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили немис педагоги А.Дистервег томонидан XIX асрда истеъмолга киритилган булиб, бугунги кунга кадар хам уз ахамиятини йукотмаган. Мусика маданиятни англаш тамойили талабаларга ижтимоий жамиятнинг маданий тараккиёти даражасидан келиб чикиб таълим берилишини назарда тутади. Утган асрда таълим самарадорлигини таъминловчи етакчи омил сифатида педагогнинг билим даражаси ва маҳорати эътироф этилган булса, бугунги кунда укитувчининг билими, салохияти хамда маҳоратининг юкори даражада булиши билангина муваффакиятларни кулга киритиб булмаслиги барчага аён. Мазкур уринда замонавий фан ва техника имкониятлари, хусусан, компьютер, мультимедия воситалари, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий ва иктиносий тараккиётининг эътиборга олиниши муҳим ахамият касб этади. Эндиликда мутахассислар “соҳа (ёки йуналиш)ларнинг узига хос жихатлари, бу борадаги назарий ва амалий билимларни чукур билишлари, муайян фаолиятларни бажара олишлари, белгиланган муддатда аник вазифаларни хал этишга улгуришлари хамда маълум ютукларга эриша олишлари” Фояси

етакчи урин тутувчи бозор муносабатлари шароитига пухта тайёрланиши лозим.

Мусика таълими мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили. Тилга олинган хар икки тушунча хам луғавий жихатдан (юонон. “*humanus*” - инсонийлик, “*humanitas*” - инсоният), бир узакка эга булса-да, уларнинг хар бири узига хос маъноларни ифодалайди. Инсонпарварлаштириш таълим муассасаларида урганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанлар (тарих, маданиятшунослик, социология, психология, филология ва бошкалар)нинг киритилишини, инсонийлаштириш тушунчаси эса шахс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни англатади. Мусика санъати воситасида эса инсонпарварлаштириш - инсон ва жамият уртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг кадр-киммати, шаъни, орномуси, хукук ва бурчларини хурматлашга асосланувчи фаолиятни ташкил этиш жараёни булса, инсонийлаштириш “барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараккиёти) учун” деган Фоя асосида ташкил этилувчи фаолият жараёни саналади.

Мусика таълим жараёнини лойихалаштиришда хар бир укитувчи ушбу тамойилга катъий амал килиши лозим ёки уз мутахассислигига оид муаммоларни хал этишда уни жамият манфаатлари билан уйғун булишига эътибор бериши максадга мувофиқдир. Эндиликда педагог талабалар фаолиятини авторитар (якка хокимлик) тарзида бошкармай, балки таълимий хамкорлик Фояларига содиклик асосида таълим жараёнини инсонийлаштиради ёки бошкacha айтсак, таълимни инсонийлаштириш тамойилига амал килинишини таъминлайди. Ушбу холат уз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Урганиб тадқик этиш, тадқик этиб укитиш тамойили. Ушбу тамойил куйидаги икки жихатни ёритишга хизмат килади: 1) таълим муассасаларининг хар бир укитувчиси уз фани соҳасига талабаларни жалб килган холда тадқикотларни олиб бориши лозим; 2) укитувчи таълим технологиясини ишлаб чикади, уни амалиётда синаб куради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқик этади. Укитиш жараёнининг мазкур икки жихати мухим ахамиятга эга булиб, у укитувчининг касбий хамда педагогик маҳоратини ошириб боришига ва талабаларни булажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрлаш учун замин яратади.

Мусика таълимининг узлуксизлиги тамойили таълим олувчиларнинг касбий сифатларга эга булишлари, мавжуд сифатларнинг хаётий фаолият

давомида такомиллашиб боришини назарда тутади. Шахсга унинг бутун умри учун аскотиши мумкин булган билимларни бериш мумкин эмас, зеро, мавжуд билимлар хар беш-ун йил мобайнида узгариб, мазмунан бойиб боради. Демак, мазкур тамойил укитувчининг уз фаолиятида мустакил таълимни ташкил этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан талабаларнинг мустакил билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришни ифодалайди.

Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг дидактик богаикдигига асосланади. Дидақтика назариясида билим тушунчаси куйидаги икки хил маънода изохланади: а) таълим олувчилар узлаштириши лозим булган билимлар; б) улар томонидан узлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида кулланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар. Билимлар фаолият жараёнида мустахкамланади, шу сабабли талабаларда назарий билимларни амалда қуллай олиш иктидорини тарбиялаш лозим. Амалиётдаги тадбикига эга булмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади. Мусикий таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш хам мухим ахамиятга эга. Педагогик технологияларнинг имкониятидан келиб чиккан холда уларни амалиётга татбик этишнинг самарадорлигини бир катор мезонлар билан аниклаш мумкин. Улар куйидагилардир:

- таълим, тарбия ва шахсни ривожлантириш вазифаларининг узида яхлит ас эттира олиши;
- узида замонавий фан ва техника даражаларини ифодалай олиши;
- Фоявий жихатдан талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятларига мос келиши;
- укув материалининг зарур ахборотлар билан тулик таъминланганлиги;
- укитиш жараёнида ранг-баранг метод ва воситаларни куллаш имкониятини таъминланганлиги;
- таълимнинг кургазмалилиги ва барча учун очиклигини таъминлаш тамойилига эгалиги;
- куп функцияли таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни осон эксплуатация килиш имкониятининг мавжулиги;
- педагогнинг талабаларга мустакил ишларни самарали ташкил этишга кумалашиш даражаси Укитиш тизимида педагогик технологияларини самарали куллаш педагогнинг касбий компетентлигига хам бойик. Шу сабабли педагогик технологияларнинг самарадорлигини педагог томонидан уларнинг кулланилишига кура хам баҳолаш мумкин. Бунда куйидаги

мезонлар мухим ахамиятга эга:

- педагогнинг технологик маданиятта эгалиги;
- педагогнинг педагогик технологияларни куллаш борасида тажрибага эгалиги;
